ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Гос. книжная палата УзССР
8 ДЕК 1991

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی و صنعتی

1991

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

6 ДЕКАБРЬ, № 49 (3153) ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ака-укалар, опа-сингиллар!

Муҳтарам биродарлар, ўртоқлар!

Ардоқли дўстларим, ватандошларим!

Бугун жумҳуриятимиз жуда оғир ва мураккаб, шу билан бирга энг масъулиятли ва шарафли даврни бошдан кечирмоқда.

Шарафли давр деганимнинг маъноси шуки, биз она Ватанимизни мустақил деб эълон қилдик.

Мустақиллик дегани биз учун энг аввало:

— Она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз, аввалambор республикамизда яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз.

— Миллий демократик давлат тузумини халқимизнинг мустақил иродаси билан ташкил этиш. Ўзбекистон тупроғида яшайдиган ҳар бир инсон учун, унинг миллати, дини ва эътиқодига қарамасдан муносиб ҳаёт яратиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

— Халқимизнинг, эл-юртимизнинг келажагини мустақил белгилаш, бўлғуси авлодларга тўкис тақдирлар яратиш ва хориж билан, у ёқдаги ватандошлар билан **ҳеч қандай воситачиларсиз** муносабат ўрнатиш демакдир.

Даврнинг мураккаблиги эса ана шу улуғ мақсадлар — ҳақиқий мустақиллик йўлида турган катта қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу йўлда мушкул ва машаққатли синовлардан ўтиш учун катта мардлик ва фидойилик, сабр ва қаноат керак. Ҳеч ким, ҳеч қачон ўз хоҳиши билан бировга эрк берган эмас. Шу нарсани ҳаммамиз тушуниб олсак, бир жон, бир тан бўлиб курашсак, халқимизнинг азалий орзусини амалга оширсак — марра бизники.

Ўзбекистон ери, бойликлари нафақат ўзимизни, замондошларни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналмилал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиш ва уларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун бемалол етиб ортади.

Бу чексиз имкониятларни ишга солиш учун одамларимизга — ишчиларга, деҳқонларга, хизматчиларга, зиёлиларга, меҳнат жамоаларига, хуллас, ҳар бир шахсга шундай шарт-шароит ва эркинликлар яратиб бериш керакки, улар аввало ўз манфаатлари йўлида ва айни замонда жамият равнақи, давлат барқарорлиги йўлида меҳнат қилсинлар.

Демак, ҳаётнинг ўзи жамиятимизни озодлик, демократия ва ошкоралик асосида бошқаришни тақозо этади.

Ишни республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошламоғимиз керак.

Халқимизнинг ўтмишини чин маънода эслаш, қадр-қимматига етиш, урф-одатларини, удумларини, ўтган не-не улуғ зотларнинг муборак номларини тиклаш ва уларнинг иззат-ҳурматини бажо келтириш — сизу бизга насиб этганидан фахрланишимиз керак.

Бугун биз Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини буюк халқнинг муносиб фарзанди эканини тўла-тўкис англашга ва шу юксак туйғуга яраша амалий ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Бошқа миллатларнинг эзгу орзуларини ҳурмат қилган ва тан олган ҳолда ўз миллий ғуруримизни юксак даражага кўтариб, олдимизда турган олижаноб ниятларимизга эришмоғимиз мумкин.

Мақсадимиз — одамларнинг кўнглини кўтариб, илму фанимизни, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга қайтадан олиб чиқишдир.

Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш **имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат** каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устивор қилайлик.

Бу ажойиб фазилатлар тўғрисида сўз кетар экан, аввалambор диндорлар, дин пешволари билан яқиндан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз зарур. Инсон руҳи поклanишида, ахлоқий тарбия, эл-юртимизда тинчлик, осойишталик ва миллатлар тотувлигини сақлашда дин аҳли хизматига тан беришимиз лозим.

Бугунги Ўзбекистон — суверен, ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқини, туб манфаатларини таъминлайдиган, ташқи ва ички сиёсатни мустақил олиб бораётган давлатдир.

Бу — биз ўз қобиғимизга ўралиб қоламиз деган гап эмас. Тенглик ва манфаатдорлик асосида бошқа суверен ва мустақил давлатлар билан — Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва бошқа минтақалар билан алоқани мустаҳкам қилган ҳолда иш юритишимиз керак.

Мана шунда ягона иқтисодий макон юзага келади, мустақил давлатлар ўртасида ҳалол муносабатлар ўрнатилади.

Шу билан бир қаторда биз хорижий мамлакатлар билан ҳам Ўзбекистоннинг манфаатини кўзлаб, ҳар томонлама: сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

Эндиги долзарб вазифа — миллатлар ҳамдўстлигига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришдир.

Чет эллардаги сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам Ўзбекистоннинг қай даражада иқтисодий ва маънавий салмоғи борлигини англай бошладилар. Бизнинг мустақил давлатимизни расман тан олиш ва у билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш жараёни бошланди.

Ҳозирги иқтисодий вазият, қимматчилик, тақчиллик, нарх-наво ўсиб бораётгани, моддий таъминотнинг эса кун сайин пасайиб кетаётгани, шу сабабли чайқовчилик, қонунбузарлик ва жиноятчилик кўпаяётгани халқимизни ташвишга солмоқда. Бундай аҳвол бутун мамлакатда мавжуд бўлиб, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Эски маъмурий буйруқбозлик ҳокимиятининг емирилиб кетиши, марказнинг вазиятни идора этолмай қолгани, бошқача қилиб айтганда, янги иморатнинг пойдевори қурилмасдан, эскисининг бутунлай қулатиб юборилгани — бунга асосий сабаблардан бўлди.

Аҳволни кескинлаштираётган сабаблардан яна бири — ўтмишда иттифоқни бошқарган ва ундан олдин Россия империясини бошқарган кимсалар олиб борган сиёсат оқибатида бугун Ўзбекистон арзон хом ашё манбаига айлангани, ўз фуқароларини тайёр маҳсулот — биринчи навбатда, кенг истеъмол моллари билан таъминлашда заиф бўлиб қолгани.

Хом ашё чиқарган ва хом ашё сотган элнинг косаси оқармайди. Бу — оддий ҳақиқат. Мана шунинг учун ҳам бизнинг бугунги асосий вазифамиз — қаддимизни ростлаб, бутун имкониятларимиз ва резервларимизни тўғри ҳисоблаб чиқиб, келажак йўлларимизни тўғри тушуниб ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритишдир.

Биринчи навбатда тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хом ашёмизни ва минтақамизда мавжуд иш кучларини **ўз тупроғимизда, ўз эл-юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиш лозим.**

Шу йўлда илғор замонавий технологияларни чет элдан олиб келиб қишлоқ жойларида ва ишчи кучи ортиқча бўлган районларда ихчам корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвестицияларини манфаатли тарзда республикага жалб этиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиққан тадбиркор-ишбилармонларга кенг имконият яратиб бериш, ташқи бозорга чиқиш ва ички бозорни товарлар билан бойитиш зарур.

Мулкчиликнинг барча турларига йўл очиш, айниқса, хусусий мулкчиликни ва колхоз-кооператив мулкчилиги шаклини замон талабларига мос тарзда кучайтириш керак.

Бу сиёсатни амалда тадбиқ қилишда, аввалambор, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг ривожи, энг муҳими, қишлоқ жойларда яшайдиган халқимизнинг манфаатлари устун бўлиши лозим.

Нега деганда, юртни боқадиган ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини хом ашё билан таъминлайдиган — деҳқон аҳлидир. Бошқа халқ хўжалиги тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган, меҳнат қилаётган кишиларга кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар берилиши шарт.

Деҳқон аҳли бизни асло доғда қолдирмайди. Биримизни албатта юз қилиб қайтаради.

Бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтиш даврининг қийинчиликларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шундай бир оғир шароитда аҳолининг иқтисодий заиф табақаларини ҳимоя қилиш — давлат раҳбарлари, хусусан, республика Президентининг диққат марказида бўлмоғи керак.

Қийинчиликлардан кам даромадли кишиларни соғ-омон олиб ўтиш, уларга ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш, турли нафақа ва бошқа иқтисодий енгилликлар миқдорини ошириш — энг савобли мақсаддир.

Пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш, одамларнинг ойлигини ошириш, нарх-навони жиловлаб туриш — бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлмоғи шарт.

Албатта, ишнинг кўзини билган одамлар меҳнатига яраша ҳақ олиши зарур. Бунга ҳаммамиз тан беришимиз керак. Лекин айни замонда жамиятимизни иккита қарама-қарши қисмларга — ўта бойлар ва ўта ғариб-камбағаллар тоифасига ажратиб қўймаслик керак. Ҳукумат ва Президент кўрадиган асосий ҳимоя чоралари, энг аввало, **ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари** манфаатларига хизмат қилади. Агар бировларнинг чексиз бойишига йўл очиб бериб, бошқаларнинг гадоларча ҳаёт кечиришига чидаб қараб турса, бундай давлатнинг ҳам, бундай салтанатнинг ҳам умуман ҳеч кимга кераги йўқ.

Ўзбекистон диёрида яшаётган миллионлаб оилалар бадавлат бўлмасдан туриб давлатимиз бой бўлолмайди — бизнинг шиоримиз шу. Бундай сиёсат жамиятимизнинг етакчи сиёсати бўлиб қолади.

Иқтисодий мустақиллик дастурининг яна бир муҳим жиҳати борки, бу — ёшларга эътибор. Афсуски, яқин-яқин даврларгача ёшларга нисбатан ишончсизлик мавжуд эди. Биз бу иллатни тугатишга киришдик. Савдо-тижоратда, иқтисодиёт ва гуманитар соҳаларда орттирилган билим ва тажрибаларни ўрганиш учун ёш олимлар ва мутахассисларни чет элларга юбориш кенг кўламда жорий қилинди.

Бизга юксак маърифатли, энг мураккаб ускуналарни бошқара оладиган малакали, замонавий ишчилар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Инсон тинч ва бехавотир яшаётганида тинчлик-тотувликнинг қадрига етмаслиги ҳам мумкин. Кейинги икки-уч йиллик ҳаётимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир тинч ўтган кунимизнинг ўзи катта бир давлат экан. Фарғона ва Ўш воқеаларини эслаб кўрайлик. Ўша фожиали ва қайғули кунларни ёдга олсак, бугунги тинчлигимизнинг ҳар бир дақиқаси нақадар қадрли экани очиқ-ойдин намоён бўлади.

Ўзбекистонда яшаётган кимки бўлмасин, ҳар қайси оиланинг, ҳар бир фуқаронинг, меҳрибон оналаримиз ва мунис аёлларимизнинг, гулдек болаларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тотувлиги учун бутун борлиғимизни бахш этсак ҳам арзийди.

Халқимизнинг ажойиб гапи бор: бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади. «Барака» деган сўзнинг маъносини, моҳиятини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилсак савоб бўлади.

Халқ хотиржамлиги, эл-юрт осойишталиги— сизу бизнинг қўлимизда.

Агар аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, улуғ мақсадларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарсак, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъий назар, улуғ мақсадимиз — ҳақиқий мустақилликка эришмоғимиз муқаррар.

Юртимизда тинчлик ва аҳиллик барқарор бўлсин.

Барча эзгу ниятларимиз руёбга чиқсин.

МИКОЛАНИНГ ЎЖАР ҲУРРИЯТИ

Украина озод бўлди.

Катта бир халқнинг кўнглига чироқ ёқилди, елкасига офтоб тегди. Бундай қараганда, уларнинг аҳволи бизникидан ҳам оғир эди. Негаки расмий ва ҳоким тил ва маданият уларнинг тил ва маданиятига яқин эди. Яқинлик ҳам гапми, аслида ҳам бирмиз, деб даъво қилди. Ўлка бағрига «қора» кунда асқатиб қолар деган ўй билан киритилган фуқаро лашкари ҳам кўп эди. Лекин барибир, украин биродарларимиз ўз айтганларини қилдилар.

Референдумда 90 фоиз овоз озодликни ёқлаб берилди.

Бундай якдилликни ҳеч ким кутмаган эди. Марказнинг ўйи бошқача эди. Донецк, Қрим каби минтақаларда бошқа миллат вакиллари кўп, албатта улар қарши овоз берадилар, деган умид катта эди. Қарангки, собиқ Иттифоқдан ўрису украин баробар безор бўлган экан.

Ўртоқ Горбачев Украина референдуми олдидан яна бир хато қилдилар. Украина Иттифоқдан чиқмаслиги учун барча чораларни кўраман, деб дўқ аралаш ваъда бердилар. Бу дўқ, менимча, украинларнинг қолган-қутган шубҳасини ҳам тарқатиб юборди. Бошқача айтганда, ўртоқ Горбачевнинг сўзлари украин халқининг ўзини ўзи таниб олишига ёрдам берди.

Ўртоқ Ельцин ҳам ўртоқ Горбачевнинг ваъдасига ишониб, референдумдан бир кун олдин сал катта гапириб юбордилар. Хайрият, эртасига, ўзларининг хатоларини тушундилар ва зудлик билан Украина элининг давлат мустақиллигини тан олдилар.

Соғлом фикрлайдиган сиёсатчиларнинг кўпайиб бораётгани қанчалар яхши!

Бугун Украина мустақил давлат. Бугун Украина билан фақат тенг туриб гаплашиш мумкин. Бугун Украинага тазйиқ ўтказиб бўлмайди.

Биз украин биродарларимизни ҳақиқий истиқлол онлари билан чин кўнгилдан қутлаймиз. Уларга тан берамиз, улардан ўрганамиз. Айниқса — миллий аҳилликни.

Яна йигирма уч кун деганда бизнинг ҳам референдум ўтади. Халқимиз ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Тарихда биринчи бор давлат тақдири ҳар бир фуқаро қўлига топширилди.

Сизу биз Ўзбекистонга озодлик беришга тайёрмизми? Тайёр бўлсак, неча фоизимиз тайёр?

Ўзбекнинг нечоғлик мустақил миллат эканi 29 декабрда билинади. Ўзбек миллатига нечоғлик ишонч борлигини ҳам ўша кун кўрсатади.

Украина ҳурлигини эшитиб, худди ўзимга эрк теккандай қувондим. Ўзбекистон халқи ўзини тўла ва узил-кесил мустақил деб эълон қилса, билмадим, қувончим қайларга боради...

Микола, Петро деган сабоқдош ошналаримиз бўларди. Микола ва Петро маърузани ўрисча эшитиб, дафтарларига украинча қилиб ёзиб олишарди. Бизга ўхшаган «содиқ фуқаролар» уларнинг қилиғини эриш билиб ўзимизча мазах қилардик. Қанчалар гуноҳ қилганимизни мана бугунга келиб тушуниб турибмиз.

Яшасин Микола ва Петроларнинг ўжар ҳурријати!

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

ХИЗМАТГА ЖЎНАТГАН ЭДИМ, ҚАМОҚҚА ЭМАС

МУҲАРРИРИГА мактублар

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигини халқнинг ҳақини ҳимоя қилаётган нашр деб тушунаман. Шунинг учун ҳам дардимни сизларга ёзишга қарор қилдим.

Катта ўғлим Абдумутал Жуманов 1990 йил июнь ойида армияга хизматга чақирилди ва Чита вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қила бошлади.

Буни қарангки, ўн саккиз йил оқ ювиб, оқ тараб парваришлаб ўстирган болам бугунги кунда туҳмат балосига учраб жиноятчи бўлиб қолди. Абдумутал содда, меҳрли, дўстларига садоқатли бўлиб ўсганди. Қишлоқдан бир қадам нарига чиқмаган мўмин-қобил бола жиноят қилишига ҳеч ишонмайман. Йўқ, бўлиши мумкин эмас, ўғлимнинг феълини яхши биламан. Айбнинг ҳаммасини боламга тўнкаб, бировларни урди деб туҳмат қилишди. Суд ишларини бир ёқлама олиб бориб адолатсизлик йўлини тутишди. Ахир ўғлимни қамоққа эмас, ҳарбий хизматга жўнатган эдим-ку! Нега командирлари болалар тақдирига бефарқ ва лоқайд қарайдилар. Ўғлимнинг озодликдан маҳрум этилишида ўшалар ҳам айбдор деб ҳисоблайман.

Ҳурматли муҳарририят, адолатнинг қарор топишида бизга ёрдам беринг. Соддагина, бўш бола қамоқда яхши-ёмонлар орасида ўзгариб, бузилиб, шафқатсиз бўлиб кетмасин.

Абдулла ЖУМАНОВ,
Жиззах вилояти Ғаллаорол райони

СЎЗНИНГ РОСТИ

МУЛОҚОТ

Ҳурматли муҳарририят! Ушбу қайғули мактубимни Бўстонлиқ районининг Ҳондайлиқ қишлоғидан юбормоқдаман. Менинг оталик бурчим, оталик виждоним уни ёзмасликка қўймади. Бу ёруғ жаҳонда ҳаммамиз ҳам фарзандим камолини кўрсам, тўйини ўтказиб, набираларимни эркалаб юрсам, деб орзу қиламиз. Бўйи бастига термулиб, зирапча киргудек бўлса киприкларимиз билан олишга тайёр бўлиб катта қиламиз. Ўғлим Икромжон менинг бош фарзандим эди. 1972 йилда туғилган. 1990 йил декабрь ойида йигитлик бурчини адо этиш учун ҳарбий хизматга чақирилди. Орадан 15 кунлар ўтгач, ундан хат — оиламизга қувонч келди. Хатда ёзишича, у Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмда хизматни бошлаган, ҳеч қандай қийинчилик ҳам, камчилик ҳам йўқлиги таъкидланган эди. Лекин нима бўлди-ю уни Москва яқинидаги вилоятга жўнатиб юборишди. Бу ердан ўғлим шароитнинг оғирлиги, интизомсизлик, тартибсизликлар тўғрисида хатлар ёза бошлади. Бу ёғини ёзишга қўлим бормайди...

1991 йил 8 апрелда ўғлим ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни эшитдик. Қай аҳволга тушиб қолганимизни ёзмасам ҳам бўлади.

Тобутни очиб қарасак, ўғлимнинг ўнг томони — оёғидан то кўкрагигача кўкариб кетган эди. Нима сабабдан кўкарган деб сўрасам йўлда шундай бўлган-да деб айтишди. Ахир ўлик темир тобут ичида қандай жароҳат олсин! Хуллас, ўғлим нега ўлди? Ким уни ўлдирди? Командирининг, ҳарбий қисмдаги раҳбарларнинг кўзи қаёқда эди? Агар гапим оғир ботса, ўша командир менинг ўрнимга ўзини қўйиб кўрсин! Ўғлимнинг ўртоқларини кўрсам ярам янгиланиб, у кўз олдимга келаверади. Бир неча марта Бўстонлиқ район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилдим, аммо қониқарли жавоб олмадим. Мен бағри лов-лов ёниб, гулдек фарзандидан жудо бўлган ота барча ота-оналар номидан бир нарсани илтимос қиламан: масъулият бурчини унутган ҳарбий қисм командирлари, раҳбарлари ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонли бўлишсину бўлган ишнинг ростини сўзлашсин.

Қурбонали ИСАНОВ

РЕДАКЦИЯДАН: Қурбонали аканинг оиласи бошига тушган бу оғир мусибатни ҳис этиш қийин эмас. Аввало ҳеч кимга бу кунни кўрсатмасин, кўрсатганга эса тўзим берсин. Биз унинг хатини Бўстонлиқ район ҳарбий комиссариатига юбориб, воқеага аниқлик киритилишида редакцияга ёрдам кўрсатишларини сўрадик. Яқинда район ҳарбий комиссари, подполковник К. Бўрибоев имзоси билан олинган хатда, жумладан шундай сатрлар бор: «1990 йил 5 ноябрда Хондайлиқ қишлоғидан хизматга чақирилган И. Исанов ўзини ўзи осиб ўлдирган. Қисм командиридан бу хабар келгач, тузилган шошилинч комиссия таркибида прокурор ўринбосари, ҳарбий комиссариатдан бўлим бошлиғи, мактаб-интернат директори бор эди. Комиссия жасадни очиб ўлим тафсилотларини батафсил ўрганиш ишида қатнашди.

Исановнинг ўлими сабабларини текшириш бўйича жиноий иш натижасини маълум қилиш сўралган. Ҳозирча унинг натижаси ҳақида маълумотга эга эмасмиз».

Кўриниб турибдики «Икромжон нега ўзини ўзи осди? Нима сабабдан?» деган ҳақли саволларга жавоб йўқ. Шунинг учун биз телефон орқали район прокурори ўринбосари М. Ниёзматов билан боғланиб, унинг фикрини сўрадик.

— Биз, комиссия аъзолари, воқеани жойига бориб аниқроқ ўрганишга ҳаракат қилдик, — дейди М. Ниёзматов. — Чиндан ҳам қийинчилик кўп, хизмат оғир бўлган, бола қийналган. Шу қийинчиликларга дош беролмай у ўзини осган, ота-онасига ёзиб қолдирган хатда «...хизмат шунақа бўладиган бўлса, укамни армияга юборманглар», — деб ёзиб қолдирган. Шу воқеа баҳонасида мен чақирилувчи ёш ўсмирлардан қандай қийинчилик бўлганда ҳам иродали, саботли бўлишни, бир ўзини эмас, ота-она, қариндошларини ҳам ўйлаб, ақл ва тафаккур билан иш юритишларини жуда-жуда илтимос қилар эдим.

Начора, булар бари ҳақ гап. Кераклн гап. Аммо Икромжонни олиб кетган ўлим сабаблари барибир кўринмаяпти. Шундай бўлса ҳам республика президентининг фармони билан армияга чақирилувчилар ҳақидаги қонунга киритилган сўнгги янгиликлар ва енгилликлар юракка таскин беради. Биз ҳам Қурбонали аканинг илтижоли гапларини таъкидлашни истар эдик. Ҳар қандай шароитда ҳам Сўзнинг рости айтилмоғи керак!

Муҳаббат ТУРОБОВА,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

Е. АҲМЕДОВга «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр ва кинематография санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат академик драма театри актёри **Ёқуб АҲМЕДОВга «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ»** фахрий унвони берилсин.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ

Москва, Кремль,
1991 йил, 28 ноябрь

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

29 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жумҳурият фан, адабиёт ва санъат ходимларининг бир гуруҳига тантанали вазиятда СССР ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини топширди.

Ўзбекистон халқ шоири **Абдулла Ориповга** Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Ёзувчилар **Худойберди Тўхтабоев, Ўлмас Умарбеков** ҳамда **Шукур Холмирзаевга** Ўзбекистон халқ ёзувчиси гувоҳномалари ва кўкракка тақиладиган нишонлари топширилди. Улар адабиётимизни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлган эдилар.

Тошкент давлат дорулфунунининг илм-фанни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ олимларига Халқлар Дўстлиги, Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси орденлари ҳамда «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари топширилди.

Хушовоз хонанда **Ортиқ Отажоновга** Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси ҳайъатининг раиси **Баҳодир Жалолов** ва рассом **Зокир Иноғомовга** Ўзбекистон халқ рассоми фахрий унвони, гувоҳномалари ва кўкракка тақиладиган нишонлари топширилди.

Мукофотланганлар меҳнатларига юқори баҳо берилгани учун миннатдорчилик билдирдилар, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларда куч-ғайратларини аямасликларини таъкидладилар.

«САБЪАИ САЙЁР»

Муқимий номидаги мусиқа театрида Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари асосида тайёрланган рақс-спектаклнинг кўриги бўлиб ўтди. Асарни Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси қошидаги «Тановар» рақс-театрнинг раққосалари саҳнага қўйганлар. Спектаклни таниқли балетмейстер, рақс-театрнинг бадиий раҳбари Юлдуз Исматова саҳналаштирган. Мусиқани жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Комилов басталаган.

Театр санъатида янгилик ҳисобланган бу саҳна асарида буюк «Хамса»нинг достонларидан бири бўлган «Сабъаи сайёр» қаҳрамонлари Дилором билан шоҳ Баҳромнинг ишқ қисмати ёрқин рақсларда очиб берилган. Асар томошабинни лоқайд қолдирмайди. Мусиқали театрларда бундай саҳна асарларини репертуарга киритиш томошабинларни Навоий асарлари дунёсига олиб киришга жиддий кўмак беради.

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

БИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ПРИНЦИПЛАРИМИЗ

«Эрк» демократик партияси сиёсий, иқтисодий тузумни тинч йўл билан ўзгартириб, Ўзбекистонни баркамол мамлакатга айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Биз Ўзбекистоннинг тўла мустақилликка чиқиши, унинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилиши ва БМТ аъзолигига қабул қилиниши учун курашамиз.

Биз барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, виждон ва эътиқод, намойиш ва йиғилиш, сўз ва матбуот эркинлиги, партиялар, уюшма ва жамоат ташкилотларига ихтиёрий бирлашиш ҳуқуқи учун кураш олиб борамиз.

Республиканинг қонунчилиги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мувофиқлаштирилиши лозим.

БИЗ УЧУН ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАД шахс эркинлигидир.

Бунинг учун энг зарур шарт-шароит — ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этилиши, фуқароларга асосий сиёсий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқлари кафолатлари берилишидир. Биз шахс, уй-жой ва мол-мулкнинг дахлсизлиги, шахсий мактуб ва телефон суҳбатларининг муҳофазаси, ҳар қандай манбадан қонунда белгиланган тартибда маълумотлар олиш, жамоа ва идора қарорларини суд орқали инкор қилиш ҳуқуқларини таъминлайдиган қонун устивор бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хусусий мулкчиликка асосланган ишбилармонлик, бундаги тенг ҳуқуқли эркин рақобат — моддий ва маънавий яратувчиликда, шунингдек, инсон қобилиятини ривожлантиришнинг энг маъқул йўлидир.

Шахсиятини тан олган ҳолда, биз алоҳида шахс ё гуруҳ обрўсини илоҳийлаштиришга, алоҳида шахс, партия ёки гуруҳнинг ҳақиқатни монополия қилиб олишига қаршимиз.

Шахс, сиёсий партия ва ташкилот давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини ҳуқуққа хилоф равишда ўзлаштирмасликлари, давлат функцияларини бажаришга интилмасликлари лозим.

Дин — жамиятнинг ахлоқий покланиши ва умуминсоний қадриятларнинг вояга етишида муҳим аҳамиятга эгадир. Биз мачитлар, ибодатхоналар, улардаги мулкларни диний муассаса ва жамоаларга қайтариб берилиши учун курашамиз. Барча диний муассасалар мустақил фаолият олиб бориши, биздаги ва хориждаги фуқаролар, биздаги ва хориждаги жамоат ва давлат ташкилотларининг хайр-эҳсонлари ҳисобига — маҳбусхона, шифохона ва бошқа муассасаларда хайрия ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмоқлари керак.

Биз — очиқ дунё, ахборот эркинлиги, хорижга чиқиш ва қайтиш эркинлиги, барча балоғатга етган фуқароларни чет эл паспортлари билан таъминлаш тарафдоримиз.

Биз фан, маданият, санъат, таълимнинг эркин тараққиёти тарафдоримиз, ҳар қандай шаклдаги цензурани рад қиламиз ва эркин фикрнинг бўғиб қўйилишига қарши турамиз.

Биз сиёсатда бирёқламалик, кескинликни маъқулламаймиз.

Биз атроф-муҳит муҳофазаси тарафдоримиз, республиканинг табиий бойликларини ўйламасдан, режасиз тасарруф этилишига қаршимиз.

Ер ва табиий бойликларга фақат бизгина эмас, балки авлодларимиз ҳам эгалик қиладилар. Табиий бойликларни келажак авлодларга бекаму кўст топшириш биз учун муқаддас бурчдир.

Биз қариялар, беморлар, заиф ва ночор кишиларни ҳимоя қилиш учун зарур шароитлар яратилиши тарафдоримиз.

Бизнинг ва хорижий фуқароларнинг, жамоат ва давлат ташкилотларининг хайр-эҳсонларини хайрия жамғармалари, диний муассасалари тақсимлаши лозим. Давлатнинг бунга ва бу каби ишларга аралашувига зудлик билан чек қўйиш керак.

Биз хориждаги барча ватандошларимизга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тарафдоримиз.

БИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИМИЗ

Давлат қурилиши соҳасида

Халқ ҳокимияти — сиёсат ва иқтисодни ўта марказлаштиришни рад этадиган, инсон ва миллатлар ҳуқуқини қонун билан кафолатлайдиган, мулкчилик шаклларининг турфалиги ва уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайдиган, демократия синовидан ўтган дунё амалиётидаги қурилмалари асосида амалга оширилиши керак.

Мамлакат ва халқ фаровонлиги мустаҳкам, ишчан давлат ҳокимиятисиз амалга ошмайдиган нарсадир. Маълумки, ҳокимликни айрим шахслар бажаради. Яна шу маълумки, қатъий қонунчилик билан чекланмаган ҳокимият ҳар қандай виждонли, сотилмайдиган ҳалол кишини ҳам бузади ва у халқ бошига балолар солади. Шунинг учун биз фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат ҳокимияти зулмидан ҳимоя қилувчи механизмни ишлаб чиқамиз.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, шунингдек, суд органларининг бир-биридан ажтилиши, ҳар бирининг мустақил мақоми бўлиши, ҳокимиятнинг вертикал ва горизонтал тарзда марказдан йироқлаштирилиши — бу демократиянинг муҳим шарти ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши ва авторитаризмга (диктатурага) айланишининг олдини олишга қодир ягона усулидир.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни демократик йўл билан сайланган, профессионал асосда ишловчи, қонунчилик масалаларида малакали депутатлардан иборат бўлган 200 кишилик парламент амалга ошириши мумкин. У Президент, ҳукумат ва бошқа ҳокимият идоралари хатти-ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш учун ишчан конституцион механизмга эга бўлиши лозим.

Энг олий ҳокимият Қонун бўлмоғи керак. Қонун устиворлигини ўрнатиб, биринчидан, тенг кучга эга бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини тиклаш; иккинчидан, — ким томониданлигидан қатъи назар — қилиниши мумкин бўлган зулм, ўзбошимчалик, қонунсизлик, ғаразгўйликка чек қўйиш мумкин.

Бизнинг партиямиз мақсади — ҳақиқий халқ ҳокимиятини тиклаш ва бу ҳокимиятнинг ҳамма поғоналари Ўзбекистон фуқароси назорати остида бўлишини таъминлашдир. Бунинг учун, энг аввало, республикада маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тўғрисидаги қонун қабул қилиш керак бўлади. Бу қонунга кўра, вилоят ва республика органлари фақатгина маҳаллий ҳокимият розилик берган соҳалардагина ҳукм ўтказа оладилар.

Давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизимлари — ижтимоий дастурларни татбиқ этиш, маориф ва маданият, инфратузилмалар, ирригация ва сув хўжалигини моддий таъминлаш, камбағалларни қисман ижтимоий таъминлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш кучларини ва энг кам, зарур бўлган давлат аппаратини таъминлаш вазифасини ҳал этади.

Ўз-ўзини бошқарув ижроия ҳокимияти фаолиятини маъмуриятчилик билан эмас, битимлар, шартномалар тузиш асосида дифференциал солиқ солиш ва бошқа иқтисодий чоралар билан амалга оширмоғи лозим. Бунинг учун ўз бошқарув вакиллари мажлиси солиқ ва бошқа ўлпонларнинг тури ва миқдорини қонун доирасида белгилаш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак.

Турли даражадаги ўз-ўзини бошқарув бюжетлари пастдан юқорига қараб шаклланиши лозим. Зарур ҳолларда молиявий имкониятларни унинг нуфузи ва эҳтиёжларини таъминлаш учун давлат томонидан маблағ берилиши мумкин.

Ўз-ўзини бошқарув ижроия ҳокимиятининг қарорлари, худди вазирлик ва идораларнинг қарорлари каби, суд орқали инкор қилиниши мумкин.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, посёлка, қишлоқ оқсоқоллари умумий сайловларда аҳолининг турли партиялар ва ҳаракатлар воситасида кўрсатган номзодлари орасидан яширин овозда сайланиши лозим. Биринчи шахслар ўз кенгашини кейинчалик тасдиқлаш шарти билан ўзи тўплайди.

Қишлоқ, кентларда профессионал кенгаш тузилмайди. Шаҳарларда, қишлоқ туманларида вакиллар кенгашига умумий сайловларда сайланган оқсоқоллар ва ҳокимнинг ўзи, вилоятда эса — оқсоқоллар, ҳокимлар ва вилоят ҳокимининг ўзи киради. Профессионал асосда иш олиб борувчи вакиллар мажлиси вазифасига қуйидагилар кириши керак: бюжет (шакллантириш ва ижросини назорат қилиш), маҳаллий мулкка, ерга эгалик, маҳаллий ҳокимият тузган битим ва шартномаларнинг қонунийлиги ва унинг ижроси устидан назорат ва ҳоказо.

Вакиллар мажлиси ижроия ҳокимияти фаолиятига аралашмайди. Вилоят ҳокимияти, шаҳар, қишлоқ тумани ҳокими — ижроия ҳокимият бошлиғи бўлиб, вакиллар йиғилиши қарорини қайтадан муҳокама этиш учун қайтариши мумкин. Бундай ҳолда мажлис аъзолари учдан икки қисм овоз билан ҳоким талабига қўшилиши ёки рад этиши, унга ёки ижроия ҳокимиятнинг ҳар бир ходимига ишончсизлик билдириши, республика президентидан муддатидан олдин сайловлар ўтказилишини сўраши мумкин.

«Эрк» ДП сайланадиган лавозимга номзод қилиб, мустақил блок вакилини, партиясиз кишини кўрсатиш ва унинг хатти-ҳаракати учун жавобгарликни ўз бўйнига олиши мумкин.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизимини йўлга қўйиш билан маъмурий-ҳудудий бўлинишни географик, этник ва иқтисодий мувофиқликка биноан қайта ислоҳ қилиш керак. Республика, вилоят, шаҳар, туманлардаги барча бошқарув тузилмалари, яъни моддий неъматларнинг йўлида ҳозиргача узатувчи, воситачи ва тақсимловчи ролини бажариб келаётган ва порахўрликнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган идоралар ўз-ўзини бошқарув тизилмаси жорий этилгач, корхона, хўжалик, ташкилот, муассасаларга ва шахсий мулкка мустақиллик мақоми берилиши ҳисобига тугатилади. Бу нарса ўз-ўзидан вазирлик ва идоралар, улардаги штатларнинг қисқаришига олиб келади.

Республикани иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг шартларидан бири — фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаолиятларига, одамларнинг ўзаро ихтиёрий тузаётган битим ва муносабатларига давлат органларининг зўравонлик билан аралашувини тақиқлаб қўйишдир.

Инсоннинг фаол меҳнатини рағбатлантириб, ўзи учун ишлаш имкониятини бериш билан бирга, бошқа шахсларга ва давлатга зиён келтирмаслик йўл-йўриғини ҳам яратиш лозим.

Ҳар бир шахснинг эркинлиги билан жамият манфаатлари орасида уйғунликни таъминловчи янги конституция қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биз кадрлар сиёсатини тубдан янгилаймиз. Бошқарув хизматини профессионал асосда қайта ташкил этмиз. Давлат ва хўжаликнинг масъул лавозимларини бозор иқтисодиёти, бошқарув усуллари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлари ҳақида зарурий билим, тажрибага, аниқ тасаввурга эга бўлган, муайян ишлаб чиқариш ва тижорат натижаларини қўлга киритишда журъат билан ҳаракат қиладиган малакали мутахассислар (профессионал) эгаллайдиган шароит яратамиз. Бунда уларнинг миллати, жинси, сиёсий ёки диний қарашлари у ёки бу партияга мансублигига қараб ажратилмайди.

Дастлабки босқичда биз меҳнат жамоаларига контракт асосида кадрлар танлаш, уларни корхона, хўжалик раҳбарлари ва бошқа лавозимларга тайинлашга кўмак берамиз. Оёққа туриб, улар бундай ёрдамга муҳтож бўлмайдилар.

Давоми еттинчи бетда

ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

ЯНГИ ТЎН ВА ЭСКИ ЯМОҚЛАР

ИТТИФОҚ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ шу йил 10 октябрда бўлиб ўтган умумий йиғилиши бу улкан фан қўрғонини Россия Фанлар академиясига айлантириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Қизиғи шундаки, унинг 95 фоиз илмий муассасалари Россия ҳудудида жойлашган, 85 фоиз академиклари эса россияликлар экан. Хўш, неча ўн йиллар давомида умумий қозондан маблағ билан таъминлаб келинган бу Академиянинг нимаси умумий иттифоқ, яъни иттифоқ аъзолари бўлмиш жумҳуриятларга тегишли бўлган? Деярли ҳеч нарсаси. Энди у бир кунда расман ўзининг асл қиёфасига қайтди. Илгари умумий иттифоққа тегишли, деган ном бир ниқоб эди. Энди мана шу ниқоб олиб ташланди, холос.

Хўш, ниқоб-ку олиб ташланибди, бироқ фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида қуролланган кўпдан-кўп илмий муассасалар, илмий лабораториялар ҳам «хе йўқ, бе йўқ» фақат Россияники бўлиб кетаверадими? Ташкил этишда, маблағ билан таъминлаб туришда бошқа жумҳуриятларнинг хазинасидан олинган бойликлар ҳам осонгина ўзлашиб кетаверадими?

Бугун миллий жумҳуриятлар марказ ҳукмронлиги, унинг ҳокими мутлақлигидан озод бўлаётганидан хурсанд. Бироқ номи умумиттифоқники саналиб, аслида Россия манфаатларига хизмат қилган — барча халқлар, жумҳуриятларнинг бойликлари ҳисобига вужудга келган қанчадан-қанча фан, маданият, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётга доир корхонаю маҳкамалар, марказий вазирликларнинг мол-мулки ҳам фақат бир жумҳурият тасарруфига ўтиб кетаверадими?

Яқинда Москвада бўлиб ўтган улкан йиғилишда мустақил жумҳуриятлар собиқ СССРнинг ташқи қарзларини биргаликда тўлашга бурчли эканликлари айтилди. Аввало, бу қарзларнинг қандай мақсадга, қаерга сарф этилганлиги номаълум. Шундай бўла туриб жумҳуриятлар Иттифоқ қарзларини тўлаши шарт-у, бироқ уларнинг умумий маблағлари эвазига вужудга келган неча миллиардлаб сўмлик мол-мулк ўртада бўлинмасдан фақат Россия ихтиёрига ўтиб кетаверса! Ажабо, нақди мўмайгина энг катта оғаники бўлсаю, қарзга келганда унинг бир чеккасини укалар ҳам кўтаришса? Ўзи бу қандай гап! Қачонгача акалар укаларни чув туширишади?

Иттифоқимиз янги — устимиздаги «тўн» янги деб жар солганларимиз қаёқда қолди? Мустамлакачилик сиёсатининг эски ямоқларидан қачон қутуламиз?

Қанча уринманг, бу саволларга жавоб топа олмай қийналасиз. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда илмий изланишларнинг самараси сифатида мақтагулик кашфиётларга эга эмаслигимизнинг асл сабаблари мана шу жавобсиз саволларга, аниқроғи СССР ФАнинг 95 фоиз муассасалари фақат Россия ҳудудида жойлашганига келиб тақалмасмикан?

Биз узоқ йиллар давомида халқимиз фарзандлари фан номзоди, фан доктори бўлаяптилар, ўз институтларимиз, академиямиз бор — бир халқ бўлса, шунча бўлар, деб ҳаволаниб юрдик. Аммо фанимиз тагидаги пойдевор омонатлиги, у фириб тўри билан ўраб ташланганини фаҳмламадик.

Тўғри, олий илмгоҳларимиз бор. Хўш, шу илмгоҳларни битираётганларнинг неча фоизи мустақил равишда ишни қойиллатиб уддалаб кетар эканлар? Неча фоизи хорижга бориб бемалол ишлай олиш қобилиятига эга? Шу тўғрида аниқ маълумотлар борми? Қиёсий солиштиришлар мавжудми? Ким айтади?

Қанчадан-қанча муҳандислар тайёрланмоқда, аммо жумҳуриятимизда ўзгалар ёрдамисиз ҳатто оддий михни ишлаб чиқарадиган заводимиз йўқ. Заводларнинг одамларни заҳарловчи тутун ва газларини тутиб қолувчи ускуналар хорижда бор, лекин бизда анқонинг уруғи. Биз эса оддий йиғув цехларини фахр билан завод, деб гердаямиз?!

Тиббиёт билимгоҳларини ҳар йили минглаб шифокорлар битириб чиқади. Уларнинг савияси ҳаммага маълум. Ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳар ўн минг аҳолисига 35,8 шифокор тўғри келади. Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар ўн минг кишига 28 шифокор тўғри келса кифоя. Шундай экан, у ҳолда нега бизда болалар ўлими кўп, одамларнинг касалликлари кўп? Нега ўртача умр кўриш ёши тобора камайиб бормоқда?

ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА минглаб диссертациялар ёқланди, бироқ ўзбек пахтасининг тола сифати кўнгилдагидек эмас. Деҳқонни буткул қониқтирадиган пахта териш машинаси ҳам орзулигича қолаётир. Буларнинг ҳаммаси фанимиз пойдевори ночорлиги, унга Иттифоқ кўламидаги ўгай муносабатга келиб тақалмаяптими?

Узоқ йиллар давомида жумҳуриятимиз мустамлака сиёсатининг азобини тортди. Ўзга юртнинг хом ашё ўчоғи бўлиб келди. Фанимиз дастур ва тизимлари ҳам мана шу сиёсатдан четда қолмади: жумҳурият фани ҳам мустамлака фанга айланди. Марказда ёқланган илмий ишларимиз учун «саховатли» оғаларимизга ташаккурлар билдирдик. Бироқ моҳиятан олиб қараганда, бу илмий ҳимоялар уларнинг эгаларига унвону лавозим, юксак маош берганини айтмасангиз, фанимиз ривожига заррача ҳисса қўшмасди. Чунки улар (мен аниқ фанлар, хусусан тиббиёт фанини назарда тутяпман) марказдаги институтларнинг асбоб-ускуналари, аппаратлари, реактивлари ҳисобига ва айнан ўша институтларнинг номидан бажарилган. Бу ишни Ўзбекистонга келиб давом эттириш имкони йўқ эди. Чунки марказдаги сингари асбоб-ускуналар, аппаратлар, реактивлар бўлмагандан кейин тадқиқотни изчил давом эттириб бўлмайди.

Мана шу ҳол марказ билан тез-тез боғланишни тақазо этарди. Бу эса марказга тобеликни келтириб чиқарди. Албатта, умумжаҳон фанига қўшилган ҳиссани инкор қилишга ҳаққимиз йўқ, бироқ ёмғирсиз булутдан нима фойда? Буларнинг барчаси бизни юпатишдан бошқа нарса эмас. Энди Ўзбекистоннинг мустамлакаликдан холи бўлган мустақил фанини вужудга келтиришни долзарб вазифа қилиб қўйишимиз керак. Бироқ, бунда умумий қозондан ажратилган маблағлар ҳисобига оёққа турган собиқ СССР ФАси тўлиқ Россия академиясига ўтиб кетмасдан қўшилган улушга яраша жумҳуриятлар академияларини ҳам баҳраманд этиш кўзда тутилса одилона иш бўларди.

Эндиликда олий Аттестация Қўмитаси (ВАК) тугатилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси ёки Президент ҳузурида Олий Ҳакамлик Ҳайъати ташкил қилиниб, илмий ишларни ўзбек давлат тилида ёзиш шарт қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари миқёсида Ихтисослашган Олимлар Шуъбаси ташкил қилиниб, Туркистон Олий Ҳакамлик Ҳайъати тузилса, фанимиз ривожи учун муҳим қадамлар қўйилган бўларди.

Энди ёқланажак диссертацияларни ҳам икки поғонали эмас, балки бир поғонали қилиш зарурдир. Негаки, дунё мамлакатларининг қарийб барчасида илмий унвон олиш учун бир марта илмий иш ҳимоя қилинади ва фан доктори унвони берилади. Хорижда «фан номзоди» деган унвоннинг ўзи йўқ. (Фан номзоди деб аташнинг ўзи мантиққа тўғри келадими ё йўқми — буни ҳам ўйлаб кўрмоқ керак). Бундай поғонали илмий ҳимоялару, улар учун зарур бўлган сон мингта ҳужжат тўлдиришларнинг ўзи ҳақиқий олимни асосий ишдан чалғитиб, вақтини ўғирловчи, ишдан кўнглини совутувчи маъмурий тўсиқлардир. Фаннинг гуркираб ривожланишига ғов бўлаётган бундай ортиқча даҳмазалардан воз кечишнинг вақти етди. Фанимиз ривожига қудратли тўлқин бериш, жаҳон фанида ўз ўрнига эга бўлган юлдузларимиз юз кўрсатиши учун бугун илм-фаннинг мустақиллик пойдеворларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Жуманазар **БЕКНАЗАРОВ,**
тиббиёт фанлари номзоди

ИНҚИРОЗ ТАСОДИФМИ?

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

АВГУСТ ИСЁНИ барбод бўлиши билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолияти ҳам ниҳоясига етди. 74 йил давомида ўзининг социал, сиёсий ва идеологик яккаҳокимлигини ўтказиб келган коммунистлар партияси ниҳоят сиёсий минбарни тамомила бўшатди.

Айни шу пайтда ва ундан кейинроқ ҳам кўплаб жумҳуриятларда компартия ўз ҳукмини ўтказиб турган бўлишига қарамай, «минбарни тамомила бўшатди», дейишимнинг боиси шуки, партия ҳукмронлигининг мустаҳкам занжирлари аллақачон узилиб бўлган, омон қолганлари эса бундан буён аввалги мавқеини сақлаб қолишга мутлақо қодир эмаслиги равшан эди. Август исёни партиянинг умумий таназзулини тезлаштирди холос.

Хўш, нега шундай бўлди? Коммунистик ғоя нима сабабдан инқирозга юз тутди? Биз бугун шу ва шу каби саволларга жавоб топмоғимиз, жавоблар моҳиятини чуқур идрок этмоғимиз лозим.

Коммунистик партия социал моҳияти ва инсон онгига сингдириб келган мафкураси билан инсоният равнақи ва тараққиётини таъмин эта олганда эди, бундай партияни сиёсий саҳнадан суриб ташлаш ҳеч ким, ҳеч нарсанинг қўлидан келмас, унга қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, аксинча партиянинг жипслигини, жанговарлигини оширган бўлур эди.

Халқ оммасининг руҳияти шундайки, у ҳамиша адолат ва жабрланувчи тарафида бўлади. Коммунистик партия жаҳон сиёсий майдонида пайдо бўлганидан буён кўплаб мамлакатларга кириб борди. Аммо бу кириб бориш шу мамлакатлар халқларининг инон-ихтиёри билан эмас, коммунистик ташвиқот ила қайта тарбияланган сохта йўлбошчиларнинг «инқилобий» ташаббуси билан содир бўлди. Европадаги кўплаб мамлакатлар эса иккинчи жаҳон урушининг натижасига кўра озодлик рамзи сифатида коммунистик занжирни бўйниларига илишга мажбур бўлдилар.

Марксча-ленинча таълимот АҚШ, Англия, Франция, Италия ва бошқа кўплаб мамлакатларга ҳам ёйилди, аммо халқ қалбини чинакамига забт эта олмади. Бунинг боиси шуки, инсон ҳақ йўлни руҳан идрок этишга қодирдир. Коммунистик идеология бу марксча материалистик идеологиядир. Бу фалсафий оқим (ҳа, ҳақиқатан ҳам инсоният тараққиётининг маълум бир босқичидаги оқим) ўзининг «материя бирламчи, руҳ иккиламчи» деган қараши билан одам ва олам яралгандан буён мавжуд бўлган жами пок ва беғубор фалсафий қарашларни рад этган ўта реакцион ва агрессив оқимдир.

Одамзот шундай мўъжаз хилқатки, у ўзи эътиқод қўйган ва ардоқлаган қадриятларидан айрилишни хоҳламайди. Руҳий оламини топтамоқчи бўлганлардан юз ўгиради. Одамзот жисми азобга гирифтор бўлса ҳам, ботинида руҳ гўзаллиги билан ҳузур қилади.

Коммунистик идеологияни агрессив ва реакцион дедик. Бунга асос шуки, бу ғоя қайси бир мамлакатда зўрлаб юргизилган бўлса, шу мамлакатлар беистисно таназзулга юз тутди. Комфирқа ниқоби остида жамиятнинг илғор қисми саналмиш катта бир гуруҳ ҳалол меҳнат билан умр кечириш ўрнига текинхўрлик, порахўрлик, қаллоблик билан шуғулланди. Халқни ёлғон қадриятларга ўргатди.

Коммунистик партиянинг иқтисодий тараққиёт йўли социалистик ишлаб чиқариш усулидир. Бу усул хусусий мулкни умумхалқ мулкига айлантирди. Умумхалқ мулкчилигининг мазмуни эса илоҳий фалсафа билан материалистик фалсафа ўртасидаги катта баҳсга сабаб бўлган инсон «мен»ини йўқотишдир. Умумхалқ мулкчилигининг мақсадига кўра «мен» ва «меники» деган тушунчалар одам онгидан чиқариб ташланиши керак.

Бунга эришиб бўладими? Башарият тарихи бу саволга «йўқ» деб жавоб беради. Биргина мисол. Бир ота-онадан туғилган тўрт ўғил бор. Улар ҳали болалигида, яъни «мен»лари тўла шаклланиб етмаган пайтда ҳам «Менинг коптогимга тегма», «Менинг дўппимни кийма»... — деб катта бўлишади. Катта бўлишгач эса, ҳаётий зарурат асносида тарбия топган «мен»лари зиддиятга айлана бошлайди: «Уй менга қолади, менга томорқа оз тегди, машина меники бўлиши керак, мен кўп топиб келаяпман, анавилар кам ишлашаяпти...» ва ҳоказо.

Ҳар бир одам ўз-ўзини ҳаққоний тарзда кўра билсин ва ҳақиқатни тан олсин. Шунда у ўзини тасдиқловчи, ўзидан бошқа ҳамма нарсани инкор этишга қодир «мен»ини кўради. Бизнинг миллий фалсафамизда ҳам, «мен» фалсафаси муҳим ўринни эгаллайди. Алишер Навоий айтадики, «мен»ни йўқотиш учун, ўзингни ўтда куйдир. Шунда ҳам жисмингдан кул қолади. Шу кул ҳам сенинг «мен»инг. Кулни шамолга совур. Унинг зарраси ҳам қолмасин. Шунда сен «мен»ингдан тамомила фориғ бўласан.

Бундай даражага эришмоқ учун ўзини зоҳиран —ботинан поклаб, фано дарёсига ғарқ бўлган Одам бу — Иброҳим Адҳамдир. У киши даражасига етишмоқ авлиёликдир. Бундай одамнинг олам лаззатларини туювчи «мен»и ўрнини абадий-ботиний лаззат эгаллайди.

Маркс ва Ленин орзу қилган, социалистик ташвиқотдаги мулк сиёсати аслида инсон «мен»ини йўқотишга қаратилган эди. «Умумхалқники, ҳаммамизники. Барчамиз ишлаймиз, барчамиз бўлишамиз. Қобилиятимизга яраша ишлаб, эҳтиёжимизга яраша ҳақ оламиз».

Ҳали туғишган ака-укалар ўртасидаги муносабатларни мисол қилган эдим. Энди бутун бир мамлакат халқини фикр доирангизга сиғдиринг-да, тасаввур қилинг...

БИРОН БИР ТАЪЛИМОТНИ олға сураётган, бирон ишга қўл ураётган одам шу ишнинг тараққиёт мантиғини адолатли ҳал қилмас экан, бошлаган иши шубҳасиз, касодга учрайди. Миқдор ўзгаришлари тўғри шарҳланмас экан, сифат ўзгаришлари қай тарзда содир бўлишини билиб бўлмайди. Сабабиятнинг моҳияти тўғри англаб етилмас экан, оқибатни башорат қилиш мумкин эмас.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий қонунлари ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги шахсий манфаатдорликни бўғиб, ўзаро эркин рақобатни сунъийлаштириш оқибатида бутун бир тузумга кирувчи, социалистик мамлакатлар деб аталмиш дунё иқтисодий аҳволини танг қилиб қўйди. Маркс таҳлил қилган соф фойда кетидан қувдик, аммо капитализмга гўр кавлашга қодир пролетариат ҳеч бир мамлакатда етишиб чиқмади.

Бас, хулоса қилиш керакки, Совет Иттифоқида ҳам, социалистик тузумга кирган бошқа мамлакатларда ҳам иқтисодий тараққиётнинг заволга юз тутиши бирон-бир раҳбарга (у хоҳ Сталин бўлсин, хоҳ Хрущев, Брежнев бўлсин) боғлиқ эмас, бу инқироз жамият социал тузумига, унинг иқтисодий қонунларига боғлиқ бўлади.

Ҳаётнинг чинакам ҳалол фалсафасига асосланмаган социалистик иқтисодий қонунлар, мана бугун ҳаётнинг ўзи томонидан рад этилди. Чунки рақобатсизлик таъмин этган планли социалистик ишлаб чиқариш ўз маҳсулотлари билан наинки ташқи бозорда, ички бозорда ҳам капиталистик товарга қарши туролмади.

Бу ҳол сўнгги ўн йилликларда тобора равшанроқ кўзга ташланаётган бўлса ҳам, таназзулнинг олдини олиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Мустаҳкам деҳқончилиги муқаррар сўниб бораётган Русияда бу ҳол бундан 20 йил олдин сезилган ва аҳволни ўнглаш маъносида зарур чора-тадбирлар белгиланган бўлишига қарамай оқибат оғир ва танглигича қолаверди.

Русиянинг ер куррасининг ярмини тўйдира оладиган бепоён, унумдор қора тупроқлари ўз саховатини одамзотга инъом этиши учун Лев Толстой ифтихор қилган рус деҳқонларининг чалғи ўримидаги қўшиқларини қўмсаб қолди.

Афсуски, 70 йиллик эски тузум, ҳатто деҳқон даласига ҳам ўз ҳукмини ўтказиб улгурганди. Улуғвор рус деҳқончилиги шуҳратини тиклаш учун эса энди вақт керак. Одамларнинг, омманинг онги ва руҳиятида янги давр очиш зарур.

Одамларга «Табиатдан инъом-эҳсонни тортиб олишни» эмас, онгли меҳнати билан яратиш мумкинлигини уқдириш керак бўлади. Омма доҳийнинг «илмий коммунизм» таълимотига ,амал қилиб, шаҳар билан қишлоқнинг тафовутини йўқотиб улгурди. Қишлоқни шаҳарга айлантиришдек хомхаёл ҳам осонгина ҳал этилди, яъни ўзлари шаҳарга ўтиб қўя қолишди.

Ўша даврдаёқ «шаҳар билан қишлоқни бир хил қилиш мумкин эмас», дегувчиларни «оппортунист»лар сифатида бадном қилиб ташлашган эди.

ХУЛОСА ҚИЛИБ ШУНИ АЙТМОҚЧИМАНКИ, Коммунистик партия ўзини ўзи тубсиз чоҳга ташлади. Маркс таълимоти, Ленин ғоялари илмий ҳақиқат бўлганда, башариятнинг ўзи бу йўлни танлаб олган бўларди. Москвада ҳали Комфирқа Марказий Қўмитаси фаолият кўрсатиб турган бир пайтда Европадаги барча мамлакатларда бундай партиялар тугатилиб бўлганидан хабардормиз.

Бу таълимотнинг бешиги асли Европа-ку.

Бу жараённинг тезлашувида Русия президенти Борис Ельциннинг хизмати алоҳидадир. Ельцин сиёсий саҳнада пайдо бўлганидан буён баъзиларни ҳайратга соладиган даражада қалтис юришларга журъат қилди. У кутилмаганда, кескин тарзда партиядан кетди. Лекин у бу нозик қадамни таваккал қилиб қўймаган эди. Буни кейинчалик ҳамма билди.

Ельцин ўзидаги ажойиб ҳис қилиш қобилияти, шуури билан Русиядаги сиёсий вазиятни, халқ оммасининг руҳиятини таҳлил қилгани ҳолда, шу ишга жазм қилди.

У омманинг коммунистик ҳокимчиликдан норозилиги қиёмига етганини англаган эди. Оқибат, Борис Ельцин рус халқининг ишончли етакчиси, Русиянинг биринчи президенти бўлди.

Русия Маркс таълимотини Русияга ўзи олиб келган эди.

Русиянинг ўзи бу хатони тузатди.

Русиянинг ўзи коммунистик ғояларни қўшни жумҳуриятларга «экспорт» қилган эди.

Русиянинг ўзи «экспорт-товари»ни муомаладан олиб ташлади.

Абдусалом **АҲМАДАЛИЕВ,**
агроном

ЧЎЛПОННИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРИ

Машъум қатағон йилларининг қурбони, 20-йиллар ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири бўлган Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли — Чўлпон ижодининг дастлабки босқичларида «Қаландар», «Қ», «Мирзақаландар», «Андижонлик» ва ҳ. к. тахаллуслар билан бир қанча асарлар яратгани ҳозирги кунга келиб кўпчиликка маълум.

Фарғона вилояти Ғафур Ғулом номидаги адабиёт дорулосорининг бўлими бўлмиш Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий музейидан ўрин олган бир қанча ҳужжатлар қаторида 1917 йили йили Қўқонда машҳур маърифатпарвар, адабиётшунос ва луғатшунос олим, ношир, ҳаттот, моҳир таржимон ва жонкуяр журналист Ашурали Зоҳирий нашр этган «ЮРТ» мажмуасида қуйидаги, яъни «Қаландар» имзоси билан ёзилган «Ўзбаклар ҳам Туркистон» сарлавҳали айтишув тарзидаги шеърга кўзимиз тушди. Бу диалог шеър ҳам Чўлпонга тегишли бўлиб, шоирнинг ўша даврдаги дунёқарашини ўзида акс эттириш билан бирга, Абдулҳамид Сулаймонқул ўғлининг йигирма, йигирма бир ёшли йигитлик пайтидаёқ ўз мустақил фикрига эга бўлган ва дунёга тийрак кўз билан боқувчи шахс сифатида шаклланганлигидан дарак беради.

Аввал мадрасада, сўнг рус-тузем мактабида таълим олган Чўлпоннинг ижодий фаолияти илгарироқ бошланган, бу фикримизни «Ўзбек адабиёти тарихи» китобнинг V жилд 306-саҳифасидаги қуйидаги парча ҳам тасдиқлайди: «...1908—1917 йилларгача Оренбургга чиқиб турган «Шўро» журналида... Чўлпоннинг «Ўш», «Шўлай битамиз» каби мақола, очерк, шеър, ҳикоялари босилиб турди...». Бунинг устига йигирма ёшли фикри теран бу йигит ўлкадаги кўпгина зиёлилар билан таниш бўлган, ўзаро ижодий мулоқотини то умрининг сўнггигача узмаган. Қўқонлик Ашурали Зоҳирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари зиёлилар, шоиру фозиллар Чўлпонни яхши билишган. Мазкур фикримизга асос қилиб иккита далил келтирмоқчимиз. Улардан биттаси: 1916 йили Чўлпон томонидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ёзилган мактуб (мактубнинг фотонусхаси Ҳамза тўла асарлар тўплами 5-жилдининг 233-саҳифасида эълон қилинган) тубандагича: «Муҳтарам Ҳамза афанди! Илтимос қиламан, ушбу хатни олув билан тезлик ила «Садойи Туркистон»нинг биринчи ададина бир яхши шеър, ғазита хусусинда ёзиб юборинг. Адрис бу: Андижань. Редакции газеты «Туркестанскій голосъ». «Садойи Туркистон» учун. Эҳтиром билан: Идора номина. 6 декабр, сана 1916. Жавоб 15 нчи декабрғача қилмоқ лозим. Иложи бўлса 10 нчида ёки 12 нчида мунда бўлсун».

Бу, Чўлпон ҳатто 1916 йилдан олдин ҳам Ҳамза билан таниш бўлганлигини, шу билан бирга Чўлпоннинг «Садойи Туркистон» номи билан газета чиқаришга саъй қилганлигини кўрсатади. Демак, Чўлпон Ҳамза билан таниш бўлганидан кейин ўз-ўзидан маълум бўладики, у қўқонлик бошқа зиёлиларни ҳам ё бевосита ёки билвосита таниган.

Иккинчи асосимиз шуки, Ашурали Зоҳирийнинг журналистик фаолиятига доир материалларни ўрганишимиз жараёнида 1917 йили Зоҳирий домла не машаққатлар билан Қўқонда нашр этган «Юрт» мажмуасининг август ойи 3-сонида босилган (юқорида қайд қилганимиз) Чўлпоннинг шеъри бевосита А. Зоҳирийнинг илтимоси бўйича ёзилган бўлиши керак деган фикрга келдик. Чунки, бу шеърни Чўлпоннинг кейинги пайтда нашрдан чиққан асарлари орасида учратмадик, фақат мажмуа учун ёзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қуйида эълон қилинаётган шеър, адабиётшунос О. Шарафиддинов Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» тўпламига ёзган сўзбошисидаги «... Афсуски, икки инқилоб оралиғида Чўлпоннинг ҳаёти қандай кечгани, у қаерларда бўлиб, нималар билан шуғулланганн, совет ҳокимиятининг илк паллаларида қандай фаолият кўрсатгани ҳақида қўлимизда аниқ маълумотлар йўқ», деган фикрларига озгина бўлса-да аниқлик киритади деб ўйлаймиз.

Шеърни ўқир эканмиз, ўз меҳнаткаш халқининг кўзи, сўзи ва қалб кўзгуси бўлиб майдонга чиққан оташзабон, фидойи шоирнинг безовта руҳи дийдираб кезинаётгандай, аламзада, исёнкор ижодкорнинг мустабидларга нисбатан нафрати дилдан тўппа-тўғри қоғозга кўчган сўзларга жо бўлгандай; бузилган юртнинг фиғони, иттифоқсизликдан норозилик, уйқуда ётган, эзилган халқни золим ва зулмга қарши уйғотишга чақириғу эртанги кунга умид ва келажакка ишонч кайфиятлари балқиб тургандек...

Татар тилининг қаттиқ таъсирида ёзилган ушбу шеърни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЎЗБАКЛАР ҲАМ ТУРКИСТОН

ЎЗБАКЛАР:

Улуғ Туркистон! Сенга не бўлди?
Сабабу, вақтсиз гулларинг сўлди.
Ажал келмасдан нега сен ўлдинг?
Солқун қабрға нечун кўмилдинг?
Ёшлик вақтингда даврон сурмайча,
Тинчу роҳатлик бир-да, кўрмайча,
Қабрға кир-у замонинг тугул,
Сенинг йўқлуққа очина кўнгул,
Сенинг элларинг вайрон бўлдилар,
Бутун бу олам ҳайрон қолдилар.
Ўзбакнинг эли тамом бузулди,
Олғи[1] кунина умид узулди,
Буюк товларнинг қорлари битди,
Кўллар, дарёлар бори-да кетди.
Зўр, зўр саҳролар ишдан чиқдилар,
Чаманзорларинг чўллик бўлдилар.
Гулистонингда булбул сойромий,
Бошқа қушлар ҳам бурлуб қоромий.
Булунлиқларда[2] моллар кўринмий,
Бошқа ерларда борлиқ билинмий.
Не учун бўлай бизлар бузулдиқ,
Ҳайвон ратина[3] нега тизилдик.
Оллоҳ! Инқироз бизга келами?
Ўзбак элининг ўти сўнами?
Айт-чи, бизларға бунинг сабабин,
Сиздан кутабиз бунинг жавобин.

ТУРКИСТОН:

Азиз болалар, сўзни тинглангиз,
Меним айтгонни йохши онглангиз.
Мен бу ўрунда ҳозирга ётдим,
Вақтли кунинда еткони кутдим.
Йўққа бурчламанг[4], ҳеч бир ўлмадим,
Вақтлиғина мунда йиқлодим.
Йохши эшитам сизнинг товушни,
Ичимда сезам улуғ бир ишни.
Сиздан сўрайман баъзи бир сўзни,
Сизлар берингиз шунго жавобни.
Меним қолдирғон ҳайрот ишларим,
Алида[5] борларми мадрасаларим.
Онда шогирдлар алида ўқийми,
Фисқу фасодни олор қилмайми?
Мадрасаларда мударрис борми?
Адолат бирлан дарс айталарми?
Замон керогни олор билами,
Илло, бўлмаса йўққа йўроми?
Нечик ҳукм эта халққа қозилар,
Ўзбакнинг элин билами (бий)лар?
Алида борларми ҳимматли бойлар,
Фақирлар учун шафқатли оғойлар?
Ўзбакнинг эли иттифоқдами?
Йўқса, ўзаро нақ нифоқдами?
Жавоб берингиз ушбу сўзларга,
Тўғри айтсангиз, раҳмат сизларга!

ЎЗБАКЛАР:

Улуғ Туркистон, йўқдир сўзумиз,
Сенинг олдингда қора юзумиз.
Сени пичратқон[6] бизлар (дур) бадбахт,
Бизга йохшилиқ бўлмас (дур) ҳеч вақт.
Мадрасаларинг, ҳайрот ишларинг,
Сенинг қолдирғон зўр неъматларинг.
Олор бориси-да хароба бўлғон,
Ўзбак илгида бори-да биткон.
Зўр мударрислар ҳеч бир кўринмий,
Халқнинг ҳожатин олор ўтамий.
Шогирдлар бўлса биграк[7] тек ёта,
Умрлар ўта сотуб сафсата.
Қозилар, бийлар адолатсизлар,
Олор зулмидан қон тўла кўзлар.
Ҳайрот ияси халқда кўринмий,
Ондай кишилар бирда билинмий.
Иттифоқсизлик биграк кучойгон,
Ўзаро даъво тоғин кўбойгон.
Улуғ Туркистон, сизга жавоб шул,
Энди бизларга ёрдамчимиз бўл.
Ҳурматли, бобо, чиқ-чи бизларға,
Ишонуб бизлар келдик сизларға,
Бу инқироздан бизни қўтқор-чи,
Бўл-чи бизларға ўзунг йўлбошчи.
Тўзмади[8] бобо, турди ўрнидан,
Учли бўркини бошиға кийгон.
Бурулди, боқди, ўз бакларина,
Четди юзини бекзодаларина.
Деди: турунгиз, бирга бўлунгиз,
Ғарб сафарина бирга юрунгиз.
Кетдилар бирга йироқ сафарға,
Худо йўл берсун Туркистонийларға.
Оқ бўз отини минди Туркистон,
Сувсиз саҳролар бўлди гулистон.
Белинда (камар), қўлида байроқ,
Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсун оқ!

«ҚАЛАНДАР»

Нашрга тайёрловчи Турғунали ЁРМАТОВ,
Ҳамза музейининг катта илмий ходими.

---

1. **Олғи** — олдинги, эртанги
2. **Булунлиқ** — яйлов
3. **Ратина** (ряд) — қатор сўзининг бузилган шакли
4. **Бурчламанг** — безовта бўлманг
5. **Алида** — ҳозир ҳам
6. **Пичратмоқ** — ифлослантирмоқ, ифлос қилмоқ
7. **Биграк** — жуда
8. **Тўзмади** — чидамади

САФАРГА МАЙЛ

ДУНЁДА ЯНА ҚАЙСИ ТИЛ инсоний туйғуларга бу қадар гўзал номлар қўйган бўлса экан? Бугунги кунда «шўрлик замин»ни ташлаб кетмасликларини илтижо қилувчи булбулзабон шоир кўзда тутган «муқаддас туйғулар, олий туйғулар»га гўзал ва самовий исмларни либосдек кийдирган она тилимиз имкониятларига ҳавасим келади. Дилимни бир туйғу ўртайди, бу туйғуга исм излайман. Бу туйғу шу қадар масъум, най навосидек соҳирки, унга муносиб ном — либос излаб, дур-маржонлар билан зеб берилган юзлаб катта-кичик сандиқ ва қутичаларни очиб чиқаман. Улардан топганим СОҒИНЧ деган сўз кўзимга ўтдай урилади. Мана, ўша дилўртар туйғуга муносиб ном, муносиб либос! Соғинч номини олган туйғу ўзига яқин туйғу ва ҳолатларни ҳам кийинтиришга рағбат уйғотади. Бу туйғунинг салтанати беҳад кенг, бепоён. Унинг қўли узун, узатган жойига етади. Бу туйғунинг қудрати муҳаббат туйғусининг қудрати ила тенг, айтиш мумкинки, ҳатто устун ҳам. Муҳаббат баҳор чақмоғидек бир чақнаб, умр кўкламида қолиб кетади. Соғинч эса худди кузги мезонлардек чувалганича умр бўйи киши қалбига ҳамроҳлик қилади. Шу боисдан у АРМОНга қўшни. Соғинч ўтиб кетган болалик, муҳаббат, йўқотилган дўстлар ёдини дастурхонга қўяди. Армон билан бирга гурунглашган чоғлари. Бу икки туйғу узун кечаларда сеҳргар шоирларнинг шеърларини ёддан ўқиб, байт-барақ ўйнашадилар.

Ўз нигоҳ

Парчагина булут. Чексиз осмон.
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,
Барча ташвишлардан қутулиб, шодон
Қайтгим келаётир қошингга буткул...

Соғинчнинг тилидан айтилган бу сатрларга жавобан Армон бошқа бир шоирнинг шеърини ўқиб беради:

Видо табассумли олам — Ёшлигим.
Кўкларга етмаган нолам — Ёшлигим.
Кўзларимда қотган жолам — Ёшлигим.
Сувга чўкиб кетган болам — Ёшлигим.

Видо табассумли олам — Ёшлигим.

Мен узоқ тунлар бундай байт-баракларни тингларканман, улар ўзларининг ёд лавҳаларига ёзиб олишлари, ялдодек кечаларни қисқартиришлари учун ўнлаб иқтидорли шоир дўстларимнинг шеърий китобларини ҳам тавсия этган бўлардим. Уларнинг ҳар бири шу озгина умрларидаги бир чимдим ижодий фаолиятлари мобайнида Соғинч ва Армон учун анчагина хизмат қилиб улгуришган. Ҳозирча улардан бири — Равшан Файзнинг икки шеърий тўплами: «Ухлаётган одам» («Ёш гвардия», 1989) ва «Ташриф» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 1990) каби икки мўъжаз қутичани бу икки туйғу хазинасига келтирдим.

«Ухлаётган одам» тўплами саккиз қаторли жажжи шеър билан бошланади:

Кўнглимда туғилди сафарга майл,
Хоҳишни енгмоқлик душвордир ахир.
Шаҳарга кетяпман, қишлоғим хайр.
Қишлоқ-чи, бирам жим, бирам тошбағир.
Далалар ифори ўзимда қолди.
Ўшал дил тусаган серҳашам маъво
Мени ҳам сершовқин бағрига олди,
Аммо у нечундир бефарқ, бепарво.

Мана шу сарҳадлардан бошланса керак Соғинч салтанати. Унинг чегараларини бузиб, қишлоққа қайтиш борабора мусофирлик сари ичкарилаб кетаётган кишига қийинлашиб бораверади. Демакки, Соғинч туйғусининг қудратига қудрат қўшилаверади. Равшаннинг ҳар икки китобида ҳам болалик ва ота юрт — Самарқандга, унга ёндош чек-чегарасиз даштларга нисбатан соғинч ҳисси жўш уриб турган сатрлар кўп.

Турибман, кўксимда муқаддас бир шашт,
Мақсадим куйламоқ кўнглимни ёзиб.
Лекин соғинч каби чексиздирсан, дашт,
Ҳайқирсам, пойингга етмас овозим.

Соғинч туйғусининг бепоёнлиги ва бу бепоёнлик олдида унинг мулозимига айланган қалбнинг нақадар ожизлиги ва шу туйғу билан қудратлилигининг ифодаси эмасми булар!

Инсоннинг кўнгли ўткир, аччиқ ва тахир «қисмат майи»га ўч бўлади. Шу чанқоқлик минглаб кишилар тинчгина умргузаронлик қилаётган қишлоқлардан саноқли кўнгилларни олисларга ҳайдаб кетади. Номукаммал тузумнинг орзуманд, саргузаштсевар бу фарзандлари олис ва номаълум шаҳар кўчаларида ижарага бошпана излаб, қуйидаги шеър қаҳрамонидек ҳолатларни бошдан ўтказадилар:

Кўк эшик.
Оҳорин сақлаган шарқона нақши.
Рақами... йўқ шекил...
Кимлигинг кўргали қарагич ойнак
ва ити йўқлиги яна ҳам яхши.
Афсус, пойабзаллар уч эшакка юк.
Ўзга уй. Кўк эшик.
«12»нинг ўнг томонида
Ўқ еган юракнинг сурати турар —
Бўйга етган қиз. Исми Дилафруз
(Ижарага қўймайди улар!).
Биринчи қават.
Оддий ва жўн оқ эшик.
Яроқлайди қизғиш рангли «1».
Қўнғироқ тугмаси — мусиқий мужда
Қўл урсанг... марҳамат.
Чиқиб келар ё чол, ё кампир.
Энди ўзинг мадад бўл, журъат!

Мен ушбу тўпламларнинг «... Кўнглимда туғилди сафарга майл» ва «Кўк эшик...» деб бошланувчи шеърлар билан очилишида ўзига хос рамзийликни кўраман. Бизнинг шароитларда ёш шоир ўз китобларининг мундарижасини хоҳлаганидек тузиши шунчаки оддий гап эмас. Кўпинча, шоир китобини нашриёт режасига киритиши ва унинг нашриёт жавонларида ётиб қолмай ёруғ дунё юзини кўриши учун ташвишлардан иборат марафонга енг шимариши шарт. Бу икки тўпламнинг чоп этилиши, уларнинг мундарижаси муайян тартибдалиги шоир дўстимизга шоирлик иқтидори ва тинимсиз интилиш билан бирга омад ҳам ёр бўлганини кўрсатиб турибди («Омад деганлари бор гапдир, дўстим...» (А. Орипов).

БУ ИККИ ТЎПЛАМНИ қайта-қайта варақларкан, ўзбек шеъриятига кириб келаётган янги авлоднинг барча имтиёзу имкониятлари қатори мавжуд имкониятсизлик ва ночорликлари ҳам кўзга ташланади. Хўш, нега ёш шоирларнинг илк ва навбатдаги тўпламларидаги шеърлар остига улар ёзилган саналар қайд этилмайди ёки «унутилади»? Ушбу тўпламлардаги шеърлар тахминан ўн-ўн беш йил ичида битилган шеърлар.

Равшаннинг иқтидори умр ва табиат фаслларини назмга солишда ғоят таранглашади. Унинг шеърларида қиш қирларда этак қоқади («Қирларда неча бор қиш этак қоқди...»), баҳор эса бойчечакларга қўнғироқ чалдиради («Қирларда қўнғироқ чалди бойчечак, Қўзигул овози тутди дунёни...»).

Куз фасли тасвирланган «Октовда куз» шеърида шоир қалами мусаввир мўйқаламига айланади ва сеҳрли манзараларни чиза бошлайди:

Болалар кўнгилни этганча вайрон
Тушмаган баргларни дув-дув қоқарлар.
Энди қуёш топмай серраяр ҳайрон
Бошлари юлинган кунгабоқарлар...

Бир ҳайкалтарошдан: «Сиз оддий тошни қандай қилиб санъат асарига айлантирасиз?» деб сўраганларида: «Мен тошдан фақат ортиқча жойларни олиб ташлайман, холос!» деб жавоб берган экан. Кузни тасвирлаш учун унинг бағрида минглаб белги ва ҳолатлар мавжуд. Агар дунёдаги шоирлар бир жойга йиғилиб куз мадҳида «ҳашар шеър» ёзишга бел боғлаганларида эди, бу «асар» шу қадар катта ва қачон тугаши номаълум бир нарсага айланардики, серғайрат ҳашарчиларни қишнинг қори ва аёзигина уй-уйларига тарқаб кетишга мажбур қилган бўларди. Равшан ҳайкалтарошлардан фарқли ўлароқ, куздан фақат ўз шеърига керакли ҳолатларнигина олган. Худди шундай фикрни унинг «Саратон» шеъридаги ушбу сатрларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин:

Қуёшнинг нурлари тортилган таранг,
Ҳорғинлашиб борар ўйноқи анҳор.
Икки қирғоғида жон сақлар аранг
Сибирга бадарға қилинган баҳор.
Юксак-юксакларга учолмас қушлар —
Бўғзининг остида бориб келар «жон».
Кўринган жойидан чимчилаб ушлар
Бир парча булутсиз оқ, оппоқ осмон...

Табиат ва умр фаслларига атаб нисбатан катта ҳажмлардаги шеърлар қаторида ҳар икки тушунчани ўзида жамлаган «Йил» сарлавҳали тўртлик ҳам борки, уни эътиборингизга ҳавола этмай ўта олмайман:

Тўртта кўйлаги бор. Ва битта ўзи
Кийса, бор умрига бемалол етар.
Лекин у зўравон кўнглимни бузиб,
Ҳар гал кўйлагим тўздириб кетар.

Шоир тўпламларидан бирининг «Ухлаётган одам» деб номланиши бежиз эмас. Ундан Равшаннинг достоннависликдаги илк тажрибаси — «Ухлаётган одам» ўрин олган. Талаб эҳтиёжни туғдирганидек, бугунги кунда достондек кўҳна адабий турга эҳтиёж беқиёс даражада камайиб кетди. Ҳатто бадиий адабиёт ҳам ўз аравасига юкланган кўплаб «оғир юк»лардан халос бўлган ҳолда бир жойда депсиниб қолди. Ёзувчи Маркеснинг «Танҳоликда бир аср» романидаги қўшиқчи сайёр чол образи бамисоли бадиий адабиётнинг тимсолига ўхшайди. Бу чол қишлоқма-қишлоқ, юртма-юрт кезиб юраркан, кўрган-кечирганларини ўз қўшиқларида айтиб юради. Одамлар чолнинг қўшиқларини тинглаб, дунёда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўладилар ва унга бир миқдор бадал бериб, ўзларининг ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ҳам қўшиқларига қўшиб айтишини илтимос қиладилар. Бошқа жойдагилар эса унинг қўшиқларидан ўз қариндошларига доир хабар чиқиб қолармикан, деган умидда унинг қўшиқларини тинглаб ўтирадилар ва улар ҳам қўшиқчи чолга янги илтимослари билан мурожаат қиладилар. Шу тариқа, қўшиқчи чолнинг қўшиқлари янги хабар ва янгиликларга тўлиб бораверади...

«Ухлаётган одам» достонига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Бу достон (ёки «достон» номи остида жамланган шеърлар мажмуи) достоннависликнинг янги шаклга ўтиши олдидаги тараддуд сифатида баҳоланиши мумкин.

ҲАР ИККИ ТЎПЛАМДА Соғинч салтанати тасарруфидан ташқаридаги, муваққат, бироқ мавжудлигини мангулик аравасига бирнав тиркаган ўткинчи ғоя ва ҳолатларга доир «айни пайтида» ёзилган бир қатор шеърлар ҳам мавжуд («Асранди фарзанд ҳақида ҳикоя», «Ватаннинг бир парчаси», «Янги йил кирмоқда», «Биринчи курс студентлари билан учрашув»). Бу шеърлар ҳам шоир тадрижидаги ўзига хос бўлаклар. Уларни, балки, шоир дўстимиз «ғўр ёшлик» йилларидан хотиралар сифатида сақлаб қўйса керак. Ҳозирча булар ҳақда ўйлашга унинг вақти йўқ. Уни «юлдузлар чорлаб турибди» (қандай юлдузлар эканлигини аниқ айтолмайман). Ҳар ҳолда, унинг сўнгги пайтларда ёзилган «Юлдузлар чорлаганда» шеъри шундай якунланади:

Ўсяпман, тезлигим мисоли чақин,
Бир лаҳза тўхтамоқ, тингламоқ қайда.
Энди борган сари юлдузлар яқин,
Энди борган сари одамлар майда.

Оллоёр БЕГАЛИ

ИШҚ ТУМОРИ — ШЕЪРИЯТ

ВАЪДА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлими (1990) Илҳом Ғанининг «Ишқ тумори» биринчи шеърий тўпламини нашр эттиришга рухсат берди, бу тўплам муаллифнинг ўз ҳисобидан Бухоройи Шарифдаги босмахонада чоп қилинди. Китобни безатган мусаввирлар ҳам бухоролик. В. Барноев, М. Сулаймоновнинг безаклари пойтахт мусаввирлариникидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Демак, Самарқандда нашриёт очса бўларкан, Бухорода ҳам китоб чоп эттириш мумкин экан. Осмон узилиб ерга тушгани йўқ! Ахир, қачонгача вилоятдаги ижодкорлар марказларга, аниқроғи, пойтахтларга қараб оқиб боради. Вилоятлар, туманлар ҳувиллаб қолди-ку! Йўқ, аҳолининг вилоят ё туманларда камлиги билан эмас, балки ижодий, илмий муҳитнинг йўқлиги учун бу ерлар ҳувиллаб қолди! Марказлар, пойтахтлар эса одамнинг кўплигидан ўпирилиш арафасида турибди. Худонинг ўзи паноҳида сақласин (Омин). Шахсга сиғинишнинг қабиҳ иллатларидан бири — марказга сиғиниш (барча яхши нарсалар, жумладан, нашриёт, корхона, илмий маскан, олий ўқув юрти ва ҳоказоларни марказга йиғиш) иллати қачон барҳам топаркан? Социализм қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутни йўқотаман деб ваъда бериб, қишлоқлар билан шаҳарлар, шаҳарлар билан пойтахтлар орасида ўтиб бўлмас чуқур ва кенг жарларни бино қилгани сир эмас...

Энди умумдарду муаммоларни кўндаланг қўйишдан ўзни тийиб, Илҳом Ғанининг «Ишқ тумори»даги битиклар ҳақида гапирсак. Худо хоҳласа, дуолар ижобат бўлиб, Бухоройи Шарифда ҳам нашриёт, жарида, олий билим масканлари очилар.

Илҳом Ғани шеърларида тоза нафас, оҳори тўкилмаган ўхшатишлар, юракка бориб тегадиган зарблар, ўз-ўзини англаш учун ўз ўтмиши ва ҳозирини идрок этмоққа тиришаётган инсон қиёфасини кўриш мумкин. Росту ёлғон, ҳақу ноҳақлик қоришиб, жар ёқасига келиб қолган инсон сталинизм, ленинизм инъом этган кишанларни чилпарчин қилиб, эркинлик, ҳақ ва ҳақиқат томонга бурилганда, унинг юртидаги баҳор, дарҳақиқат, «муборак исён»дек гуллаб, элу, тилу қондошларни уйғотади. Воажаб! Тил ҳам ухлаганмиди? Зеро, тилни ҳам ухлатиб ё уйғотиб бўладими? Ҳа, фақат ухлатиш эмас, балки тилни ўлдириб ҳам бўлар экан. Эрк шамоли кўкракка теккандан кейин:

Кўкрагингдан унсин,
майли, дард,
Ҳасратларинг, оҳинг,
фиғонинг.
Армонларинг унсин
кетма-кет,
Дард очадир кўзин
имоннинг.

Дард — имон кўзини очади, дейди шоир. Эътиқоду имон инсон таянчи ҳисобланади. Ўз таянчини йўқотган одам фожиага мубтало бўлиши муқаррар. Илҳом Ғани шунчаки эрмак учун шеър ёзмаслигига «Отилган тошларни асрайман...», «Хожа Баҳоваддин Нақшбанд ҳузурларида», «Армон» каби шеърлари кафил бўла олади.

И. Ғани ёш фитратшунос олим сифатида ҳам диққатга молик изланишлар олиб бормоқда. У Бухоройи Шариф туманларидан бири Вобкентнинг Ўбаи Кулолон қишлоғида, кулол оиласида туғилган. Кулолчилик касби Илҳомга бобомерос ҳисобланади. Раҳматли Ҳамробиби Раҳим қизидан Илҳом Ғани кўп нарсаларни, жумладан, тандирсозлик, қўғирчоқсозлик, қолаверса, камтарлик-камсуқумликни ўрганган. Ҳамробиби меросини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам Илҳомнинг хизмати таҳсинга лойиқ. Ёш шоир Вобкентдаги тарихий обидаларни асрашда, қадриятларни авайлашда намуна кўрсатмоқда.

«Ишқ тумори»дан жой олган «Кулолнома» туркуми кулолчилик фалсафасини баён этмоққа уринишдир.

Албатта, тўпламдаги барча шеърларнинг савияси бир хил эмас. Гурунч курмаксиз бўлмагани каби, маромига етмаган мисралар, шеърлар ҳам бор.

Юрагида эътиқод, журъат, Ватан дарди бўлган истеъдод эгаси албатта ўзи кўзлаган манзилга ета олади. Умид қиламизки, Бухоройи Шарифлик ёш шоир Илҳом Ғанининг «Ишқ тумори» китобхонларга манзур бўлади.

Садриддин Салим
БУХОРОИЙ

Бундан бир қанча йиллар муқаддам туширилган бу нодир сурат сураткашимиз Содиқ Маҳкамов бисотидан олинди.

ФОТОМУХБИРИМИЗ АРХИВИДАН

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат ФАЙЗИЙ набиралари даврасида.

ЯНГИ НАШР

«ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТ»

Мустақил жумҳуриятимизда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда бўлгани каби маданият, маърифат борасида ҳам янгича қарашлар қарор топмоқда, дадил қадамлар ташланмоқда. Зеро, халқимизнинг бугунги ҳолати маърифий йўналишда буюк ўзгаришлар қилишни талаб қилади. Халқимиз қалбида маданиятга, айниқса, ўтмиш маданиятга эҳтиёж катта. Шу эҳтиёжни қондириш йўлида жумҳуриятимиздаги етакчи газит ва журналлар кўп савобли ишларни амалга оширмоқдалар. Айнан ўша нашрларнинг саъй-ҳаракатлари бир гуруҳ ўзбек зиёлилари кўнглига ўтмиш маданиятимиз, хусусан, халқимиз тараққиётида муҳим ўрин тутган исломий маданиятимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш ҳавасини солди. Шу ҳавас маҳсули ўлароқ «Исломий маданият» номида бир газит ташкил бўлди.

Албатта, бу маданий ҳаётимизда катта воқеадир. Негаки, катта-катта идоралар қарамоғидаги газит-журналлар ҳам давр бўҳронларига дош беролмай турган бир вазиятда илғор зиёли ёшларнинг мустақил ҳафталик чиқармоққа бел боғлашлари ғоят муҳим ҳам савобликдир.

Ниҳоят, ҳафталик бош муҳаррири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг бир йиллик елиб-югуришларидан сўнг газитнинг нишона сони босилиб чиқди. Газитнинг шу илк сонидаёқ унинг бош мақсади, ғояси, ижтимоий-фалсафий йўналиши нимадан иборат экани ёрқин акс этибди, десак адашмаймиз.

Газит иттифоқ ҳафталиги мақомига эга бўлиб, мамлакат фуқароларига исломий маърифат тарқатиш, оламий ҳодисаларга исломий назар-ла баҳо бериш, ўтмиш ва ҳозирги ислом маданияти тараққиёти йўлларини тадқиқ этиш масалалари билан машғул бўлади ҳам уч тилда (ўзбек туркийсида, ўрисчада ҳамда тожикчада) чоп этилади.

Энди ҳафталикнинг нишона сони мундарижаси хусусида. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, ундаги мақола-масалалар маърифий йўналиши, назари поклик ва тўғрилиги билан диққатни жалб этади. Улар узоқ йиллар жаҳолат занжирида ётган, коммунистик матбуотнинг кин ва ғараз, адоват ва миннат сўзларидан зада бўлган инсонлар қалбига малҳам бўлиши шубҳасиздир.

Биринчи саҳифада «Янги нашр муборак бўлсин!» сарлавҳаси остида таҳририятнинг ўқувчиларга мурожаатида ҳафталикнинг мақсад-вазифалари аниқ ва лўнда ёритиб берилган.

Буюк ислом файласуфи Муҳаммад Қутбнинг «Ислом ва маданият» мақоласида исломий маданиятнинг моҳияти ҳақида фикр юритилган. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг Фитрат асарига тақризи, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг афғон муҗоҳидлари ҳузуридаги ўз учрашувлари хусусидаги суҳбати ҳамда Муҳаммад Ғаззолийнинг «Рисолат ва иймон» мақоласи исломий илмга, ҳақиқатга ташна ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Бундан ташқари, газитда буюк мусулмон шоирлари Навоий ва Муҳаммад Фузулий ғазаллари, «Мусулмон севгиси» номли халқ ҳикояти, бугунги замон воқеаларига исломий муносабат руҳида ёзилган латиф ва пурмаъно мақола, суҳбатлар ҳам бордир.

Хуллас, «Исломий маданият» ҳафталиги биз мусулмон фарзандлари учун ғоят қадрли ва бебаҳо нашр экани нишона сониданоқ кўриниб турибди.

МУРТАЗО

ҚУТЛИБЕКА

МУҲАББАТ КЎНГИЛГА КЕЛГАН ШУЛ КЕЧА

Муҳаббат, сизмисиз шу кеч уйғотган —
Тангри жамолидан тушган тола нур.
Бу ғариб кўнглимда мунғайиб ётган
Ғариб туйғуларим бирдан бўлди ҳур.
Неча бор эландим, неча тиландим:
Қайтсин деб, мулкимдан учган хумойни.

Ичимга ой кирди: мен ёқтиландим,
Қайларда асрайман энди бу ойни?
...Қатига тиз чўкдим: уйқуси маъюс,
Чўллаган лабида ҳасратлар уйғоқ.
Дарчаси ортида қайғудоши куз
Япроқлар тилинда тортиб юрар «оҳ»,
Қайғуси эрк эди, эрк келди, ана,
Кунбитиклар Унга кун бўлиб қолди.
Ойнаи жаҳонда тунлар тантана:
«Озодлик. Ўлкадан қуллик йўқолди».
Кун кечди, яна шу таниш синиқиш,
Чўккан кўзларида хавотир, малол.
Маҳзун шивирлайди: «Қора қанот қиш,

Тақдир бўлармикин бизга истиқлол?»
...Қатига тиз чўкдим: уйқуси маъюс,
Чўллаган лабида ҳасратлар уйғоқ.
Қўй, ўзим куйлайман, сен толиқдинг, куз,
Япроқлар тилинда тортавериб «оҳ».

ҚЎШИҚ

Туркнинг бек йигитин яратган эгам
Ошиғлиғ ҳам бошлиғ учун яратган.
Бир булбул беш гулга эгадир деган,
Беш гулга талошлиғ учун яратган.
Нечун қон индамас, этмайдир исён —
Жигарлик, бағирлик учун яратган?
Недан бу тўзғоқлиғ: недан кин, гумон,
Бирлашув, жипс бирлик учун яратган.
Бизларга бу дамлар, балки мукофот,
Туркистон яратсин учун яратган...
Ҳукм ҳақ: ким этмас бўлса итоат —
Бир қора яра кун учун яратган.
Бас, туркнинг бек ўғлин яратган эгам,
Ошиғлиғ ҳам бошлиғ учун яратган.
Ҳурлик кечасина оташлиғ учун,
Кўкина қуёшлиғ учун яратган.

ЯНА ҚЎШИҚ

Бул қаро бошимда Унинг қайғуси,
Олинг, бағрингизга олинг, муҳаббат.
Яримжон этаркан қуллик оғуси,
Билмайсиз: ёмондир ҳолим, муҳаббат.
Кўнглимиз дашт энди: келмас булбуллар,

Бизи назарига илмас булбуллар
Чаман бўлганимиз билмас булбуллар,
Арилар талаган болим, муҳаббат.
Дарёлар сўратар: эгам бермайдир,
Азроил тергайдир, шайтон тергайдир,
Қўлларим хиносиз гўрга киргайдир,
Ҳавасларим долим-долим,[1] муҳаббат.
Лабларим совуқдир: музлар қўшиқлар,

Дунёларин биздан гизлар қўшиқлар.
Яқинда тўсиқлар, ёвда тўсиқлар,
Ёндиргали йўқдир ёлин[2], муҳаббат.
Туғилганда турк туғилдим: кўк бўлдим,
Ўн саккиз минг олам аро кўрк бўлдим,
Қизил бўлдим, бўлмадим, йўқ-йўқ бўлдим,

Бўлдирмаган золим, золим, муҳаббат.

---

[1] узун-узун йиртилган
[2] учқун

МАНЗАРА

Юзлари сутли аёл,
Дур, марваридли аёл,
Фарангий ҳидли аёл —
Йўлда, бекатда турар.
Сочлари ёйиқ аёл,
Қовуши «қайиқ» аёл,
Саройга лойиқ аёл
Йўлда, бекатда турар.

Нега бу дилбар аёл

Бекатда турар, қизиқ?

Ранглари сариқ аёл,

Манглайи қариқ[1] аёл,

Қовуши ёриқ аёл —

Узун навбатда турар.

Сочлари чамбар аёл,
Бемушк, беанбар аёл
Қўллари лангар аёл
Узун навбатда турар.
Нега бу рангпар аёл
Навбатда турар, қизиқ?
....Қатига тиз чўкдим, уйқуси маъюс.
Чўллаган лабида ҳасратлар уйғоқ.
Қўшиқ айтаётган менми ёки кўз,
Қай куюк бўғиздан ул титракли «оҳ»?

---

[1] Жўяк

ҚЎШИҚ

Кўйлакларим оғир: қийгим келади,
Қушларнинг кўйлагин кийгим келади,
Муҳаббат кўнгилга келган шул кеча.
Шоҳ Машрабнинг ўтлиғ сўзларин ичсам,

Юксиз руҳим билан кўкларга учсам
Муҳаббат кўнгилга келган шул кеча.
Юлдузлар учига тегиб, тилиниб,
Ҳижжалаб ўргансам қадим тилимни
Муҳаббат кўнгилга келган шул кеча.
Ойнинг ўнг ёнина сайлансам эрдим,
Севдигим бошинда айлансам эрдим
Муҳаббат кўнгилга келган шул кеча.
Уёқ ҳам кўк билан бир боғлансалар,
Ойнинг нурларидан яроғлансалар —
Муҳаббат кўнгилга келган шул кеча.

МАНЗАРА

Эркак Туркиядан
хотинига деб
сумкача келтирди
жажжи, пуштиранг.
Пахмоқ соч аёлни пари пайкарга
Эгизак этгувчи буюмлари бор.
«Кўзгучасин қаранг,
вой, тароғини...
Узукчасин қаранг,
вой, балдоғини...»
Аёлнинг бошидан ҳушлари учди,
Аёлнинг ҳадяга би-ир меҳри тушди.
У узоқ шодланди... сўнг маъюсланди.
Қоронғу айвонга ўтиб, йиғлади
Совуқ деразага босганча бетин.
Эркак юпатмади,
Ичкин хўрсинди
устма-уст тутатиб
турк сигаретин.

... Бор мулкини тўлаб бўлди — бож
Қаламушлар урчиб ётган кат.
Юраклар — оч, юрак — ялангоч,
Биз бошқача бўлмоғимиз шарт.
Ёлғон — илон: бўлмас суянчиқ,
Бизни унга ишонган номард.
Йиқилган кўп: кўксида санчиқ,
Йўқ, бошқача бўлмоғимиз шарт.
Неча бекнинг ўйнаши — шароб,
Заҳарланган бошда майиб дард.
Умидларни бўғади сароб,
Йўқ, бошқача бўлмоғимиз шарт.
Байроқ эрур номус либоси
Кийиб, ечсанг қўнар ғубор, гард.
Ҳақ ўзгага қўймай ихлосин
Биз бошқача бўлмоғимиз шарт.

ҲАЙРАТ

Ғалати йиғларкан озод инсонлар:
Хўрлик товуши йўқ йиғиларинда;
Ғалати куларкан озод инсонлар:
Ялинчоқлик йўқдир кулкиларинда,
Ғалати ўларкан озод инсонлар:
Гўзал бўлар экан... ўликлари ҳам.
... Қатига тиз тўкдим: уйқуси маъюс,
Чўллаган лабида ҳасратлар уйғоқ.
Дарчасин ортида чақмоқ чақар куз,
Бўронлар тилинда сўйлар қалдироқ:

ҚЎШИҚ

Бу дардлар тузоққа тушмас шум қочоқ,
Гоҳ кийим янгилар, гоҳида исм.
Ҳурликка муҳаббат — энг кучли яроғ.
Сим-сим-эй, кўнгиллар, муҳаббат тилсим.
Бу дардлар кўп қадим, кўп дунё кўрган,
Осон қўл кўтариб, жон этмас таслим.
Ҳурликка муҳаббат — энг ўткир мерган,

Сим-сим-эй, кўнгиллар, муҳаббат тилсим.

ЯНА ҚЎШИҚ

Бу ишқли кўнгил сиза,
Дардли кўнгил сизадир.
Оға, уйғонсангиз-а,
Булута нур чизадир.
Ёпни ёқаси ийда,
Ийдани гули майда.
Ёт қўрқизиб гун гўрар,
Юртни беклари қайда?
Қизил гул дўйим-дўйим,
Шамола атар ўйин.
Ори йўқми бекларни
Шу гуна бўлиб бўйин?
Гуллар йўла қарийди,
«Ёр борми» дап сўрийди.
Оғзи очиқ қозона
Оч кучуклар дарийди.
Ўчоқда ўт ўйнийди,
Чойникда чой қайнийди.
Дод-ай, ёвларинг етмий,
Ўз жигаринг қийнийди.
Гуллар йўла қарасин,
«Ёв борми» дап сўрасин.
Манинг ёшгина жоним,
Манинг биргина жоним
Қайси дарда ярасин?
Юрти ёмон даладир,
Сувдан ўта солади.
Шундан тунда нишатиб,
Ухласингиз галади?
Бу ишқли кўнгил сиза,
Дардли кўнгил сизадир.
Оға, уйғонсангиз-а,
Уйқи бекни бузадир.
Юрти юрт атмасангиз,
Қўймасангиз бор атиб,
Ман гетарман қор отиб,
Изларима зор атиб.
Юрти юрт атмасангиз,
Жонингиз озор атиб,
Иккимизи осарман
Ўримларим дор атиб.
Бу ишқли кўнгил сиза,
Дардли кўнгил сизадир,
Ватан қайғиси сиза,
Сизи қайғи бизадир.
...Муҳаббат, сизмисиз шу кеч уйғотган —

Тангри жамолидан тушган тола нур.
Қоронғулик ичра мени йўқотган
Дўстларим кўнглимга қайтдилар бир-бир.

Кўнглимга суяниб, жисмим бўлди тик,
Оламда борлигим сеза бошладим.
Кўзимдан йўлимга сизди ёруғлик
Кишаним шилдираб, қадам ташладим,
Ўзимга муборак бўлсин бу соат,
Бу соат, бу йўлга етдим зўрға ман.
Кетманг, ташлаб кетманг, тангрим — муҳаббат,

Мен сизсиз яшашдан энди қўрқаман.

Саъдулла ҲАКИМ

НАҲОР ОШИ

Ҳали уйқусидан кўз очмай қуёш,
Ҳали янграмасдан сўфи азони —
Тонгданоқ қайнагай ўзбек қозони,
Бутун маҳаллага дамланади ош.
Элнинг улуғлари остонадаёқ
Юртни кутиб олар оёқда туриб.
Ёшлар хизмат қилар елиб-югуриб,
Бирови чой ташир, бирови товоқ.
Гуруҳ-гуруҳ бўлиб одамлар келар,
Чинни лаганларда сузилар палов.

Гўё юракларда ёқилар олов,

Чорпояда ҳофиз мақомни куйлар.

Ҳали тонг ёришмай палов еган халқ,

Билмайман, бормикан оламда яна.

Ўзга улусларга қилмасман таъна,

Биламанки, халқим удуми барҳақ.

Қонига сут билан кирган бу сифат,—
Ҳеч бир элатдошин ёлғиз қолдирмас,
Бирдек ҳамдард бўлар, рангин олдирмас,

Бошига тушганда ҳатто мусибат.
Порлоқ интиҳоси ёзилмиш азал:

Ўзбекнинг бойлиги — тўй, бойлиги — ғам.

Ўзи марҳаматга муҳтож қолса ҳам

Икки-уч ғарибга дастурхон ёзар.

Буни битмасмидим бормасам ошга,

Элга қўшилдиму ўнгланиб қайтдим.

Ёлғиз бориб эдим, ўнланиб қайтдим,

Яна меҳрим ортди дўст-қариндошга.

Шунданми, зар офтоб юксалган они

Кўнглимда туғилар ажиб бир қиёс

Дамланган паловга ўхшайди қуёш,

Осмон — тўнтарилган ўзбек қозони!

ЗАЙНАБ

Кумуш дедим, Отабекча қайғурдим,
Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан,

Сен чеккан ғам менинг-да ўз қайғумдир,

Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан.
Ана, Кумуш от чоптириб кезади,
Отабек тулпори жилов узади.
От туёғи менинг кўксим эзади,
Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан.

Инсон ожиз жаҳонгир Рашк қошида,
Уммон нима дил тўккан ашк қошида.
Ким қизғанмас ишқни Зайнаб ёшида,
Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан.

Кўрдим сени, Зайнабсан ё Кумушсан,
Бир шўх боқдинг, бир қарасам хомушсан.

Отабеклар бунчалар кам демишсан,
Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан.

Сени ўйлаб сочларимда қор, мана,
Кўкрагимда бир ошиқ қуш зор, мана,

Зайнабнинг ҳам Отабеги бор, мана,
Сен ҳам, Зайнаб, ўзбегимнинг қизисан!

ШАРҲИ ҲОЛ

Очса юрак кўзини
Кўнглига нам келарми?
Ҳар бандаси ўзининг
Кимлигини биларми?
Уй босар такрор-такрор,
Мен ўзи асли кимман?
Эл мудраганда бедор,
Ҳайқирса нечук жимман?
Наҳот менинг исёним
Дилимда қотиб қолган.
Шеърлар битганим ёниб
Наҳотки бари ёлғон?
Мен деган нечасидан
Кўрдим изтироб, жафо.
Ёмонлик кўчасидан
Лекин ўтмадим асло.
Жоҳил тегирмон тошин

Бош узра юргизса бад,
Балки минглар бири мен
Қилган сабру қаноат.
На дўқ, на озорим бор,
Мен бир яхши одамман:

Кўксимда мозорим бор,

Ҳиддатларим яшинган.
Оққанда кўча тўлиб
Беҳаловат оломон,
Тутмоққа мадад қўлин
Топмас мени орадан.
Ахир, мен ҳам қулликнинг
Жафосидан тўйдим-ку.
Юрагимга ҳурликнинг
Либосини кийдим-ку.
Биламанки, йўлга бир
Чиқсам ортга қайтмасман.
Айтмасман зўр бўлдим деб,

Хор бўлдим деб айтмасман.
...Кимману шу ҳолимга
Бунчалар севар ул Ер.
Ишқи ила қонимга
Қуяр илоҳий шарор.
Юксакларга солар из
Самога таралган йўл:
Минглар ичра бўл ёлғиз,

Ёлғизлар ичра минг бўл!

Ўшал йўл қошида зор,
Афғорману ҳеч кимман.

Гуноҳкордан гуноҳкор

Саъди оллоҳ Ҳакимман...

ЧОПОНИМ

Саратонда — кўрпача,
Қишда — кўрпа чопоним.
Тургил дунё турганча,
Завол кўрма, чопоним.
Қатимлари ипакли,
Зап ярашган чопоним.
Кийиб чиқсам ой қизлар
Хўб қарашган чопоним.
Хўжа Насриддиндан
Васиятли чопоним.
Чорасиз чоқда чиндан
Хосиятли чопоним.
Тандан совуқ ўтмоғин
Шунча билиб эдингми?
Ер эгнига ёпмоғим
Орзу қилиб эдингми?
Ой устига ёпинган

Бахмал тунга ўхшайсан.

Бир мени десам сен ҳам
Нақ мафтунга ўхшайсан.
Ер сочлари елкангда
Яйраб-тўзиб кетди, ҳей.
Қўлим солсам, ёздайсан
Ичинг қизиб кетди, ҳей.

Ҳавасим келиб сенга

Чўғ бўлиб ёнар кўзим.

Эҳ, чопоним, мен нега

Ичингда йўқман ўзим!

Муродим УМРЗОҚОВ

СУТ СОТУВЧИ БОЛА

ҲИКОЯ

СОБИР ҚОДИРОВИЧ маст уйқуда ётган эди, бир маҳал дарвоза тақиллаб қолди. Аввалига аста-аста тақиллади, кейин биров зўр бериб муштлаётгандай данғиллаб кетди.

— Оббо, арвоҳ ургур-ей, ким бўлсаям уйқуни расво қилди-ку, — ўйлади у эриниб ўрнидан тураркан жаҳли чиқиб. — Азонда пишириб қўйибдимикан?!

Ҳа, худди шундай деди. «Пишириб қўйибдимикан» деди. Лоп этиб оғзидан чиқиб кетди. Айтилган сўз, отилган ўқ!

Агар шу гапни маҳалла-кўйдагилардан бирови эшитиб қолса борми, ёқа ушлаган бўларди.

Ахир кимсан Собир домланинг оғзидан ҳеч маҳал бунақа бемаза гап чиққан эмас-да. Раҳмдил, мулойим, хокисор одам. Қачон қарасанг, катта қора портфелни кўтариб, илжайиб юради. Ўтган-кетганга эгилиб салом беради, болаларни «чироғим», «қароғим», «бўтам» деб эркалайди.

Аммо ҳозир унинг ростакамига жаҳли чиқиб кетди, тепа сочи тикка бўлди. Қани, биров тонг қоронғисида сизнинг ҳам ширин уйқунгизни бузиб, дарвозангизни темирчининг болғасидай дукиллатиб турсин-чи, нима қиларкансиз!

Собир Қодирович кечаси алламаҳалгача тузукроқ ухлаёлмаганди. Кенжатойи Сожида иситмалаб чиқди. Томоғидаги без олчадай бўп шишиб кетибди. Биров «инқ» деса юраги жазиллайдиган домла жуда хафа бўлди. «Сен бунга музқаймоққа пул бергансан», деб хотинини хўп койиди.

«...Одамларнинг боласига ҳайронсан, — деб ўйлади у ярим тунда тўшагига кириб ётаркан. — На шамоллашни билади, на «уҳ» деб йўталишни. Ана, Пўлат пиённинг болаларини олинг, хотини қўйдай туғиб ташлаган. Ота — алкаш... Қачон қарасанг, кўчада яланг-юпун дайдиб юришади. Лекин касал бўлишмайди, асло касал бўлишмайди. Аксинча, бари ерга урсанг, кўкка сапчийди. Менинг болаларим-чи? Сояда ўсган ўтдай нимжон, нозик... Қилт этган шабадага шамоллаб, кўрпа-тўшак қилиб олишади. Бўлмаса нимадан камлиги бор, нима етишмовчилиги бор-а! Уст-бош бут, еган-ичгани олдида. Шуям гап бўлди-ю! Ҳай, майли, шуларнинг ҳам борига шукур, нима қиламиз, шуларни деб ўлиб-тириламиз-да, ота-онанинг бурчи шу».

Шундай деб ўйлаб, кўнгли бўшашди, иситмалаб ётган қизчасини хаёлига келтириб юраги ачишди.

Собир Қодировичнинг раҳмдиллиги доимо қаттиққўлликдан устун келарди. Бу унинг одати эди. Гоҳ-гоҳида болалари ёки хотинига бақириб-чақириб, ловуллаб ёнарди-да, кейин бирданига бўшашиб, негадир азоблана бошларди.

Бироқ ҳозир унинг беҳад ғазаби қўзғаганди.

Устидаги кўрпани улоқтириб ташлаб, тўнғиллаб, чопонини елкасига илди-да, эшик томон юрди.

Тонг ғира-шира ёришганди. Ҳаво совуқ, эт жунжикади.

— Э, ҳозир, — деб бақирди у зинапоядан тушаркан.— Чиқаяпман-ку... — Кейин қовоғини солиб: — Намунча? — деб қўйди.

Дарвозани очди, қараса... қаршисида етти-саккиз ёшлардаги бир бола қўлида муштдай келадиган тош ушлаб турибди.

«Э, ҳа-а... шу тош билан ураётган экан-да дарвозани, — деган нохуш фикр ялт этиб ўтди хаёлидан. — Безори, бўёқ-суёғини кўчириб юборган бўлса керак!».

— Ҳа, нима керак сенга? — деди ўзига ярашмаган дағал овозда. — Нега бунча шовқин қиласан?! Кўрмаяпсанми, ҳамма ухлаяпти. Э, сени...

— Сут оласизларми, деб сўрамоқчийдим!

— Ҳей, сутингниям...

Домла жудаям хушфеъл одам бўлганидан тилини тишлаб қолди. «Чакки гапириб юбордим, ёш бола-я», деб ўйлади.

— Сут эмиш! Шунга шунча шовқин соласанми? Сал кейинроқ, тонг ёришганда келсанг ҳам бир гап бўлмас?!

— Мактабга улгуришим керак, — деди бола гуноҳкордай ерга қараб.

— Мактаб? Мактабинг билан нима ишим бор! Мен ўз уйимда тинч ором олишим керак... Сенлар каллаи саҳарлаб, ухлагани қўймайсанлар. Ўз уйимда ухлашим керак! Тушундингми? Ухлашим керак! Эрталаб ишга бораман, тушундингми? Бунинг устига қизим касал... Сенга ўхшаган... бе...

Бола бунақанги дағдағали нутқни кутмаганди шекилли, чўчиб кетига тисарилди.

«Э, нималар деб алжияпман ўзи, — ўйлади Собир Қодирович ҳомуза тортиб. — Ёш болага шартмиди шу гапларни айтиш? Расво бўлдим-ку тоза! Олийгоҳнинг домласи эмиш яна! Олим эмиш!»

— Сендан бошқа сут сотадиган одам қуриб кетганми уйларингда? — гапни бошқа томонга бурди домла. — Отанг, онанг бордир, улар нима қилишади! Ётгандир-да-а... уйқуни уриб?

— Отам йўқ ҳозир... касалхонада. Онам кечки навбатчиликка боради. Сут оласизми ўзи?

— Тўхта, отангга нима қилган?!

— Отам... — соддадиллик билан дудуқланди бола. — Отам алкашларнинг касалхонасида ётибди.

— Э, нега?

— Арақни кўп ичарди.

— Э-э... Рўзғорнинг каттаси сен экансан-да унда. Э-э...

Домла шундагина боланинг қиёфасига тузукроқ зеҳн солди. Уст-боши юпун, оёғига эски бир пойафзал илиб олибди.

Кўзларини айтинг, кўзларини... Ғам чеккан одамникидай ҳорғин, ғусса ва аламга тўла. Ё товба, лаблари совуқдан кўкариб кетибди.

Худди мана шу бир лаҳзалик ҳолат Собир Қодировичнинг юрагига ўқдек қадалди, қалбини ўртаб юборди.

Боланинг ёнида катта бир сирли идишда сут турарди.

«Ҳа, онаси сут комбинатида ишлар балким»,— ҳаёлидан ўтказди домла.

— Сут оласизми ўзи, амаки? — сўради бола кетишга чоғланиб.

Домла хаёлга чўмганди, чўчиб тушди.

— Ҳа-ҳа, эмаса-чи, болам, эмаса-чи... Ҳозир биронта идиш опчиқай.

Домла томоғига нимадир тиқилиб келаётганини сезиб ғудранар, хижолатпазлик юрагини эзарди.

БОЛА «САВДО»СИНИ БИТИРИБ кета бошлади. У оёғидаги эски пойафзални шапиллатиб, идишнинг оғирлигидан ёнбошига ёйдек эгилиб борарди.

«Ҳали у қанча эшикларга бошини суқади, идишидаги сути тамом бўлгунча менга ўхшаган неча бир одамнинг даккисини эшитади, жаҳлдор башараларини кўради, — деб ўйлади домла боланинг кетидан термулиб қоларкан юраги ачишиб. — Биров сут олади, биров олмайди. Мана, ҳозир мен сутни рад қилишим мумкин эди. Ахир, музхонамизда бир эмас, беш шишаси турибди бунинг. Энди... хотиним уйқудан тургач, исрофгарчилигимдан нолиши керак. Ҳа-ҳа, нолийди. Ахир у ҳеч нарсани кўрмади-да! Боланинг жовдираган кўзларини, совуқдан кўкариб кетган лабларини қаердан кўрсин?! Ахир у ухлаб ётибди! Мириқиб ухлаяпти. Ухла-я, танбал, айиқдай ухла!

Ўғлим-чи? Учинчи синфга бораяпти ҳозир. Гавдаси манови қилтириқ болага учта келади! Ҳа, учта келади! Аммо ошини йиғлаб ичади, тўйгунича ухлайди, сал нарсага лаблари бурилиб, аразлаб қолади. Эрка, тантиқ бўлиб кетган ҳаммаси! Минг лаънат! Танбаллар, текинтомоқлар... Уйғотиш керак ҳаммасини, уйғотиш керак! Турсин, ҳовлини супирсин, полларни тозаласин, томарқада ишласин, Коса-товоқларни ҳам шуларга ювдириш керак — меҳнатга ўргансин! Қачонгача отанинг, онанинг паноҳида яшайди булар? Қачонгача?»

Собир Қодировичнинг бора-бора жудаям жаҳли чиқиб кетди, қўллари қалтираб, дарвозани ланг очиқ қолдириб, ичкарига кирди. Юраги ҳаприқарди. Сут сотувчи боланинг ночор қиёфаси ҳамон кўзи ўнгидан кетмасди.

«Отаси арақхўр, алкаш, — деб ўйлади. — Ота меҳрига қонмай ўсаяпти у. Онаси ишга кетган, чирқираган укаларининг (ким билади улар нечта!), ҳатто бутун рўзғорнинг оғирлиги унинг елкасига тушган. Ҳозир сутни сотиб бўлади, укаларини боғчага элтиб қўяди, чала-чулпа овқатланиб мактабга жўнайди. О, бечора бола! Менингчи, менинг болаларим-чи?! Ялпайиб ухлаб ётишибди! Тўралар! Тўрачалар!»

— Тур-ей, ўрнингдан, ҳей хонзода! — деб бақириб юборди хотинининг тепасига келгач. — Тур!

— А?

— Тур деяпман сенга? Иссиққина хонада ётасан ухлаб, терлаб-пишиб... Ҳамма жой расво бўлиб кетган, ҳамма жой... Ҳовлининг юзига қара бир, тур, қара... Ҳамманг тур, ҳамманг!

Хотини ўрнидан туриб, бир зум анграйиб қолди. Сўнг ўзига келиб, тилини қайради:

— Нима, жинни-пинни бўлдингизми эрталабдан? Нега бақирасиз?

— Нега бақираман? Биласанми, одамлар нима ишлар қилиб юришибди бу пайтда? А? Бир бола... Ҳозир келиб кетди.

Домла дудуқланиб, шошганидан гапини йўқотиб қўйди.

— Сут сотиб юрибди-я, сут сотиб юрибди!

— Ҳа, нима қипти сут сотса?

— Нима қипти? Сенинг болаларинг тўрачаларга ўхшаб тушгача ухлашсин-а? У бўлса... Меҳнат нималигини билмайди болаларинг, билдингми? Билмайди, бари танбал!

— Э, бунча томоқ йиртасиз ўзи? Ҳов... Алаҳсираяпсизми, нима бало? Қизингиз кечаси билан хархаша қилиб, одамни ухлатмай чиқди. Сиз бўлса эрталабдан туриб олиб хўрозга ўхшаб диконглайсиз. Ана. болангизнинг аҳволини қаранг!

Собир Қодирович юзига биров совуқ сув сепиб юборгандек сесканиб, қўрқиб кетди.

Иситманинг тафтиданми, қизи ингранарди, юзи анордек қизариб, ловуллаб ёнаётганга ўхшарди.

Домла шошиб қолди, боласининг ёнига ўтириб, пешонасига қўлини босди.

«— Ўҳ-ў... Олов бўп кетибди-ку, дўхтирга кўрсатиш керак буни. Эҳ, болажоним-ей! Ўзи нима жин урди мени? Аллақандай бир сут сотувчи болани деб шунча алам тортдим-а?! Хотинимни хафа қилдим, бу ёқда эса... Оббо, унга ўхшаган болалар камми дунёда? Сон мингта! Нима, мен уларнинг қайси бирига ачинишим керак? Отаси ичмасин эди! Ҳалиям одампарварлик кўрсатдим, хафа қилмадим, сутидан сотиб олдим. Ҳаётнинг ўзи шунақа, дунёнинг ўзи шунақа, бировга раҳм қилайин десанг, бошинг ғалвадан чиқмайди. Яхшиси...»

Хаёлига келган кейинги фикрлардан домланинг кўнгли бирров ёришиб, хотиржам тортди.

Бироқ у ҳозир боягина ўзи раҳмдиллик қилиб сут сотиб олган болакайнинг эртага тонг азонда яна келишини, дарвозани гумбирлатиб урганича уни уйқудан уйғотишини қаердан билсин?

Самарқанд

ИСТИҚЛОЛ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК

2. МИНГДАН БИР ИМКОН

ЎЗБЕКИСТОН КЕЙИНГИ 125 ЙИЛ мобайнида мустамлакачилик ва миллий зулм сиртмоғида яшади. Айниқса, бу ҳолат совет даврида мисли кўрилмаган даражада ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Тўғри, совет даврида халқ маорифи, олий ва ўрта маълумот, фан ва маданият анча ўсди. Бу ҳақиқатни инкор этиш адолатдан эмас. Бироқ, бу ўзгаришлар миллий давлатимиз, миллий тилимиз, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларимиз барбод қилинган шароитда содир бўлди. «Темир қафас»да туғилиб ўсган одамларнинг зеҳни ва дунёқараши ўзгача бўлиб, истеъдодли кишилар камдан-кам учради. Шу боисдан кўп маблағлар сарфланиши ва муҳим тадбир-чоралар кўрилишига қарамай, мактаблар ва олий ўқув юртларини битирганларнинг кўпчилигида билим анча пастдир. Эрксизлик одамларни шу даражага олиб келдики, улар билим ўчоқларидан унумли равишда фойдаланишга ожизлик қилдилар. Шуни айтиб ўтиш кераки, совет давридаги фан ва маданиятнинг ўсиши биз учун янгилик эмас. Негаки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихи давомида жаҳон маданиятининг ўсишига таъсир кўрсатган ўлкадир. X асрдаёқ Шарқда биринчи олий ўқув юрти — мадраса Бухорода очилган, XI аср бошларида эса Фанлар академияси Хоразмда юзага келган. Агар биз кейинги юз йилдан ортиқ даврда мустақил бўлганимизда ҳозирги вақтдагига нисбатан минг маротаба ортиқ фаровонликда ва тараққиётда ҳаёт кечирган бўлардик. Фақат ёлғиз нефти билан ривожланиб кетган мамлакатларни кўриб турибмиз, биздаги бойликларнинг турлари ва салмоғи бир неча маротаба кўп. Шунинг учун ютуқларни рўкач қилиб, кейинги 70 йиллик даврга сажда қилиш, мағзини чақмай кўкларга кўтариш нодонликдир. У ютуқлар бизга шу даражада қимматга тушдики, уни бартараф қилиш учун неча ўн йиллар керак.

Шу кунларда «қизил империя»нинг қулаши ва аксарият жумҳуриятлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам мустақилликка эришганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай бўлиши муқаррар эди. Ўта мустамлакачилик ва миллий зулм асосида барпо этилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) узоқ яшаши мумкин эмас эди. Хўш, СССР қай тарзда ва қандай мақсадларда ташкил этилган эди? Бу Иттифоқнинг асл моҳиятини Ўрта Осиё халқлари тақдири мисолида яққол англаш мумкин. Маълумки коммунистик партия ўлкада миллий давлат чегараланишини ўтказиб, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Қорақалпоғистон АССР ва Тоғли-Бадахшон АССР сингари жумҳуриятларни юзага келтирди. Гарчанд, партия бундай сиёсатни амалга оширишдан мақсад ҳар бир миллатни мустақиллик ва эркинлик асосида ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат деб жар солган бўлса-да, лекин амалда бутунлай ўзгача бўлиб чиқди. Чунончи, партия ери бир, суви бир, дили ва дарди бир ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатлардан бир-биридан ажратиб, улар орасига тўғон қурди. Мазкур ҳолат туб аҳолининг бир неча минг йиллик бирлиги ва қудратининг парчаланишига олиб келиб «қизил империя»нинг зўравонлигига қарши туриши мумкин бўлган кучларни барбод қилди. Натижада коммунистик партия осонлик билан Ўрта Осиё жумҳуриятларини амалда марказнинг, хусусан, РСФСРнинг таркибий қисмига айлантиришга муваффақ бўлди. Оқибатда мазкур жумҳуриятларда мустақиллик ва эркинликдан асар ҳам қолмади. СССР номи билан ниқобланган бу қалбаки Иттифоқ жумҳуриятларни талашга хизмат қилди, холос. Шунга қарамай, коммунистик партия СССРнинг ташкил этилишини Октябрь инқилобининг «буюк мўъжизаси» деб баҳолаб, кўкларга кўтариб, мақтаб келди. Ҳатто бу «буюк мўъжиза» эркинлик ва тенглик, фаровонлик ва адолат рамзи сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилинди. Ваҳоланки, унинг замирида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган мустамлакачилик ва миллий зулм сиёсати ётарди. Москвада СССРнинг «умумиттифоқ қозони» барпо этилиб унга Ўзбекистондан ва бошқа жумҳуриятлардан беҳисоб бойликлар ва турли-туман даромадлар йиғилаверди. Жумҳуриятларнинг ўша таги йўқ баҳайбат қозондан оладиган улуши бамисоли «денгиздан томчи» эди.

Коммунистик партия СССРнинг асл моҳиятини яхши англаган ҳолда уни фақат зўравонлик, қўрқитув, таъқиб ва кўзбўямачилик билан сақлаш йўлидан бориб ҳеч нарсадан тоймади. Бу борада партия аввало жумҳуриятлар раҳбариятини «гаҳ деса қўлга қўнадиган» қилиб олди. Ўз навбатида бу раҳбарлар ҳам ўз қўл остидаги катта-кичик раҳбарларга шундай муносабатда бўлдилар. Партия турли қарорлар ва кўрсатмаларни кўр-кўрона ва ўта итоаткорлик билан адо этувчи «сиёсий бошқарув доираси»ни онгли равишда шакллантирди. Бундай ҳолат раҳбар ходимларни мустақил фикр юритиш, ташаббускорлик ва жасоратдан маҳрум қилиб, фурсатдан фойданиб шахсий манфаат йўлида иш юритиш ва кўзбўямачиликларга ўргатди.

Коммунистик партия жумҳуриятлардаги миллийликни йўқотиш учун уларни кўп миллатли ўлкаларга айлантиришга қаттиқ бел боғлаб келди. Бу соҳада, айниқса, Ўрта Осиёда катта ишлар амалга оширилди. Иттифоқнинг турли томонларидан кўчириб келинган одамлар туб аҳоли орасига жойлаштирилди. Бундан мақсад вақти келиб, туб аҳолини бошқа халқларга аралаштириб юбориш эди, албатта. Айни пайтда, бу билан «кўп миллатли» жумҳуриятларда зарурат туғилса, истаган вақтда миллий низолар чиқариш кўзда тутилди. Шуниси ажабланарлики, жумҳуриятларнинг раҳбариятлари бундай «кўп миллатлиликнинг» мағзини чақмай, ҳатто уни фахр ила тилга оладиган бўлдилар.

Коммунистик партия қатъият билан динга қарши курашди, омманинг маънавий жиҳатдан қашшоқланишига сабабчи бўлди. Ҳолбуки, дин юксак одоб-ахлоқ рамзи сифатида кишилик жамиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Хусусан, Қуръони каримдаги ақидалар шу даражада ҳаётийки, улар миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир ихлосманд инсонда олий инсоний фазилатларнинг шаклланишига йўл очиб беради. Шу сабабдан ҳам, бу муқаддас асар юз йиллар илгари инглиз, немис, француз, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган эди. Ҳатто, машҳур рус шоири Қуръони каримга атаб махсус достон битгани ҳам маълум.

Шунга қарамай, ислом дини комфирқа томонидан қаттиқ таъқибга учради. Бундан мақсад ўзбекларни миллий анъаналар, юксак ахлоқий қадриятлар ва умуман неча минг йиллик маданиятдан маҳрум этиб, уни «совет турмуш тарзи» қолипида яшашга мажбур этиш эди. Бир ярим минг йилга яқин давр мобайнида маҳаллий халқ турмуш тарзига, авлодлар қон-қонига сингиб кетган эътиқодни қўпориб ташлаш асосий вазифа қилиб олинди. Дин пешволари «халқ душманлари» сифатида отилди, қамалди ёки бадарға этилди. Диний ва фалсафий асарлар ёқилди, улардан фойдаланиш тақиқланди. Араб имлосида битилган ҳар қандай асарни сақлаш хавф туғдиргани сабабли кўплаб қимматбаҳо китоблар девор ораларига беркитилиб сувоб юборилди ёки қабристонларга кўмилди. Мачит, мадрасалар харобага айлантирилди, айримлари эса турар жойларга мослаштирилиб, уларга Россиядан кўчириб келтирилганлар жойлаштирилди. Асрлар давомида мўмин-мусулмонлар учун муқаддас бўлиб келган мачитларга «ғайри дин»ларнинг кўчиб кириши маҳалламиз аҳли орасида йиғи-сиғи билан қарши олингани ҳануз кўз ўнгимизда. Бундай хатти-ҳаракатлар эътиқодли, жафокаш кишилар иззат-нафсини, энг аввало Ислом динини оёқ ости қилиш ва хўрлашдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Тўғри, кейинчалик Сталин динга бир оз йўл очиб берди, лекин бу «хўжа кўрсинга» қилинган иш эди, холос.

ҲОЗИРДА ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК туфайли ислом динига кенг йўл очилди, аммо ўртадаги катта узилиш даврини тўлдириш учун кўп йиллар ва улкан меҳнат талаб қилинади.

Совет даврида, хусусан, 20—50-йилларда тарихий ва маданий ёдгорликларга ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Маданий меросга бўлган бундай муносабат чоризм давридаёқ яққол кўзга ташланган эди. 1913 йили рус зиёлиларидан бири Вяткин Туркистон генерал-губернатори Самсоновдан Самарқанд ёдгорликларини томоша қилаётганида тарихий обидаларни таъмирлаш учун маблағ ажратишни сўраган. Бунга жавобан Самсонов рус давлати манфаати буларни сақлаб қолишни эмас, аксинча, қўпориб ташлашни талаб қилади, деб жавоб берган. Шу дақиқада генералнинг адъютанти «бунинг учун замбараклар ўқидан фойдаланиш даркор» деб қўшиб ҳам қўйган. Совет даврида ана шундай «замбарак ўқлари»дан фойдаланиб, юзлаб ажойиб ва бетакрор тарихий обидалар бузиб ташланди ва харобага айлантирилди. Турғунлик даврида тарихий ёдгорликларга муносабат анча ўзгарган бўлса-да, аммо марказ сайёҳликдан келадиган миллионлаб валюта пулларни ўзининг «тубсиз қозонига» бошқариб қўйди. Бундан сайёҳлик марказлари амалда ҳеч қандай наф кўрмади.

Мазкур мақолада ўтмишда мустақиллигимизни йўқотиш сабаблари ва бунинг ғоятда фожиали оқибатлари ҳақидаги айрим мулоҳазаларни баён этаяпмиз. Бундан мақсад ўз ватанига содиқ ҳар бир инсонни бу фожиалардан сабоқ олиб, президентнинг мустаҳкам таянчи сифатида ватан ҳимояси учун ҳамиша тайёр туришга даъват этишдир. Агар тарихдан сабоқ олинмаса, яна қулликка мубтало бўлиш ҳеч гап эмас.

Хўш, президент Ислом Каримовни қувватлашга асос борми?

Саволга жавоб беришдан олдин айтиш лозимки, масалани бу тарзда қўйиш ғайри табиий кўринади. Чунки бизда давлат арбобларини тайинлашда ва улар иш фаолиятини йиғилиш ва рўзномаларда очиқчасига ва холис таърифлаш тақиқланиб келди. Эндиликда бу одат тусига кириб бориши шу куннинг талабидир.

Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман, лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаман. Унинг фаолиятини, қилган ишларини тўла тасаввур қилиш учун кейинги йилларда ишлаган икки раҳбарнинг даврида юзага келган вазиятни ёдга олмоқ зарур. У вақтларда Ўзбекистонда шовинизмнинг кучайиши учун қулай шароит яратилди. Бунга кўп жиҳатдан мазкур раҳбарларнинг табиатан ўта жасоратсизлиги ва ожизлиги сабаб бўлди. Афтидан, улар халқнинг, умуман, Ўзбекистоннинг аҳволи нима бўлса бўлсин, лекин ҳокимият тепасида ўтирсак бас, қабилида иш юритдилар. Натижада шовинизм авжига чиқиб, халқимизнинг моддий ва маънавий турмушига катта путур етказилди. Марказ ва унинг жумҳуриятдаги ҳамтовоқлари ўзларининг ғайри қонуний ва халққа қарши ҳаракатларини партиянинг XVI пленуми қарори билан ниқобладилар. Улар бу қарор асосида тергов, қамаш ва қувғин қилишни жадаллик билан амалга ошириб бордилар. Кимки «пичоққа илинса», ўша ҳибсга олиниб, жавобгарликка тортилди.

Марказдан туяни чайнамай ютиб юборувчи «устоз раҳбарлар» Ўзбекистонга ёпирилиб келиб, прокуратура, суд ,милиция, туман, шаҳар, вилоят ва юқори ташкилотларда масъулиятли лавозимларни эгалладилар. Илмий муассаса, олий ўқув юртлари, колхоз ва совхозларда ва бошқа турли ташкилотларда махсус кўрсатмалар асосида комиссиялар кетма-кет фаолият кўрсатиб, «тирноқ остидан кир» қидирдилар. Халқнинг доддфарёди фалакка етди.

Шундай кескинлашган мураккаб бир шароитда Ислом Каримов сиёсий майдонга чиқди. У кишининг давлат режа комиссияси, молия вазирлиги ва вилоят раҳбарлигидаги фаолияти даврида тўплаган тажрибаси муҳим эди. Чунки иқтисод ва молияни яхши билганлиги учун уни марказ томонидан «тузоққа тушириш»нинг иложи йўқ эди. Жумҳуриятга шундай кишининг раҳбар бўлиши жуда зарур эди. Акс ҳолда, иш ҳозиргичалик ҳам юришмаган бўлур эди.

Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарликни бошлаганида унинг олдида ватанпарвар ва билимдон кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бўйнигача ботиб кетган жумҳуриятни ботқоқликдан қутқариш ва халқнинг эркин нафас олиб баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш вазифаси турар эди. Бу мураккаб ва оғир вазифани ҳали марказнинг сиртмоғидан чиқмасдан туриб амалга ошириш катта жасоратни, матонат ва билимни талаб қиларди. Ислом Каримов қисқа вақт ичида мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал қилиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Айниқса, ўзининг киндик қони тўкилган жойда бир парча ерга зор бўлиб юрган минглаб кишиларга ер берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Қашшоқлашган деҳқон оммасининг ҳаётини яхшилашга қаратилган бир қанча муҳим чоралар амалга оширилди. Эндиликда деҳқон меҳнатига яраша ҳақ олиш ҳуқуқини тобора эгаллаб бораяпти. Қишлоқ ва туман аҳлларини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин бир мақолада улар ҳақида батафсил тўхтаб ўтишнинг иложи йўқ.

Оғир иқтисодий аҳволга қарамай, маънавий ҳаётни юксалтириш тадбирлари адо этилаяпти. Халқ маорифи, олий ва ўрта таълимотга ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Бир қанча университетлар, олий ўқув юртлари ва бошқа билим масканлари очилди. Қоғоз танқислиги каби муаммоларга қарамай янги нашриётлар, рўзнома ва ойномалар таъсис этилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, миллий маданиятни ривожлантиришдаги ҳаракатлар ўта катта аҳамиятга моликдир. Ислом Каримовнинг давлатни бошқаришдаги замон талабига мос сиёсий-ҳуқуқий қадамлари диққатга сазовордир. У Иттифоқ тарихида М. С. Горбачевдан кейинги президентлик лавозимини эгаллаган иккинчи давлат арбобидир. Ўша вақтларда, Ўзбекистон ҳали марказ панжасида яшаётган бир пайтда Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этиш ва кафиллигини олиш мардликнинг ёрқин намунаси эди. Бу сиёсат ўзининг ҳаётийлигини шу даражада оқладики, аксарият қардош жумҳуриятларнинг бош раҳбарлари президентлик лавозимини олдилар. Ўзбекистонда президентлик лавозимини ўрнатиш шунчаки сиёсий-маъмурий ўзгаришгина бўлмай, унинг негизида жумҳурият мустақиллигини таъминловчи катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда халқаро алоқаларни ҳал қилиш ётарди.

Ўзбекистонни ташқи дунёдан ажратиб қўйган «темир қафасни» ёриш, халқаро майдонга чиқиш ва хорижий мамлакатлардаги ватандошларимиз билан яқиндан алоқа ўрнатиш сингари мураккаб масалалар ҳам амалга оширилмоқда.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, муҳим вазифаларнинг барчаси кўнгилдагидек бажариляпти, дейиш ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, жумҳуриятда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилди: биринчидан, чор ҳукумати ва совет даврида бўғиб ташланган сиёсий фаолиятни тубдан ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Бунга эришилса, халқда шундай бир мўъжиза куч шаклланадики, у ҳар қандай шароитга, хусусан, йўқчиликка, азоб-уқубатларга ва қаршиликка онгли равишда бардош бериб, мардонавор курашади ва ғалабага эришади. Натижада мустақиллик ва эркинлик метиндек мустаҳкамланиб, абадул-абад яшайверади.

Бироқ, жумҳуриятимизда «аввал иқтисод, сўнгра сиёсат» таҳликасида иш юритилаётир. Иқтисоднинг аҳамиятини инкор қилиш нодонликдир, албатта. Бироқ, уни сиёсий масалалардан юқори қўйиш катта хатодир. Маълумки, собиқ СССРда ва умуман «социалистик лагерда» оламда тенги йўқ табиий ресурслар, ишчи кучлари ва бепоён ерлар бўла туриб «садақа» сўрашгача келинди. Бунга халқнинг сиёсий фаолияти қўпориб ташланганлиги сабаб бўлди. Ҳозир тараққиёт чўққисига кўтарилган мамлакатларнинг аксарияти ўзларининг табиий бойликлари оз ёки умуман бўлмаса-да, халққа сиёсий ҳуқуқ ва эркинлик берилганлиги учун тобора илғорлашиб бормоқда. Бунга Япония яққол мисолдир. Бордию, иқтисод солинган тарозининг бир палласи босиб, иккинчи палласидаги сиёсат енгиллик қилса, у вақтда жамиятда мувозанат бузилади. Оқибатда жамият бамисоли ёғ босиб семирган, ҳафсаласиз, мудрайдиган, тепса тебранмайдиган одамга ўхшаб қолади. Бу тоифадаги одамларнинг устига миниб олиш жуда осон.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА сиёсий онг ва кураш шу даражада одамлар қонига сингиб кетганки, катта митинг ва намойишларнинг юзага келиши ҳеч гап эмас. Ҳатто бегона мамлакатда адолатсизлик содир бўлса ҳам улар ихтиёрий равишда унга қарши бош кўтарадилар. Қани, бизнинг халқнинг кўпчилик қисмини ўз манфаатларимиз учун ўрнидан турғазиб кўрингчи? Бундай ҳолга тушишда айб халқда эмас, балки узоқ вақтлар мобайнида мустамлакачилик гирдобида яшашимиз сабабдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир мева ва ноз-неъматларнинг пишиб етиладиган маълум мавсуми бор. Шунга ўхшаш халқнинг сиёсий фаолиятини шакллантиришга ва чиниқтиришга зарур шарт-шароитлар бўлиши керак. Ҳозир бизнинг жумҳуриятда худди шундай вазият мавжуд. Агар бу жуда қулай фурсатдан унумли фойдаланиб демократия ва ошкоралик асосида сиёсий онгни ҳамда сиёсий фаолликни халқнинг қон-қонига сингдирилмаса, кейинчалик уни қилишнинг нафи бўлмайди. Нақл қиладиларки, ёшликда ўзлаштирилган ҳунар ва билим тошга, ўрта ёшдагиси кесакка, қариликдагиси эса қумга ёзилади. Ҳозирда биз мустақилликка ва эркинликка асосланган сиёсий ҳаётнинг дастлабки йилларида, яъни ёшлигида турибмиз. Бу фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. Халқни сиёсий ҳаракат доирасига тортишда митинглар, намойишлар, матбуот, радио ва телевидениенинг аҳамияти каттадир. Бу соҳада, айниқса, «Шарқ юлдузи» ва «Мулоқот» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ва «Ёш ленинчи» рўзномаларининг қилаётган ишларини мамнуният билан кўрсатиб ўтиш лозим. Бироқ иш ҳали кенг қулоч ёйгани йўқ. Айниқса, радио ва телевидение орқада қолмоқда. Буни қарангки, телевидение одамларнинг ғишт тераётгани, трактор ҳайдаётгани, чўчқа боқаётгани, лавлаги кавлаётгани, қўй боқаётгани ёки сигир соғаётгани, узум ёки карам узаётганини тўхтовсиз кўрсатади. Бунга сарфланган эссизгина вақтлар, маблағлар ва оворагарчиликлар! Агар қишлоқ хўжалиги рўзномалар, радио ва телевидение орқали рағбатлантирилиб ривожланадиган бўлса эди, турғунлик даврида у энг тараққий этган соҳа бўлиб қоларди. Негаки, уларда эртаю-кеч нуқул қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз юритиларди.

Демократия ва ошкораликни сиқиш «миллий низо»ларга йўл қўймаслик ва «барқарор шароит»ни таъминлаш баҳонаси остида олиб борилди. Аслида эса жумҳуриятда диктатура белгилари кўзга ташланди. Бу ҳолат марказга шу даражада ёқдики, давлат тўнтариши вақтида Янаев уни мамнуният билан халқаро матбуот йиғилишида жаҳонга маълум қилди. Биздаги айрим масъул раҳбарлар эса чуқур ўйламай «барқарор вазият»дан фахрланиб гапирдилар.

Сиёсий жанговарлик жамиятга ҳаво билан сувдек зарур. Тарихда унга эришмоқ учун кўпдан-кўп қонлар тўкилган. Унинг учун кўрилган қурбонликлар ва иқтисодий талафотлар пировардида ўзини тўла оқлайди. Йўқчилик ва шароит барқарорсизлиги ўткинчи нарса, лекин сиёсий фаоллик ва жанговарлик бўлмаса, ҳар қандай шароитда қулликка мубтало бўлиш турган гап. Халқимиз жаҳон воқеаларидан деярли бехабар қолмоқда.

Ўзбек халқи жаҳоннинг фақат моддий эмас, балки сиёсий ҳаётидан яқиндан хабардор бўлгандагина ҳар томонлама ривожлана олади. Бу масалани тенг равишда халқимиз онгига сингдириш фойдадан холи эмас.

Умуман, иқтисодий ва сиёсий вазифалар муносиб равишда изчиллик билан амалга оширилгандагина мўлжалланган марраға етилади. Бордию, сиёсий фаоллик ва жанговарлик сусайиб орқага кетса, кўнгилсиз ҳодисалар рўй беради. Негаки, «кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек, вақти келиб зарурият туғилса, сиёсат машқини ўтмаган халқнинг бирлашуви ва «жанг»га отланиши ҳам қийин бўлади. Бу ерда бамисоли учувчилик ҳунарини билмаган кишини самолёт бошқаришга мажбур этиб, ҳалокатга учратганга ўхшаш ҳолат содир бўлади.

Сиёсий фаолиятнинг сустлиги шунга олиб келмоқдаки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши катта тарихий воқеа ҳисобланган бўлса-да, лекин уни изчиллик билан амалга ошириш сезилмаётир. Ўтказилаётган кенгашлар ва рўзномаларда мақолаларнинг чиқиши яхши-ку, амалий чоралар етарли даражада эмас. Бу кетишда белгиланган муддатда ўзбек тилининг чинакам давлат тили бўлиши қийин. Ҳозирданоқ шаҳарлардаги шароити кўтарадиган корхоналарда ўзбек тилида иш юритишни график асосида бошлаб юбориш керак.

Қисқаси, демократия ва ошкоралик йўлидан илдамроқ боришимиз даркор. Янги тузилаётган партия ва ҳаракатларнинг тўғри йўлга кириб олишларига, оёққа туриб фаолият кўрсатишларига яқиндан кўмакдош бўлмоқ лозим. Тажриба шуни исботладики, фақат ҳуқуқий ва демократик асосларда қурилган жамиятда чинакам тараққиёт содир бўлади.

Иккинчидан, раҳбарият томонидан берилаётган ва матбуотдаги маълумотларга кўра, табиий бойликларимиз, хусусан, олтин ва уран каби ноёб маъданлар, собиқ иттифоқ қарамоғидаги йирик саноат корхоналари тақдири масаласи аниқ ва узил-кесил ҳал бўлмаган. Мазкур манбалардан келаётган миллиард-миллиард сармоялар қўлдан чиқиб кетаётгани ҳар бир ватанпарвар ва эркпарварни ташвишга солиши аниқ. Пахтани ўзимиз сотаяпмиз деб, олтин ва уран масаласидан чалғиш ё чалғитиш ўта зиёндир. Табиий бойликларимизнинг, барча саноат корхоналарининг амалда ва тезда ўз тасаррруфимизга ўтиши мустақиллигимизни таъминловчи ва халқаро доирага тортувчи асосий омиллардан эканини ёддан чиқармаслик даркордир. Мазкур масалаларни ҳал этишда матбуот, радио ва ойнаи жаҳон имкониятларидан фойдаланиб, ўз ҳуқуқларимизни баралла талаб қилмоғимиз, халқни жалб этмоғимиз муҳим, деб ўйлаймиз.

ХУЛОСА ШУКИ, ЖУДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА Ислом Каримов бошлиқ жумҳурият раҳбарияти, халқ депутатлари ва зиёлилар вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон мустамлакачилик сиртмоғининг узоқ занжирини узди ва мустақиллик ҳамда эркинлик йўлига отланди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўкач қилавермай, «бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмасдан» қўлга киритилган тарихий ютуқларнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун билиб, биргаликда курашни мардонавор давом эттирайлик.

Мен шахсан Ислом Каримов ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман.

Келинг азизлар, сиёсий-иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда президент атрофида метиндек жипслашайлик. Тарих бизга кулиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик!

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Сулаймон АЗИМОВ:

РУҲНИ ИЛИТГУВЧИ ЧЎҒ

20-ЙИЛЛАРДА МАОРИФ УЙИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН ЭДИ

БИР ВАҚТЛАР Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасида — Чорсуда Маориф уйи бўларди. У бир қаватли кўримсиз бинода жойлашганди. Атрофи сершовқин бозоржой. Бино кираверишида чойхона, шу аснода кутубхона, қироатхона, суҳбатлашадиган хоналар. Бу даргоҳ доимо гавжум бўлиб, зиёлилардан тортиб йирик амалдорларгача кўриш мумкин эди. Маориф уйининг кутубхонасига ўша вақтда Озарбойжон, Бошқирдистон, Татаристон сингари туркий республикалардан рўзномалар, жаридалар ва турли китоблар келиб турарди. Ҳатто янги дарсликларгача юбориларди. Ўз навбатида бизда чиқаётган нашрлар ҳам бошқа республикаларга жўнатиб туриларди. Кишилар бу ерга асосан мутолаа қилиш, суҳбатлашиш, баҳслашиш учун йиғилишарди. Матбуотда эълон қилинган неки янги асар ёки фикр бўлса қизиқиб ўқиб, ўз муносабатларини билдиришарди. Ҳеч бир чиқиш улар назаридан четда қолмасди. Айниқса Қодирийнинг «Муштум» журналида чоп этиб борилган «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак махсумнинг ён дафтаридан» каби чиқишлари кўпроқ мунозарага сабаб бўларди.

Мен ҳам кутубхонадан кўп фойдаланардим. Масалан, Ғарбдаги аёлларнинг аҳволи ҳақидаги «Кооператив фаласинда қодининг вазияти» китоби менга қаттиқ таъсир қилганди. Кейинчалик билсам, бу Август Бебелнинг озарбойжон тилига ўгирилган «Аёл ва социализм» деган асари экан. Наара Вўруссанинг француз тилидан озарбойжончага таржима қилинган «Осиёнинг уянмаси»ни, Хўжа Насриддиннинг «Қўммунист» газетасида чоп этилган пьесаларини, татар халқининг буюк адибларидан Олимжон Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар», «Қозоқ қизи», «Теран томирлар» романларини, «Татар қизи нелар кўрмай» қиссасини, Ҳоди Тоқтошнинг «Ўроқчи қиз поямаси»ни, Шомил Усмоннинг «Помирдан радио»сини, бошқирд ёзувчиси Айнан Хайрининг асарларини қўлдан қўймай ўқирдим. Негадир Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларидан рўзнома, жарида ва китоблар жуда кам келарди. Менимча, бунинг сабаби 20-йилларда уларда матбуот эндигина ривожланаётганидан бўлса керак.

Шу йиллари ҳамма йиғилиш ва мажлислар Маориф уйида бўлар эди. Қатнашаётганлардан ким нимани хоҳласа шуни гапирарди. Эркинлик кучли эди. Биров бировга қаршилик қилмасди. Энг қизиғи, сўзловчилар фикрларини аввалдан қоғозга тушириб ўтиришмасди. Чунки нима дейишингни олдиндан ёзиб бер ёки фалончига тасдиқлатиб кел, деган қарашлар йўқ эди. Кимларнинг чиқиши илгаридан белгилаб қўйилмасди. Раҳбарларнинг камчилиги бўлса, йиғилишда юзига очиқ-ойдин айтишарди. Ва ундан келгуси мажлисда ҳисобот беришини талаб қилишарди. Ўша раҳбар кейинги йиғилишда албатта қайта чиқиш қилиб ҳисобот берарди. У вақтда раҳбарлар асосан халқ ичида юришарди. Партия ташкилотлари ҳам тор уюшма эмасди. Энг асосийси раҳбарликка даъвогарлик қилиб халқ устига чиқиб олмаганди. Партия сафига энг камбағал ва ғамхўр кишиларгина қабул қилинарди. Шу сабабли ҳам улар элга қайишишарди. Бора-бора бу одат ўзгарди. Партия ғамхўр кадрлар эмас, амалга ўч бюрократларни тарбиялай бошлади. Натижада таназзулга юз тутди. Халқни очликка олиб келди.

Маориф уйига оқил кишилар келарди. Уларда бир-бирига нисбатан ҳасад, ғараз йўқ эди. Бутун суҳбатлар, баҳслар фақат адабиёт, санъат хусусида бўларди. Келгувчиларнинг ҳеч бирида на медаль, на орден бор эди. Ҳаттоки четдан қараган одамга ким амалдору, ким оддий зиёли эканлиги сезилмасди. Мен уларнинг ёрқин хотирасини ёд этиб, айримларини тилга олиб ўтмоқчиман. Мажид Қодирий техникум мудири. Араб, форс, рус тилларини яхши билган. Собиржон Содиқов маданият ва маориф ходимлари қасаба уюшмасининг раҳбари, яхши нотиқ. Шокиржон Раҳимий, 20-йилларда «Совға» номли китоби нашр этилган. Ўша даврда минг-минглаб ўзбеклар шу китобни ўқиб саводини чиқарган. Лекин маорифимизнинг заҳматкаши, фидойиси бўлган инсон бугунга келиб деярли ёддан чиқиб кетди. Чунки унинг хизматлари қадрини топмади, етарли баҳоланмади.

Йиғилишларда тез-тез қатнашиб ўзининг дадил фикрлари билан кўпчиликка таъсир қиладиган фаол аёллардан бири Хосият Тиллахонова эди. У гўзал шеърлар ёзарди. Комилжон Алиев «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири. Архитектор Воҳид Жаҳонгиров, Эски шаҳарадаги муаллимлардан Абдужаббор Сиддиқий, Собиржон Раҳимий, Арслон қори Валиев, партия соҳасида ишловчи Нури Алим, шоир Йўқсул, ёзувчи Санжар Сиддиқ, Эски шаҳар комсомол қўмитаси котиби Иқбол Акбархўжаева, Маориф халқ комиссари Мирмуслим Шермуҳамедов сингари ўнлаб зиёлилар тез-тез келиб туришарди. Буларнинг айримлари 37-йилларда Сталиннинг қонли диктатураси қурбони бўлишди.

20-йилларда Маориф уйининг аҳамияти жуда катта эди. Гўё у ёниб турган чўққа ўхшаб ўз тафти билан кишилар қалбини, руҳини илитарди, онгини ёритарди. Ҳозир зиёлилар йиғилишиб суҳбатлашадиган, баҳслашадиган жойлар йўқ. Қолаверса, кўпчиликнинг иштиёқи ҳам сўнган. Бу нарсани хоҳловчилар эса шароит, имконият йўқлигидан ноилож юрадилар. Ахир кишилар бир-бирлари билан қанча кўп суҳбатлашсалар, баҳслашсалар, шунча кўп фикрлари бойиб, теранлашиб боради-ку! Тез-тез учрашиб турилса, ўртада меҳр-оқибат пайдо бўлади. Мен ўша йиллар ҳақида гапираётганда кишилар ўртасидаги ҳурмат ва оқибатни хурсандчилик билан қайта-қайта таъкидлашни яхши кўраман. Шу кунларда ҳам авлодларимизнинг ажойиб одатлари қайта тикланиб, зиёлилар бир ерга йиғилишиб юз кўришиб туришларини жуда хоҳлар эдим.

М. СОДИҚОВ ёзиб олди.



Енгилмас томирлар

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

ОЙДИН ЙЎЛ

Қутлаймиз!

Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон мусиқали драма ва комедия театри томошаларини анча йиллардан бери кузатиб келаман. Андижонлик санъаткорларнинг оддий қишлоқ клубларида, дала шийпонларида, меҳнат коллективларидаги чиқишларига кўп бор гувоҳ бўлганман. «Нодира», «Лайли ва Мажнун», «Бой ила хизматчи» каби спектаклларнинг андижонча, ўшча, фарғонача ёки наманганча талқинларини бир-бирига қиёслаган пайтларим ҳам бўлган.

Бозор иқтисодининг залворли чўқмори театр имкониятларини ҳам аёвсиз чеклаб қўйди. Битта асарни саҳнага олиб чиқиш, пойтахтга келиб томошабинларга ҳисоб бериш мушкул иш бўлиб қолди. Шу боис имкон туғилди дегунча водий саҳналарига ошиқаман.

Андижонда театр ташкил этилганига 70 йил тўлди. Андижон саҳнаси санъатимизнинг Лутфихоним, Тамарахоним, Шаҳодатхоним, Аббос Бакиров, Тўхтасин Жалилов, Сойиб Хўжаев каби ёрқин юлдузларига бешик бўлди. Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Тожизода, Мукаррама Азизова, Шаҳодат Раҳимова, Машраб Юнусов каби яна неча ўнлаб санъаткорлар ўз фаолиятларини шу ерда бошлаганлар. Восит Саъдулла, Ҳошимжон Раззоқов, Азимий, Карим Аҳмадий каби драматургларнинг энг сара асарлари театр доврўғига доврўғ қўшди.

Юбилей тантаналари бир неча кун давом этди. Вилоят маданият бошқармаси (бошлиғи Иброҳимжон Олимов) тўйбошиликни ўрнига қўйди: аввало марҳум санъаткорларнинг хотираси ёдга олинди, кейин юртга ош тортилди. Театрнинг «Заҳарли ҳаёт», «Фарғона фожиалари», «Ҳалима» каби илк спектаклларини кўрган кекса томошабинлар саҳна заҳматкашларини самимий муборакбод этишди.

Якунловчи йиғинга Тошкент, Наманган, Фарғона, Қарши театрлари санъаткорлари, Республика Маданият Вазирлиги, Театр арбоблари ва Композиторлар уюшмаларининг раҳбарлари меҳмон бўлиб келишди. СССР халқ артистлари Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, таниқли санъаткорлар Толиб Каримов, Теша Мўминов ва бошқалар ҳамкасбларини қутлаб, Ҳамза театри саҳнасида маҳорат билан ўйналаётган «Алишер Навоий», «Отелло», «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», «Ўғрини қароқчи урди» каби спектакллардан парчалар намойиш этишди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Қаюм Холмирзаев театр ижодий жамоасини қизғин муборакбод этди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳаррири, Республика Маданият вазирлиги ҳайъатининг аъзоси Аҳмаджон Мелибоев бир гуруҳ санъаткорларга вазирликнинг Фахрий ёрлиқларини топширди. Бастакорлар уюшмасининг раиси Аҳмад Жабборов, Театр арбоблари уюшмасининг масъул ходимаси Насиба Усмонова театр ижодий жамоасига эсдалик совғалари ҳадя этишди. Таниқли санъаткорлар Гавҳархоним ва Лизахоним Петросовалар марҳум Тамарахонимнинг рақс либосларидан намуналарни театр музейига ҳадя этдилар.

Кеча сўнггида ёшлар ижросида «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклининг янги талқини намойиш этилди. Пойтахтлик санъаткорларнинг театр юбилейига бағишланган катта программалари ҳам шу куни намойиш этилди.

Андижон театрини саҳна санъатимизнинг маҳорат мактабига кўп бор қиёс этишган. Жавлон Тошхўжаев раҳбарлигидаги бугунги ижодий жамоа бу қиёсга чиндан ҳам арзийди. Чунки Қамара Бурнашева, Малоҳат Исоқова, Азиза Аминова, Маърифат Убайдуллаева, Ғуломжон Ҳожиқулов, Ҳошимжон Олимжонов каби етук устозлар изидан Маткарим Болтабоев, Абдуллажон Ғафуров, Назира Ҳакимжонова, Шарофат Тожибоева, Мухтасар Йўлдошева, Ҳабибулло Юнусов каби истеъдодли ёшлар келишмоқда.

Йўлингиз ойдин бўлсин, андижонлик санъаткорлар!

А. ОҒАЛИЕВ

«БИРИ КАМ ДУНЁ»

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрида истеъдодли олим ва ёзувчи Илҳом Ҳасановнинг «Бири кам дунё» фожеий комедияси саҳналаштирилди. Ҳаётдан эрта кўз юмган ёш талант соҳибига ўз асарини саҳнада кўриш насиб этмади. Асарни театрнинг бош режиссёри Равшан Ёриев саҳнага қўйган. Саҳна безакларини рассом Зокир Қобилов ишлаган.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нусрат Ҳожиев, Гулбаҳор Мамедова, Икром Хонимқулов, актёрлардан Мўътабар Ёриева, Гулнора Ризаева, Зарип Зоиров, Шамсиддин Эргашев, Асрор Жумаев, Анвар Қаршибоев ва бошқалар маҳорат билан ижро этмоқдалар.

А. ҲОШИМОВ

«ОДОБНОМА»

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида драматург ва режиссёр Омон Шарифнинг «Одобнома» деб номланган оят ва ҳадислардан иборат томошаси саҳналаштирилди. Уни муаллифнинг ўзи саҳнага қўйган. Бош маслаҳатчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси фатво бўлими мудири, Тошкент вилояти муфтиси Абдулазиз Мансур ўғли. Мусиқани Собир Содиқ ўғли танлаган. Саҳна безакларини Галина Евманакова ишлаган. Томошада актёрлардан Тоҳир Мирали ўғли, Акром Икром ўғли, Воҳид Қодир ўғли, Маъруф Воҳид ўғли, Муҳаббат Шаҳобиддин қори қизи, Матлуба Собир қизи, Маъсуда Рўзибой қизи ва бошқалар фаол қатнашмоқдалар. Томоша премьераси театрдан ташқари Сурхондарё ва Бухоро вилоятларининг мактабларида, ўрта махсус билим юртларида, жамоа хўжаликларида бўлиб ўтди.

СЕРЖИЛО ЧАШМА

ҚЎҚОН ШАҲРИДА КАТТА АШУЛА ВА ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАРНИНГ III ЖУМҲУРИЯТ КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

ЎЗБЕКИСТОН маданият вазирлиги, жумҳурият маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти маркази ташкиллаштирган бу кўрик туфайли халқимизнинг унутилиб кетаётган миллий санъат турларининг тикланиши анъанавий тус олмоқда.

Халқ ижодиёти ҳамма замонларда барча санъаткорларга илҳом булоғи бўлиб келган. Ана шу булоқ умрини узайтириш, келажак авлодларга кўзини беркитмай етказишда халқ оғзаки ва ҳаваскорлик ижодиёти катта ўрин тутади. Бунда мутасадди ташкилотларнинг кейинги йилларда ана шу соҳани ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, оилавий ансамблларнинг халқ ижодиёти доирасида ўтказилаётган кўрик-танловлари таҳсинга лойиқдир. Ўзбек миллий санъатининг кўп турлари тарихан оилавийлик асосида ривожланиб келган бўлса ҳам, оилавий ҳаваскорлик ижодиёти, деган сўзлар ҳозирги давримизда ўзгача маъно касб этиб, янгиликдай қабул қилиняпти. Ҳозирда мунтазам ўтказиб келинаётган «Алла», «Тўй маросимлари қўшиқлари», шоир-бахшилар, миллий цирк усталари, дорбоз-полвонлар, катта ашула, фольклор жамоалар, аскиячилар ва бошқа кўрик-танловларда ҳам оилавий иштирокчилар муҳим ўрин тутади.

Лекин қўшиқ, рақс ва мусиқа санъатини ўзида мужассам этган оилавий ансамбллар кўрик-танлови жумҳуриятда биринчи бор халқ ижодиёти фестивали доирасида 1987 йили Тошкент шаҳрида, иккинчи бор 1989 йили Наманган шаҳрида катта ашулачилар билан биргаликда ўтказилган эди. Ўзига хос янгилик бўлган ўша йиллардаги кўрикларда фарғоналик Шерқўзиевлар, Ғойиб ота Тўйчиевлар, наманганлик Маллабоевлар, қашқадарёлик Исҳоқовлар, қорақалпоғистонлик Оллошукуровлар оилавий ансамбллари ғолиб топилган эдилар. Катта ашула бўйича ҳам янги ғолиблар аниқланган эди. Қўқон шаҳрида ўтган навбатдаги жумҳурият катта ашулачилар ва оилавий дасталар кўрик-танлови ҳам ғоят қизиқарли ўтди. Маданият вазирлигининг маданий-маърифий муассасалар бошқармаси бошлиғи Карим Азимов қатнашувчиларни ва йиғилганларни табриклади. Шундан сўнг ҳакамлар ҳайъати раиси, СССР халқ артисти Саодат Қобулова кўрик-танловни ўтказиш ҳақидаги низомни тушунтириб, барча иштирокчиларга омад тилади.

Миллий услубда чиройли безатилган саҳна кўрик-танловга алоҳида кўрк-тароват бағишлаб турди. Беллашувни биринчи бўлиб катта ашулачилар бошлаб беришди. Бухоролик Ғойибов ва Содиқовлар «Айрилдим» катта ашуласи билан чиқишлари қувонарли ҳол бўлди ва кўпчиликда яхши таассурот уйғотди. Жиззахлик Муродов, Ҳасановларнинг чиқишлари ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмади. Бу йилги танловда Сурхондарёдан бўлак вилоятларнинг барчасидан ҳаваскорлар қатнашиб, ўз санъатларини намойиш қилдилар. Катта ашула бўйича аёлларнинг чиқишлари кўпчиликка янгилик бўлиб, катта қизиқиш уйғотди. Тошкент вилояти, Бекобод туманидан келган Муҳаррам Самадова ва Назира Бўрибоевалар «Оҳ ким, раҳм айламас» катта ашуласини маромига етказиб айтганларида водийлик устоз катта ашулачилар — Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов, Ғойиб ота Тўйчиев, Абдулатиф Ҳолдоров ва бошқалар тасанно, деб уларнинг ижросига юксак баҳо беришди. Шундай қилиб катта ашула бўйича биринчи ўрин берилмаган бўлса ҳам, аммо иккинчи ўрин бекободлик Н. Бўрибоева ва М. Самадовага, учинчи ўрин бувайдалик Ғойиб ота Тўйчиев билан шогирдларига насиб этди.

Кўрик-танловнинг қизиқарли ўтишига катта ҳисса қўшган оилавий ижодкорлар ҳақида кўпроқ тўхталишга тўғри келади. Зотан, ҳар бир оилавий ансамблнинг ўзи алоҳида бир мактаб деса арзигулик. Уларнинг кўпчилигида 4 ёшлик жажжи невараларидан тортиб, 70 ёшни қоралаган буви-бувaларигача қатнашиб, фидойилик билан халқ ижодиётини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Кўрик-танловда оилавий ансамбль иштирокчиларининг энг кам сонлиси саккиз кишидан иборат бўлса, китоблик Қурбоновлар, наманганлик Шамсиддиновлар, тўрткўллик Оллошукуровлар, боғдодлик Йўлчиевлар оилавий ансамбллари йигирма ва ундан ортиқ аъзолари билан қатнашишди. Ҳар бир вилоят ансамблларининг кийимлари ўзига хос, қўшиқ ва рақслар, куйлар жозибаси ҳам ўзгачадир. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида умумий бир яқинлик, ҳамжиҳатлик, бирлик, ҳар бир ўзбек оиласига хос урф-одатлар сезилдики, бу фақат буюк Туркистон халқларига мос маънавий бутунликдир.

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Тиллабоевлар оилавий дастасининг жажжи иштирокчилари

Оилавий ансамбллар ижроси бўйича ташкилий қўмита битта биринчи, битта иккинчи, иккита учинчи ўринлар белгилаб қўйганига қарамай, ҳакамлар ҳайъатининг илтимосига биноан бироз ўзгартишлар киритилди. Сабаби, ҳакамлар ҳайъати уларни баҳолашда жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Қизғин тортишувлардан сўнг Саидовлар (Самарқанд вилояти, Ургут тумани) ва Каримовлар (Хоразм вилояти, Хива шаҳри) оилавий ансамблларига биринчи ўрин, бувайдалик Сиддиқовлар ва ургутлик Ҳакимовлар оиласига иккинчи, Андижон вилояти Хўжаобод туманидан Тиллабоевлар ва Тошкент вилояти Оққўрғон туманидан «Тўрғай» номли Қурбоновлар болалар оилавий ансамблига учинчи ўрин насиб этди.

Бухоролик катта ашула ижрочилари

К. МИРЗАЕВ суратга олган

Шу ўринда «Тўрғай» номли Қурбоновлар болалар оилавий ансамблига алоҳида тўхталишни лозим топдик. Бу ансамблнинг энг катта қатнашчиси ҳамда раҳбари 17 яшар Алишер Қурбонов бўлса, энг кичик ижрочилари Салимахон 4 ёш, Сайёрахон 5 ёш, Орифжон 6 ёшда. Улар «Наврўз байрами» композицияси яратиб, болалар ўйинлари, айтишувлари, курашлари, фольклор қўшиқларидан иборат дастурда чиқишди. Чолғулардан асосан доира ва сурнай жўрлигида чапак чалиб, бешқарсак усулида 14 иштирокчи ўзларини саҳнада имкон қадар эркин тута билдилар. Орифжоннинг ҳар бир сўзга, оҳангга мос рақс ҳаракатлари, ўзига ярашиб турган муқомлари, санъат усталарию шинавандаларининг гулдурос олқишларига сабабчи бўлди.

Мана, икки кунлик ижодий беллашувдан сўнг нуфузли ҳакам ҳайъати ўринлар ҳамда совриндорларни аниқлади. Қолган қатнашувчиларга ҳам турли совғалар, фахрий ёрлиқлар ва раҳматномалар топширилди.

Шу ўринда ижодий кўрикни ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказилишида, 150 га яқин иштирокчиларнинг маиший турмушини таъминлашда жонбозлик кўрсатган Қўқон шаҳар маданият бошқармаси мутасаддиларига миннатдорчилик билдириш жоиздир.

Албатта, ҳар қандай кўрик-танлов ижодий ва бошқа беллашув-мусобақаларда бўлганидек, ғолиблардан ташқари бошқа қатнашчиларда ҳакамлар ҳайъатидан бироз норозилик кайфиятлари сезилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир иштирок этган оилавий жамоанинг ўзи бир олам. Шунинг учун уларнинг ижроларини баҳолашда анча қийинчилик бўлган. Шу сабаб ҳам халқ ҳаваскорлик ижодиёти у ёки бу турида қатнашувчиларнинг, айниқса, оилавий ансамблларнинг ижроларини баҳолашда бир мунча аниқликлар киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, бундан кейинги кўриклар низомида улар анъанавий миллий мусиқий чолғулар жўрлигидаги ашула ва рақс ансамбллари йўналиши ёки фольклор халқ оғзаки ижодиёти йўналишига бўлинадими, аниқ белгилаб қўйиш керак. Бизнингча, уларни бир-биридан ажратиш нотўғри бўлади, шунинг учун низомда аниқ вақтни кўрсатган ҳолда, иккала йўналишдаги ижроларнинг ҳар кўринишига иккита ё учтадан ҳисоб берилиб, умумий берилган вақтни ва ижрони ҳисобга олган ҳолда баҳолаш лозим бўлади.

Иккинчи таклифимиз шуки, ҳар бир вилоятдан фақат биринчи ўринни эгаллаганларнигина жумҳурият миқёсидаги кўрикка тавсия этиш шарт, деб низомга киритиш керак ва босқичли танловларнинг вақтини анча олдин белгилаб, барча хоҳловчиларнинг қатнашишларига йўл очмоқ лозим.

Ўйлаймизки, бундай саволлар ўз ечимини топади, албатта. Маданият вазирлиги, жумҳурият халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази ходимларига эса бундай хайрли ишларни амалга ошира бориб, маданий бойлигимизни ривожлантираётган фидойилар меҳнатини юзага чиқарадилар.

Миробид ИНОЯТОВ

«ЎЗНИ ЎТДА МИНГ БОР ЁҚАМАН»

Ёш ва умидли хонанда Асатилло Холиқов қўшиқларини кўпдан буён кузатиб, тинглаб келаман. Ўз овози ва ижро йўлига эга. У раҳбарлик қилаётган «Манзур» ансамблининг чиқишлари тингловчиларга ҳақиқатан манзур бўлмоқда. Бу ҳам Асатиллонинг хизмати.

Истагим: у янги-янги қўшиқлари билан халқимизнинг эркин нафас олишига, ҳаёти гўзаллашиб, маънавий бойишига ўз ҳиссасини қўшсин. Асатиллонинг муштдай юрагида катта дарди бор. Бу дард уни ҳеч қачон тарк этмасин.

Шерали ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти, Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати

Суҳбатларимизнинг бирида хонанда Асатилло Холиқовнинг куюниб шундай деганлари ёдимда:

— Биз, ёшлар орасида ашулачи бўламан, деганлар жуда кўп. Улар ўз хоҳишларини яхши ниятлар билан боғлаб маданиятимизга, қўшиқчилик санъатимизга сидқидилдан меҳнат қиламан, деб ошиқадилар. Лекин айрим ёшлар ўз хоҳишларига тескари йўл тутаяптилар. Энди қўлингизга тор олиб, микрофон олдида туриб, бақириб-чақириб ашула айтсангиз ҳурмат ва иззатдасиз, чўнтакларингизга пуллар ўз-ўзидан оқиб келаверади. Минг афсуски, бу нохуш ҳол яхшиликка олиб келмайди. Ҳақиқий халқ ҳофизларимиз Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ориф Алимахсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев обрўйига, уларнинг ўлмас санъатига, бу ҳаваскор ашулачилар путур етказаётганликларини ўзлари билармиканлар?.. Нима учун хонанда тўй-ҳашамга ташриф буюради, нима учун қўлига тор олади, нима учун халқ орасига кириб ашула айтгиси келади? Бу саволлар мени кўп ўйлантиради ва ҳамиша уларга жавоб топишга интиламан...

Асатиллонинг бу юрак сўзлари унинг ижод дастурига ўхшайди. Ҳар бир янги қўшиқ қатида бу сўзлар акс садо бериб туради. Яқинда унинг ижросида радио орқали берилган «Ўғлим, сендан бир сурат қолди» қўшиғини эшитиб, бир неча кун ҳаяжонда юрдим. Бу қўшиқ гўё юрагимга олов чўғларини солгандай янгради:

Мен суратга йиғлаб боқаман,
Алам дарёсида оқаман,
Ўзни ўтда минг бор ёқаман,
Ўғлим, сендан бир сурат қолди.

Кўзларимга санчилиб тикан,
Бу дунёдан бир кун ўтаман.
Суратингни олиб кетаман,
Ўғлим, сендан бир сурат қолди...

Қўшиқни тинглар эканман, кўз олдимга Афғонистонда ҳалок бўлган ўнлаб, юзлаб азамат ўзбек йигитлари, кўзларида ёш, қалблари қайғу-алам билан тўлган оналаримиз келади. Уларнинг фарёдлари юракларни ларзага солади, эзади... Хонанда катта дард, алам билан куйлаганда сиз ҳам беихтиёр суратни кўз олдингизга келтирасиз, юрагингиз эса йиғлайди...

А. Холиқов 1980 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтига ўқишга киради. Асатиллонинг бахти бор экан, у етук хонанда Ўзбекистон халқ артисти, профессор Асад Азимов қўлида таҳсил кўрди. Асад ака ўз шогирди ҳақида фахрланиб шундай дейди: «Асатилло жуда ўзига талабчан йигит. У шошма-шошарлиқ қилмай, олдида турган вазифани ҳар томонлама ўйлаб бажаради, ўз овозини ниҳоятда авайлайди, дуч келган ерда бекорга ашула айтавермайди. Гапнинг очиғи, Асатиллога ўхшаган талабаларни ҳаётимда кам учратганман. У ўз ишига, орзу-ниятларига ўта содиқ йигит». Кўпни кўрган устознинг ўз шогирди ҳақидаги яхши сўзларига қўшилмай илож йўқ.

А. Холиқов институтни тамомлаб Олим Хўжаев номидаги Сирдарё мусиқали драма ва комедия театрида ишлай бошлади. Тез орада театрнинг етакчи актёрлари қаторига қўшилди. У театрда саҳналаштирилган янги спектаклларда Шаҳзода («Ричард III»), Омон («Шум бола»), Ҳидоят («Майсаранинг иши»), Мунажжим («Алишер Навоий»), Мулла Салоҳ («Ҳийлаи шаърий») сингари ранг-баранг образларини яратишга муяссар бўлди. Изланиш ва қизғин меҳнат унинг ҳаёти мазмунига айланди. Лекин театрдаги осойишта муҳит Асатиллони қониқтирмади. Шу боис ҳам ўзига ўхшаган ғайратли ёш созанда ва хонандаларни, рақкосаларни атрофига йиғиб, 1989 йили вилоят маданият бошқармаси қошида «Манзур» ашула ва рақс ансамблини тузди. Бошқарма бошлиғи Акбарали Мирзааҳмедов эса, бу ишни қўллаб-қувватлаб хонандага амалий ёрдам берди.

Илк қадам

Асатилло «Манзур» ашула ва рақс ансамблини тузар экан, ансамблнинг ижодий йўналиши, репертуари ҳақида кўп ўйлади, изланди. Тез орада ансамбль шаклланиб ўз мухлисларига эга бўла бошлади. У «Сирдарё», «Чорлов», «Ўғлим, сендан бир сурат қолди», «Аёл мадҳияси», «Умид» қўшиқларини яратиш билан бирга, Фузулий, Машраб, Увайсий, Фурқат ғазалларига мурожаат этди. Ҳар бир ғазалга ўз оҳангини, мусиқий оқимини топишга ҳаракат қилди. Ёш ижодкорнинг бетиним изланишлари ўзининг сара меваларини ҳам бера бошлади. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Кўрмадим» ғазали хонанда ижросида чуқур лирик йўналишга эга бўлиб, қаҳрамоннинг драматик ҳолатларини, кечинмаларини тўлиқ очиб беради. Бу йўлда А. Холиқов устоз ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаев маслаҳатларидан оқилона фойдаланди.

Яқинда Халқлар дўстлиги саройида «Манзур» ансамблининг концерти бўлиб ўтди. Бу ансамбль билан бирга А. Холиқов учун ҳам жиддий имтиҳон бўлди. Ўзбек қўшиқчилик санъатида ўз йўлини излаётган умидли хонанданинг ҳали бундай имтиҳонлардан кўп марта ўтишига ишонамиз.

Аҳмаджон РАҲИМОВ

СУРАТДА: Ёш хонанда Асатилло Ҳолиқов

К. РОМЕЕВ суратга олган

ТАДБИРКОРЛИК КАЛИТИ

ЁКИ «НАВРЎЗ» ҲИММАТИ

Замон ақл билан иш кўрадиган тадбиркорлар, ширкатчилар, ишбилармонлар йўлига кўк чироқ ёқиб қўйди. Лекин бу беш панжани (айримлар ўнта панжасини) бирданига оғизга тиқиб, қинғир йўллар билан бойлик орттириш эмас. Тошкентдан шакар ёки «Фанта» ичимлигини узоқ вилоятга олиб бориб, беш баробар қиммат нархда сотиши билан ҳеч ким «кооператор» бўлиб қолмайди. Бу олиб-сотарликнинг энг жирканч усули. У тумандан бу туманга ёки у қишлоқдан бу қишлоққа бориб, пиёзни кимошди савдосида сотиш ҳам ишбилармонликка кирмайди. Хуллас, бу йўлларда ҳали кўп адашишларга, алданишларга, ғирром тадбиркорлару нўноқ ишбилармонларга дуч келишимиз табиий...

Дастлабки қадамларданоқ ҳақиқий ишбилармонлик билан жамиятга, одамларга нафи тегаётган тижорат корхоналари, фирмаларнинг пайдо бўлаётгани иқтисодий тангликдан қутулишга мадад бўлаётир. Тошкент шаҳар, Ҳамза туманида ташкил топган «Наврўз» фирмаси фаолияти уч йилга яқинлашди.

— Фирмамиз Тошкент ёғмой комбинати ҳудудида ижара асосида ишламоқда, — дейди фирма директори Шамсиддин Хўжаев. — Комбинат раҳбарлари билан 20 йил муддатга шартнома тузганмиз. Асосан суюқ совун ишлаб чиқарамиз. «Озода» деб номланган бу совуннинг бошқа тури ҳатто Иттифоқда ҳам топилмайди. Ихтиро ва технологиясини ўзимиз ишлаб чиққанмиз. Оддий совундан фарқи шундаки, ҳам сифатли, ҳам ишлатиш учун жуда қулай. Совун Ўзбекистон Давлат таъминот бошқармаси тақсимоти бўйича республикамизнинг барча вилоятларидаги қатор корхона ва ташкилотларга тарқатилмоқда. Истеъмолчилар орасида жумҳурият Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, қурилиш ва бошқа вазирликларнинг ташкилотлари бор. Масалан, биргина Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан беш йил муддатда 1500 тонна совун сотиш ҳақида махсус шартнома тузганмиз. Шунингдек, фирма етиштираётган маҳсулотлардан бир қанча болалар боғчалари ва уйлари ҳам унумли фойдаланмоқда.

— Шамсиддин ака, фирма яна қандай ишлаб чиқариш тармоқларига эга!

— Ҳозир Қозоғистоннинг Абай туманидаги Келес давлат хўжалигидан 30 гектар ерни ижарага олиб ишни бошлаб юбордик. Бу ерда 60 минг парранда боқиладиган қурилма бунёд этиляпти. 500 қорамол, салкам 2 минг қўй боқилади. Шартнома бўйича етиштирилган маҳсулотнинг бир қисми хўжаликка топширилади. Қолганини Тошкент шаҳрига олиб келиб, меҳнаткашларга сотамиз.

— Иложи бўлса арзон нархда. Ҳозир бозорга кирган одамнинг юраги ўйнайдиган бўлиб қолди. Нарх белгилашда ўрта ҳол яшайдиганларнинг ҳамёни ҳисобга олинса яхши бўларди. Ахир молларни арзонроқ нархда сотишни кимдир бошлаб бериши керак-ку.

— Тўғри айтдингиз. Худо хоҳласа харидорларни ранжитмайдиган нарх белгилаймиз. Тартибсизлик, пала-партиш нарх билан бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бу учун кичик корхоналарга, фирмаларга ва фермер хўжаликларига янада кенгроқ йўллар очилиши лозим. Республикамиз президентининг шу йил 29 ноябрда қабул қилган «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонидан жуда хурсанд бўлдик. Ҳамма гап уни амалга оширишда. Бу учун йўлимизга ғов бўлаётган айрим тўсиқларни олиб ташлаш даври келди.

«Наврўз» ҳам ўз тармоқларини кенгайтириб, янги йилдан ишлаб чиқариш тижорат фирмасига айлантирилади. Калинин туманидан олинган 3 гектар ерда фирманинг янги комплекси қурилмоқда. Янги йилдан эркаклар пойабзали тикадиган цех ишга тушади. Хуллас, режалар кўп. Энди уларни тадбиркорлик билан амалга ошириш лозим.

Директор Шамсиддин Хўжаевнинг асли касби иқтисодчи. 1976 йилда Тошкент Халқ хўжалиги дорулфунунини тугатган. Узоқ йиллар турли корхоналарда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Охири ўз имкониятларини синаб кўриш учун фирма ташкил қилди. Шу йилнинг бошида Ҳиндистоннинг Деҳли ва Бомбей шаҳарларига бориб кичик корхоналар, фирмалар фаолиятини ўрганиб келди. Келгусида улар билан қўшма корхоналар тузмоқчи.

Ш. Хўжаев қурилиш-тижорат ишлари билан шуғулланадиган «ТЭКОС» фирмасининг вице-президенти ҳисобланади. Бу фирма «Наврўз» ўзбек миллий мусиқа театр-студиясига ҳомийлик қилмоқда.

— Санъатни жуда севаман. Тез-тез театрларга тушиб тураман. Бўш пайтимда бадиий асарлар ўқийман. Ўзимча улардан тадбирдкорлик, ишбилармонлик калитини излайман, маънавий озиқ оламан. Қандай қилсам одамларга яхши, енгил бўлади, деган саволга жавоб излайман...

Шамсиддин аканинг бу сўзлари самимий. У чин маънодаги тадбиркор. Бу йўлда тиниб-тинчимайди, куч-ғайратини аямайди.

А. ЖЎРАЕВ

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Боши иккинчи бетда

Шу кунгача инсоннинг эркинлиги, ташаббусини, тадбиркорлигини чеклайдиган, бўғиб қўйган бирорта қонун иш бермаган, бундан кейин ҳам иш бермайди. Бундай қонунларга инсон кўниколмайди ва улар инсоннинг ҳуқуқий тафаккурига асос ҳам бўлолмайди. Бунақа қонунларни ҳар бир одам ўзича бузиб, ўзича қўллаши мумкин. Биз парламентнинг аввало фуқаронинг, кейин жамиятнинг манфаатларини асос қилиб оладиган қонунлар қабул қилинишига эришамиз. Ҳокимият одамларга ўз ҳаётларини ўзлари истагандек яшашлари учун яхши ишлашлари, юқори маош олишлари учун имконият яратиши лозим. Бу талабларга жавоб бермайдиган ҳар қандай қонун бекор бўлиши лозим.

Биз ҳамма ишни ўз-ўзини бошқарадиган фуқаролик жамияти қонунларига асосланган ҳолда амалга оширамиз.

Биз — адлия системасини тубдан янгилаш, қози (судья)ларнинг мустақиллиги ва қонун олдида жавобгарлигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз мустақил юстицияни яратиш, адлия, жиноий ишларни кўриш ва бошқа қонунчилик ишлари, ИИВ, хавфсизлик хизматини тамомила янгилаш, ҳар бир фуқарога суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиш имконини яратишга эришамиз.

Биз —ўз таркибида 30 мингдан кам бўлмаган, мутахассислик асосида, ихтиёрий ёлланиб хизмат қиладиган республика армиясини тузиш тарафдоримиз. Армиянинг маблағ таъминоти миллий даромаднинг 2 фойизидан ошмаслиги лозим. Бу эса, ёшларнинг, уларнинг хоҳишига зид равишда, ҳарбий хизматга мажбуран чақирилмаслигини таъминлайди.

Зикр этилган фикрлар, албатта, замонавий давлатнинг барча функциялари, давлат қурилишининг барча томонларини қамраб ололмайди, аммо бизнинг мавжуд ҳокимият структурасини ўзгартириш борасида тутадиган йўлимиз ҳақида етарли тасаввур беради.

Иқтисодиёт соҳасида

Иқтисодиёт соҳасида биз бозор муносабатларини ривожлантириш, барча фуқарога фаолият эркинлиги бериш тарафдоримиз. Фақат бозоргина меҳнат унумдорлигини олий даражада оширишга, ўта унумли, жумладан, хорижий технологияни татбиқ этишга, харидорлар эҳтиёжини тўлароқ қондиришга, инсон табиатини соғломлаштиришга қодир, деб ҳисоблаймиз. Бозор сиёсати — маҳсулот йўлидаги ҳар қандай тўсиқ билан мутлақо келишмайди. Бозор иқтисодиётини барпо этиш мақсадида биз хусусий ишбилармонлик йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилишига, кичик хусусий корхоналар, фирма ва ширкатлар, хусусий деҳқон хўжаликлари учун энг яхши шароитлар яратишга, уларга қарз берилишига, иморатлар, техника, ёқилғи ва бошқа нарсаларни сотиб олишларига имкониятлар яратиб берилишига эришамиз.

Давлат мустақиллигини олиш ва Ўзбекистон ҳудудида пул муомаласини ҳимоя қилиш миллий валютани ишга туширишни талаб этади.

Жамият энг аввало иқтисодий манфаатларга асосланиши керак. Давлат, ўз-ўзини бошқариш идоралари, корхоналар, ишбилармонларнинг фаолияти — очиқ, тенг ҳуқуқли савдонинг битим ва шартномаларига, тизимига асосланмоғи лозим. Корхона ва фуқаролар фаолиятининг бош муро[illegible]чиси — солиқлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолликларини рағбатлантирувчи мустаҳкам қонунлар бўлиши лозим.

Давлат томонидан ишлаб чиқариш ва маиший хизмат корхоналари фаолиятини тартибга солиш энг қуйи иш ҳақи чегарасини, нарх-навонинг юқори чегарасини назорат қилиш, шунингдек, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи замонавий кўпфункцияли солиқ тизимини ишга солиш билан амалга оширилади.

Товар тушунчасига биз ерни, кўчувчи ва кўчмайдиган мулкни ҳам киритмоқчимиз. Бусиз тўлақонли бозор барпо этишнинг, маҳсулот ва пул массаси дисбалансидан қутулишнинг иложи йўқ. Муаммони ҳал этишнинг энг осон усули — сотиш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини, иложи бўлса, акциялар йўли билан сотишдир.

Биринчи навбатда маиший хизмат кўрсатиш, савдо, уй-жой фонди, зиён келтирувчи ва кам унумли корхоналар, хўжаликлар хусусийлаштирилади. Аммо мулкни хусусийлаштиришни ўйлаб, ошкора тарзда, ҳозиргидай ими-жимида яширинча эмас, барқарорликка зарар етказмасдан ўтказиш лозим. Бунда Ўзбекистоннинг маҳаллий миллатларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ва халқ мулкининг яхлитлиги таъминланиши лозим.

Хусусийлаштириш устидан назоратни парламент, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув, жамоат ташкилотлари зиммасига юклаш зарур.

Бу вазифани амалга ошириш учун Ўзбекистон Олий Кенгаши қошида давлат мулкини бошқариш қўмитасини барпо этиш, давлат мулкини бошқариш принциплари ва механизмларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қўмита асосий фондларини, жумладан, ер, кўчувчи ва кўчмайдиган мулкнинг таннархи ва сотиш тартиби белгиланганидан сўнг савдога тушадиганини тўла инвентаризациядан ўтказиши лозим.

Бу босқичда барча турдаги мулклар ичидан энг афзалроғи бизнинг назаримизда акционерлик мулки бўлиб кўринади. Корхоналарнинг акция ва облигацияларни сотишда меҳнат жамоалари аъзоларига, меҳнат фахрийларига афзалликлар берилиши, бу мақсадлар учун давлат узоқ муддатли кредитлар ажратиши лозим.

Маҳаллий бюжетларни ташкил этиш концепциясини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Давлат ва ўз-ўзини бошқарув ихтиёрига жамғарманинг 40 фоизигача бўлган акцияларини қолдириш керак. Олинган фойда, хусусийлаштиришдан тушган маблағ, солиқ даромадларини, қуйидаги тартибда тақсимлаш лозим:

65 фоиз — ўз-ўзини бошқарув бюжетига, 10 фоиз — вилоят бюжетига, 25 фоиз — республика бюжетига.

Шахсий даромад солиғининг бари, маъмурий ва уй-жой бинолари, ер ижараси, лицензиялар, рухсатномалар берилишидан олинган даромадлар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш бюжетига тушиши мумкин.

Акциялар, жамғармаларнинг қолган қисмини ким ошди савдосига, шунингдек, хорижий харидорларга алоҳида баҳоларда таклиф этиш мумкин.

Хусусий хўжаликларнинг жамоа-давлат хўжаликларига нисбатан кўп унумдорлигини ҳисобга олиб, «Эрк» партияси ерга мулкчилик ҳуқуқини тиклашни ёқлайди.

Ҳозирги аграр сиёсатни радикал ўзгартириб ер ислоҳотини тезроқ ўтказиш лозим. Қишлоқ фаровонлиги, ернинг соғломлиги ва унумдорлиги, айнан, шунга боғлиқ.

Биринчи навбатда, янги ерларни ўзлаштиришга вақтинча чек қўймоқ керак. Шу билан баробар жумҳурият ҳудудини зоналарга бўлиб, кўпгина хўжаликларнинг ихтисослигини ўзгартириш зарур.

Бугун томорқа учун берилаётган ерларга мўъжизага қарагандай боқмаслик керак. Бу ҳадя эмас, биздан олтмиш йиллар муқаддам тортиб олинган ўз мулкимизнинг кичик бир қисмидир.

Бугунги вазиятда ер ислоҳотини уч босқичга бўлиб ўтказиш лозим.

Биринчи босқичда: 1992 йил баҳорги шудгоргача давлатдан муттасил қарз олиб яшаётган хўжаликларнинг ерларини шу хўжалик меҳнаткашларига бўлиб бермоқ лозим. Аҳолиси кўп, ери оз бўлган хўжаликларда ердан олинадиган даромад шу хўжаликка меҳнати сингган кишиларга **тенг акциялар** шаклида тақсимланади.

Иккинчи босқичда: 1992 йилдан бошлаб рентабеллиги 20 фойиздан кам бўлган хўжалик ерлари, ферма ва бошқа асосий фондлари **янги деҳқон хўжаликлари** ихтиёрига берилади. Улар ўзи етиштирган ҳосилнинг 50 фойизини шартнома асосида давлатга топширишади, қолганини бозор ёки биржаларда сотади.

Учинчи босқичда: 1992-1993 йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқларига берилган ерлар, Туркистон ҳарбий округи тасарруфида бўлган майдонлар қайтадан рўйхатдан ўтказилади ва улардан тортиб олинади. Бу ерлар аҳолининг муҳтож қисмига, асосан, деҳқон хўжаликларига бўлиб берилади.

Бу учта босқич ер ислоҳотининг бошланғич қисми бўлади. Бу босқичлар ўтилса, ерни хусусий мулкка бериш ёки бермаслик ҳақида ўйлаш мумкин.

Тўғри, бизда аҳолиси кўп, ери оз минтақалар бор. Аммо Японияда ер аҳоли жон бошига 0,03 гектар, Хитойда 0,08 гектар, ГФРда — 0,13 гектардан тўғри келади. Бизда эса бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 0,20 гектарни ташкил қилади. Демак, «ер оз, аҳоли кўп» деган иддао билан ҳаётий зарур масаладан қоча олмаймиз. Ернинг ҳақиқий хўжайини бўлмас экан, у ҳеч қачон ўнгланмайди. Ерни сотиб олишда (ижарага олишда) қишлоқ аҳлига, меҳнат фахрийларига қулайликлар яратилиши лозим. Ортиб қолган ер ким ошди савдосига қўйилиши мумкин.

Бевосита ва билвосита солиқлар бизда жуда каттадир. Бу қашшоқликка олиб келган сабаблардан биридир. Шунинг учун ҳам биз Президентлик солиғини йўқ қилиб, янги солиқ режимини ўрнатамиз. Корхона даромадидан олинадиган солиқ 20 фойиздан ошмайдиган бўлади. Бу рақам хусусий даромадда ҳам шундай қолади.

Солиқни бундан ортиқ қўйиш солиқ базасининг заифлашишига олиб келади, давлат бюжетига тушадиган маблағни камайтиради.

Биз, шунингдек, халқ бойлигини сўриб ётган капитал қурилишга кетаётган маблағ ҳажмини ҳам қайта кўриб чиқамиз. Самарасиз қурилишларни тўхтатиб, ким ошди савдосига қўйиб сотамиз ва унга ажратилган моддий манбани фойдали жабҳаларга йўналтирамиз.

Айнан молиявий мустақиллик маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари, ташкилотлари учун ҳақиқий эркинликка эришиш гарови бўлади.

Бозор иқтисодиёти ресурсларининг, тайёр маҳсулотларнинг вазирлик ва маъмурий идоралар томонидан тақсимланишига, жамғарма ва лимит деган тушунчаларга чек қўяди Вазирлик ва идоралар, улардаги штатлар кескин қисқаради. Уларнинг вазифаларини, асосан, техника тараққиёти масалалари билан шуғулланиш, ички ва ташқи бозорларнинг аҳволи, ўз соҳаларидаги фан ва техника ютуқларини ўрганиш, уларни тадбиқ этиш билан белгилаш лозим.

Меҳнат фаоллигини рағбатлантириш учун янги корхоналар, кичик ва хусусий бизнесни қайд этиш тартибини қонунлаштириш, барча шаклдаги мулкчиликка эга бўлган корхоналар учун экспорт ва импорт операцияларини ўтказишни соддалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш учун чет эл капитал маблағлари ва даромадларни эркин олиб чиқиб кетишни кафолатлаш, қўшма корхоналарнинг ташкил этилишини, чет эл инвестицияларининг оқиб келишини рағбатлантириш зарур.

Бошқарув структурасини соддалаштириш ва ташқи алоқаларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда бир хил масалалар бўйича иш олиб бораётган тўртта вазирлик ва идорани тугатиш ҳисобига Ўзбекистон ташқи муносабатлар вазирлигини ташкил этиш мумкин. Экспорт-импорт ишларини давлат тузилмаларининг бевосита иштирокисиз манфаатдор корхона ва ташкилотлар амалга оширадилар.

Биз Ўзбекистон ҳудудидаги рўйхатда қайд этилган барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларга, воситачи муассасаларга ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши учун махсус рухсатномасиз йўл очиб берамиз. Валюта операциялари Ўзбекистон ҳукумати белгилаган тартибда берилган лицензиялар асосида амалга оширилаверади.

Биз товар алмашишдаги чеклашларни бекор қиламиз, экспорт ва импорт қилиниши рухсатнома ва квоталаниши керак бўлган моллар ва хизматлар рўйхатини кескин қисқартирамиз. Валюта операцияларини олиб борувчи банкларда, барча юридик шахслар ва фуқароларга валюта ҳисобларини очишга рухсат берамиз ва уларга ҳеч қандай чеклашсиз, талаблари бўйича жамғармаларидан пул олишига йўл очиб берамиз.

Ушбу ташкилий тадбирларни тадбиқ этиш қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

а) инсонни ишлаб чиқариш ва ўз меҳнати маҳсулига эга қилиш, юртимиздаги ғарб ҳамкасбларидан қолишмайдиган идрокли кишилар оммасини ишга солиш, илғор бошқарув, илмий-техникавий ғояларни, кашфиётлар, рационализаторлик таклифларини тижорат йўли билан ўзлаштиришни таъминлаш имкони;

б) хўжалик алоқаларининг бузилган уйғунлигини қайта тиклаш, қонунлар ва шартнома мажбуриятларига амал қилиниши, иқтисодиётнинг ўз-ўзини ривожлантирувчи кучларини ва қувватли ричагларини ҳаракатга келтириш; кам харажат билан хўжалик вазифалари ҳал этилишининг оптимал услубларини ишлаб чиқиш;

в) бозорни барқарорлаштириш, молияни йўлга солиш, инқирознинг олдини олиш имконини беради.

Ижтимоий соҳада

Ишбилармон доираларни рағбатлантириб, малакали мутахассисларга юқори иш ҳақлари тўлаш ва камбағалларни ижтимоий муҳофаза қилишни уйғун олиб бориш зарур. Меҳнатга лаёқатсиз аҳолини, камбағалларни ижтимоий муҳофаза қилишни давлат бюжетидан ҳамда хусусий суғурта ва хайрия жамғармалари фаолиятини рағбатлантириш асосида амалга ошириш лозим. Бунинг учун турли шаклдаги мулкчиликни — корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига иқтисодий асосланган суғурта тузумини ишлаб чиқиш, ижтимоий суғуртанинг ягона солиғини — давлат томонидан — ижтимоий таъминот маблағларининг асосий манбаи сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир. Бир вақтнинг ўзида мавжуд тиббиёт ва ижтимоий таъминот тизимига хусусий секторни, хайрия фондлари ва диний муассасаларни жалб этиб, уни демонополизация қилиш лозим.

Ижтимоий муҳофазанинг ўзига хос хислати унинг аниқ йўналишга эга эканлигида бўлиши лозим, яъни жамоат истеъмол жамғармаларидан ёрдамни айнан муҳтож бўлган кишиларга нисбатан кўрсатиши лозим ва бунда расмийликка, сохта тенгликка интилмаслик керак.

Ишсизликни қисқартириш учун давлат ишчи кучларини қайта ўргатиш-ўқитиш, бу мақсадда ишбилармонлар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш лозим.

Яшаш минимуми ва қашшоқлик чегарасининг илмий асосланган ҳисоб-китоби натижаларини матбуотда чоп этиш йўли билан мунтазам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Баҳолар индексини ҳисоблаб чиқиш асосида иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш мумкин.

Биз мустақил касаба уюшмаларининг барпо қилинишини қўллаб-қувватлаймиз. Улар меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ўз аъзоларининг манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатишлари лозим. Касаба уюшмаларидан меҳнаткашларни ижтимоий суғурта қилиш вазифаларини ажратиб олиш керак.

Давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарув институтлари оиланинг жамиятдаги ўрни ҳақида ғамхўрлик қилиши, муҳтож оилаларга ёрдам ташкил этувчи жамоат ҳаракатига ёрдам кўрсатишлари лозим.

Биз уй-жой қонунчилиги ва уй-жой фондларидан фойдаланишнинг туб ислоҳотларини қабул қилиш вазифасини илгари сурамиз. Кўпчилик уйлар, хонадонларни хусусий, ширкат ёки акционерлик мулкига ўтказиш зарур.

Ёш оилалар уй-жой қурилиши, уй-хўжалик ишларини юритиш ёки сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитларга эга бўлишлари лозим. Кредит қилиб олинган пул миқдори индексация қилинади.

Фан, маданият ва таълим соҳасида

Ўзбекистоннинг мустақиллигини ва халқ фаровонлигини ошириш учун жамият маънавий қайта туғилиши лозим ва биз ахлоқ ва меҳнатсеварлик анъаналарига қайтишимиз, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг миллий маданиятларини ўзаро бойитишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Биз давлат идораларининг илмий ва ижодий уюшмалар, жамоалар, маданият ва санъат арбоблари фаолиятларига аралашмаслиги тарафдоримиз. Уларнинг жамият учун фаолиятларининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, фан, маданият, санъат, таълимни солиқдан озод қилиш, улардан бир қисмини эса давлат ва ўз-ўзини бошқарув бюжетидан кафолатли дотациялар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фундаментал тадқиқотлар, янги ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш, мактаб биноларини қуриш ва эскиларини таъмирлаш, таълимнинг техника негизини яратиш, давлат ва маҳаллий бюжет ҳисобидан молиявий таъминлаш лозим.

Таълим тузумини қайта қуриш мақсадга мувофиқ. Мактаблар, билим юртлари, техникумлар мухтор мақомга эга бўлган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ихтиёрида бўлишлари лозим. Ўқув дастурлари ягона, бироқ тадрижга қулай ва дифференциаллашган бўлмоғи керак. Юқори малакали ўқитувчининг меҳнати ота-оналарнинг ихтиёрий бадаллари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув бюжети маблағлари ҳисобига рағбатлантирилиши лозим. Хусусий ўқитиш фаолияти ҳуқуқига рухсатнома беришни амалда қўллаб кўриш зарур.

Халқ таълими самарадорлигини ошириш учун биз чаласавод мутахассисларни етиштириб чиқарувчи олий ўқув юртлари ва техникумлардаги кечки ва сиртқи таълим тизимини йўқотишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тизимини такомиллатириш мақсадга мувофиқдир.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида

Миллатлараро муносабатларнинг ягона адолатли асоси барча миллатга мансуб кишиларнинг ҳуқуқий тенгликларига амал қилишдир.

Биз шахснинг у ёки бу миллий маданиятга нисбатан ўз дунёқарашини ўзи белгилаши ҳуқуқини эътироф этамиз. Биз миллий-маданий жамиятлар, марказлар, клубни тузишни қўллаб-қувватлаймиз.

Миллатидан қатъий назар, ҳар бир кишига ҳеч қандай тўсиқсиз ўз ватанига ёки бошқа мамлакатга чиқиш ҳуқуқини кафолатлаш лозим.

Юқорида баён этилганлар билан бир қаторда биз ўзбек тилининг мақомининг давлат тили сифатида қатъий амал қилинишига эришамиз ва барча хоҳловчиларга ўзбек тилини ўзлаштириш, ўзбек халқининг тарихи, маданияти, миллий хўжалиги ва анъаналари тўғрисида билим олишларига барча имкониятлар яратамиз.

Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида

Орол денгизи, қатор саноат марказларидаги экологик офатлар Ўзбекистоннинг экологик барқарорлигига, инсон саломатлиги ва ирсиятига таҳдид солмоқда.

Биз Орол муаммоси ҳал этилишини жадаллаштириш, ташқи муҳитнинг ифлосланишига қарши санкцияларнинг мустаҳкамланиши, ташқи муҳитни муҳофаза қилиш идораларининг ҳуқуқ ва кафолатларини кенгайтиришга эришамиз.

Бизнинг назаримизда, иқтисодиётнинг хусусийлаштирилиши экология ҳолати учун маълум шахсларнинг масъулиятларини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Халқ хўжалиги экологик жиҳатдан тоза, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясига асосланган ва нисбатан хавфсиз энергоресурслардан фойдаланишга интилмоғи лозим.

Давлат Ўзбекистонга анъанавий хос бўлган ландшафтни қўриқлаши лозим.

Аҳолига экологик таълим бериш дастурини амалга ошириш, ташқи муҳитнинг аҳволи тўғрисида доимий ахборотни таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Дунё тажрибасига суяниб ва қўшни Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатда бўлган ҳолда Оролбўйида экологик тадқиқотларни кенгайтириш ва шу тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олибгина иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

БИЗ ЖАМОАТЧИЛИКДАН НИМА КУТАМИЗ?

Бизнинг сайловолди сиёсий дастуримиз матни «Эрк» Демократик партиясининг позицияси ва унинг тарафдорларининг энг умумий масалалар бўйича қарашларини ифодалайди. Бу тамойиллар республикада юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Бизнинг қараш ва таклифларимиз бошқа ҳужжатларда ҳам баён этилган.

Бизнинг назаримизда ушбу концепция давлат ҳокимияти ва иқтисодиёти бошқарувини пастдан юқоригача қайта тиклаш, Ўзбекистонда бутун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тузумини янгилаш ва тартибга келтириш йўллари тўғрисида маълум тасаввурлар беради.

Бундай таклифлар билан биз анча вақтдан-буён чиқаяпмиз.

Биз тараққий этган жамиятга конституцион йўл билан ўтишга қаратилган ислоҳот вариантларини ишлаб чиқишда давом этаверамиз. Гап республикамизни сиёсий ва иқтисодий ташкил этишнинг янги шакли тўғрисида бораяпти.

Шу билан бирга, биз яна шуни ҳам тан оламизки, демократлар елкасига тушадиган мерос шунчалик оғирки, у бизнинг ўз дастуримизни амалга оширишга бўлган интилишимизни янчиб ташлаши мумкин. Эски тузум тарафдорлари томонидан қарши ҳаракатни, саботажни ҳам истисно этиб бўлмайди. Шунинг учун демократик жамият барпо этиш ишида кенг аҳоли оммасининг мадади биз учун жуда муҳимдир.

Биз бу дастур билан демократия ва халқ ҳокимияти идеалларини қадрлайдиган ҳар бир одамга, зикр этганимиз ғояларга қўшилгувчи ҳар бир кишига, ўз кучи, идроки ва иродасини давлат ҳокимияти ва халқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга, сиёсий тузумни янгилашга бел боғлаган барча инсонларга мурожаат этаяпмиз.

Биз ўтмишни, айрим шахсларнинг сиёсий адашишларини муҳокама қилиб ўтирмаймиз. Ким очиқ кўнгил билан келса, бизнинг сафимизга қўшилса ёки биз билан ёнма-ён туриб ўз билими, тажрибаси билан ўртоқлашса, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини баҳам кўрса, бундан ғоят хурсанд бўлажакмиз.

Республика, жамият ҳаётидаги туб ислоҳотлар, ўзгаришларга фақат демократик кучларнинг Ўзбекистондаги Президент сайловлари ва жойлардаги ижроия ҳокимиятларга сайловлар чоғидаги ғалабасидан кейин умид қилиш мумкин.

«МУХЛИСИМ—ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ ТИРИК»

Биз ҳаётда ўз вазифасини ижро эта туриб ҳалок бўлган кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Фазогир, ҳайдовчи, кончи... Бу касб эгалари ҳар дақиқа хавф-хатар билан ҳамнафас бўлар экан. Шунинг учун ҳам улар ҳалокатга учрасалар, фожиали вафот этди деб эълон қилишади. Бироқ дунёда шундай касблар борки, уларнинг соҳиблари ишга тушишларидан олдин табиб кўригидан ўтмайди. Борди-ю, иш устида вафот этсалар ҳам фожиали ўлим топди деб эътироф этилмайди.

Бизнингча, шоирлар ҳам ана шундайлар сирасига мансуб: ҳеч қачон иш устида фожиали ҳалок бўлмайдилар. Андижонлик ёш шоир Аҳмаджон Долиев ҳам мушоира пайти (1988 йил, 24 февраль куни), назм мухлислари кўз ўнгида, шеър ўқиб туриб, юрагини чангаллаб, ҳаёт билан видолашди. Шифохонага олиб бориб текширдилар. Тилининг остида эриб улгурмаган волидол бор экан... Уни ҳам ҳеч ким фожиали ўлди, деб ёзмади. Ўлим билан олишиб шеър ўқиган, жони чиққунча одамларга нимадир айтиб қолишга ошиққан 32 ёшли бу йигитга ўлимидан сўнг унвон ҳам, мукофот ҳам берилмади. Фарёд солиб қолган муштипар ёри Гулнори, унинг этагини тутиб бўзлаган уч сағири — Шерзод (6 ёш), Хуршид (7 ёш), Бобур (9 ёш)ни қаҳрамоннинг оиласи сифатида ҳеч ким ардоқлаётгани ҳам йўқ. Уларга ўз оталаридан икки-уч умумий тўпламлар, рўзнома ва ойномаларда чоп этилган ҳамда дафтарларда қолган бир қанча ҳаяжонли мисралар мерос, холос.

Тўғри, Аҳмаджоннинг юраги хаста эди. Жияни Адҳамжоннинг ҳикоя қилишича, шоир Андижон клиник шифохонасида ётганида хонага бир гуруҳ талабаларини етаклаб доцент кириб келади. У шоирни кузатар экан талабаларга қараб, ўрисчалаб: «Бу касал узоғи билан ўн йил яшайди холос» деб айтиб қўяди. Бемор эса ўрисча лисонни жуда яхши билар эди. Шу-шу у ой-кунларини санай бошлади. Юрак ҳақида юракларни эзувчи шеърлар ёзди. Гоҳо хотинини чорлаб: «Китобларни эҳтиёт қил. Болалар ўқийди», дерди. Гап орасида «Бобур менинг ўрнимга ота бўлиб қолади-да», деб қўярди. Гулнора эса бу гапларга унча эътибор қилмасди. Чунки шифокор олимнинг оғзидан чиққан ўша мудҳиш ташхисни шоирнинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди. Эҳтимол, талабалар ҳам бу гапларни «палата» остонасидан ҳатлабоқ эсларидан чиқаришгандир. Олимнинг сўзига ўн йилдан ошгач шоирнинг шикаста юрагидан ушбу мисралар сизиб чиқди:

ТОНГ ОТАР БОҒЛАРДА

Юрак тунда оғрий бошлади яна,
Кўкрак қафасимга ҳаво тўлмайди.
Пичирлайман чала шеърим устида;
«Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди».

Мухлисим — юлдузлар шуъласи тирик,
Ишқивозим — ҳилол нури сўлмайди,
Демак кутмоқдалар янгича битик,
«Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди».

Тонг отар боғларда уйғонар ҳаёт,
Қуёш осмонимни нурга бўяйди.
Мухлисим — майсалар, гуллар барҳаёт,
«Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди».

Доктор, пучак чиқди кароматингиз,
Тўғри, юрак санчиғини қўймайди,
Ўн йил ўтди ҳамон яшамоқдаман,
«Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди».

Юрагим, бардам бўл, уриб тур, ахир.
Онам дуолари бизни қўллайди
Онамга шеър бошлаб қўяман, ҳозир
«Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди».

Афсуски, шоир ўзига-ўзи қанчалар далда бермасин, дард ўз ишини қилди. Она— Ҳалима аянинг илтижолари ҳавода муаллақ, шоирнинг унга атаб бошлаган шеъри тугалланмай қолди.

У ўз машқларини мўъжазгина тўплам ҳолига келтириб «Камалак» нашриётига топширгани, қўлёзма ноширлар томонидан бирмунча илиқ баҳолангани ҳақида эшитганимиз бор. Агар шу самимият рост бўлса, марҳум шоир руҳи ҳурмати китобча тезроқ чоп этилса, аввало савоб, қолаверса бу уч сағир ўғли ва муштипар аёлнинг ғамбода қалбига бироз бўлса-да ёруғлик таскин бағишлаган бўларди.

Талантлар хизр назар қилган юртларгагина ато этилгуси. Бироқ талантли кишиларни туққан эл уни ардоқлаши, қадрлай билиши ҳам керак. «Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса ўлган отнинг тақасини ҳам бахмалга қадаб осиб қўйишар экан», — деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор. Аҳмаджон бир район, бир вилоят фахр қилса арзигулик шоир бўладиган бир жаҳон йигит эди. Афсуски, биз уни асрай олмадик. Агар балиқчиликларга малол келмаса, у туғилиб ўсган Олимбек қишлоғидаги Ленин номли мактаб номини унинг исми шарифи билан ўзгартирилса марҳум шоирнинг руҳи бениҳоя шод бўлур эди. Ахир отнинг тақаси билан шоир ёзган ажойиб мисралар ўртасидаги фарқни балиқчилик айрим хўжалик раҳбарларига исботлашнинг ҳожати бўлмаса керақ, деб ўйлаймиз. Борди-ю, унинг оиласига нисбатан кимларнингдир қалбида ёрдам, меҳр-шафқат ҳислари уйғонган бўлса, ундай саҳий қалб соҳиблари умрини ҳам аллоҳнинг ўзи мунаввар қилсин, илоҳим.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ

доимий ҳамроҳ

БИЗГА ДИЙДОР КЕРАК, ДУНЁ КЕРАКМАС



Дунёда энг бебаҳо мулк кўнгил мулкидир. Бу шундай нодир мулкдирки, берган билан камайиб қолмайди, олган билан ошиқчалик қилмайди. Кўнгил кўнгилдан сув ичар деганларидек, ориф кўнгиллар билан дийдорлашув инсонни янада комил ва маърифатли қилади.

Зеро,

Кўнгул тангрининг тахти,
Кўнгулга тангри боқди,
Икки жаҳон бадбахти —
Кимки кўнгул қолдирса.

Бу зариф ва нозик, ҳаётий ва боқий сатрлар кўнгил мулкининг султони, энг эски турк-ислом маданияти, адабиёти намояндаси— «Туркистон пири» Аҳмад Яссавий маслакдоши ва издоши Юнус Эмра қаламига мансуб.

Бутун турклик дунёсида «Ошиқ Юнус» номи билан машҳур Юнус Эмра Туркиянинг бундан етти юз йил олдин яшаб ўтган буюк шоиридир.

Юнус Эмра бутун ижоди давомида инсонни ўз яратганини танишга ва севишга, у бунёд этган нарсаларга муҳаббат билан яшашга даъват этди.

Юнус Эмра ўзидан икки асарни адабий мерос қилиб қолдирди.

Биринчиси — «Рисолатун нусҳия» — «Насиҳатлар китоби» бўлиб, у маснавийда битилган тасаввуфий, ахлоқий, маърифий достондир. Иккинчиси башорий оламнинг бош масалалари — Оллоҳ, дунё, инсон, бақо ва фано, ўлим, ишқ ва ахлоқ мавзусидаги шеърлардан тузилган девондир.

Юнус Эмра мазкур асарларида инсон ўз яратганини севиши, Оллоҳ яратган бутун борлиққа — дунёга, инсонга, бошқа махлуқларга бирдай муҳаббат билан яшаши керак, деган ғояни илгари сурди. Кенг маънодаги ишқ шоир ижодининг асоси. ЮНЕСКО ташкилоти 1991 йилни «Юнус Эмра севги йили» деб эълон қилганлиги боиси ҳам шунда.

Юнус Эмра асарлари кўплаб дунё тилларига таржима қилинган. Жумладан ўзбек ўқувчилари ҳам улуғ шоир ижодидан баҳраманд бўлдилар. Шоир Муҳаммад Солиҳ таржимасида аввал унинг бир туркум шеърлари эълон қилинган эди. Мана, ниҳоят Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси М. Солиҳ таржимасида Юнус Эмранинг «Ҳақдин сўйлар бу тилим» шеърлар китобини чоп этди.

Китобга шоирнинг 60 дан ортиқ шеърлари жамланган. Китоб шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг «Туркистон ва Туркиянинг олтин кўприги» номли кириш сўзи билан очилади.

Ориф шоир Юнус Эмра бир шеърида «Бизга дийдор керак, дунё керакмас» деб ёзган эди. Шоир ўзбек шеърхонлари билан чин маънода дийдор кўришди. Бу дийдор улар қалбига комиллик ва ошиқлик нурларини сочиши муқаррар.

Ҳ. САЪДУЛЛА

САМОДА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ҳамда Кубок ўйинларини бошқариб борувчи ҳакамлар ҳар йили икки марта ўзига хос имтиҳон топширадилар. Бу имтиҳонларнинг бири баҳор ойларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари даврига тўғри келса, иккинчиси кўпинча август ойида бўлиб ўтарди.

1979 йил 12 август куни «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида ўшандай имтиҳон бўлиши лозим эди. Одатда бундай пайтларда ўйингоҳга келганимизда кўпчилик ҳакамларнинг югуриш бўйича машқ бажаришга киришиб кетганлигининг гувоҳи бўлардик. Бу сафар улкан ўйингоҳимизнинг футбол майдони бўм-бўш эди. Ҳайрон бўлиб тургандим бу ерга собиқ пахтакорчи, СССР спорт устаси, жумҳурият тоифасидаги ҳакам Шокир Исмоилов келиб қолди. Энди икковлашиб ҳамкасб шерикларимизни кута бошладик. «Наҳотки, имтиҳон топшириш бошқа кунга ёки бошқа ўйингоҳга кўчирилган бўлса?» деб ўйладик. Бугун дам олиш куни эканлигини билсак ҳам Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасининг футбол бўлимига телефон қилмоқчи бўлдик. Лекин негадир федерациядаги иккала телефон ҳам доимо банд эди. Вазиятни аниқлаш мақсадида ўша ерга боришга аҳд қилдик.

Қўмита биносига яқинлашар эканмиз унинг ёнида ҳакамлардан бугун имтиҳон олиши лозим бўлган ўқитувчилар — Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакамлар Виктор Вишинский, Эдуард Бакунович, Исоқ Вольшанский ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Уччаласи ҳам қаттиқ ҳаяжонда, қандайдир, хунук воқеа юз берганга ўхшарди. Саломлашганимиздан сўнг Ўзбекистон ҳакамлар уюшмаси раиси Виктор Вишинский бизга қараб «Кеча нима сабабдан «Динамо» Минск ҳамда «Пахтакор» учрашуви бўлмай қолганлигини биласизларми?» деб сўради. Шунда биз «Учрашувни бошқа кунга қолдирилганлигини эшитдик, холос» деб жавоб бердик. Уюшмамиз раиси эса Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск маршрути бўйлаб учаётган ТУ-134 А самолёти 8400 метр баландликда худди шундай самолёт билан тўқнашиб кетганлиги ва оқибатда иккала самолёт йўловчилари ҳамда экипаж аъзолари ҳалокатга учраганлигини дард билан сўзлаб берди. Шунда мен шошиб қолиб «Неча киши ҳалок бўлибди?» деб сўрадим. Суҳбатдошимиз бирон кимса ҳам тирик қолмаганлигини айтди. Пешонамдан муздек тер чиқди, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Наҳотки шунча йиллар давомида бирга бўлган, ўз тақдирини футболдек катта спорт билан боғлаган пахтакорчилар бир зимда ёруғ дунёдан кўз юмишса?! Бу нохуш дақиқа тил билан тасаввур этиб бўлмайдиган даҳшатга айланган эди.

Ғалаба нашидаси

Шу вақт катта тезликда келаётган «Ниса» микроавтобуси ёнимизга келиб шиддат билан тўхтади. Ундан бир қиз отилиб чиқди-да, қўмита биноси томон чопиб кетди. Унинг бирон футболчимизнинг рафиқаси эканлигига шак-шубҳа йўқ эди.

Машина ҳайдовчиси ёнига бориб «Кечирасиз, бу аёл кимнинг рафиқаси экан?» деб сўрадим, у эса ерга қараган ҳолда хўрсиниб, «Кимнинг рафиқаси эканлигини билмайман-у, лекин, менимча унинг исми Ирэна бўлса керак» деди. Дарҳол эсладим: Ирэна — «Пахтакор»нинг истеъдодли дарвозабони Сергейнинг рафиқаси Покатилова-ку!

Хунук хабарни эшитган футбол мухлислари чор атрофдан қўмита томонга оқиб кела бошладилар, уларнинг кўпларининг кўзларида нам, баъзилари бутунлай довдираб қолишган, айримлар эса ҳўнграб йиғлар эдилар...

Аста-секин у ердан узоқлашиб «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги маршрут таксилари бекатига яқинлашдим. Ўша даврларда 22-маршрут таксиси шу ердан Оқ тепа майдонига қатнар эди. Ҳоргин ва ғамбода бир аҳволда машинанинг орқа ўриндиғига ўтирдим, яна 5—6 йўловчини олиб машина ўрнидан қўзғалди. Катта йўлга чиққач, ҳайдовчи рўпарасидаги ойнадан қараб, «Ахбор ака, наҳотки шу гаплар рост бўлса?» деб сўраб қолди. Шундоқ ҳам йиғлаб юборай деб базўр ўтирган эдим: «Ҳа, дўстим рост!» дедиму йиғлаб юбордим. Шу вақт машинадаги ҳеч нарсадан бехабар йўловчилар ҳайдовчига қараб «Нима гап, тинчликми?» деб сўрашди. У эса бўлган воқеани машинадагиларга сўзлаб берди. Кимдир, «йигитлар бу дунёдан шаҳид кетибдилар, жойлари жаннатда бўлсин» деса, кимдир мен томонга ўгирилиб ҳамдардлик билдирарди.

ШУ КУНИ КЕЧҚУРУН Катта боғ кўчасидаги хонадонимизда ифторлик бўлиши режалаштирилган эди. Уйга келгач, қизариб кетган кўзларимни биров кўрмаслиги учун тезроқ хонага кириб кетмоқчи бўлдим, лекин улгуролмадим. Ҳовлида юмуш билан овора бўлиб юрган рафиқам Фаридахон «Вой ўлмасам, нима бўлди, тинчликми, нега кўзларингиз қизарган?» дея саволга тута бошлади. Мен эса деворга суянган ҳолда яна йиғлаб юбордим. Шу дақиқаларда бу даҳшатли хабарни қандай қилиб айтишни билмай азоб чекардим...

Кечга яқин таклиф этилган меҳмонлар бирин-кетин кела бошладилар, мен бутун вужудим билан юз берган вазиятни ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилардим. Лекин қанчалик уринмайин барибир кўплар ҳолатимни сезиб қолишди.

Ифторлик ўтгач меҳмонларга жавоб беришдан олдин ҳовлида ёғоч кроватда ўтирган Фаттоҳ қори ёнларига келиб секингина «Тоғажон, бугун «Пахтакор» жамоаси самолётда портлаб кетиб ҳалок бўлишди. Ўзингиз биласиз, уларни барчаси менинг қадрли дўстларим бўлишган. Ўша азизлар хотирасига битта Қуръон тушириб берсангиз» дедим.

Фаттоҳ қори пахтакорчиларнинг бу дунёдан шаҳид кетганлари ҳақида йиғилганларга қарата маъруза қилдилар, кейин кўзларини юмган ҳолда Қуръонни шундай қироат билан ўқидиларки, ифторликка келган ёшу қарининг барчаси йиғлади.

Ҳамма ёқни йиғиштириб бўлгач, уст-бошим билан диванда ухлаб қолибман. Вақт ярим тунга яқинлашганда эшик тақиллади, шошапиша соатга қарадим — 2 дан 15 дақиқа ўтган экан. Эшикни очсам, рўпарамиздаги Зотлик кўчасида яшайдиган дўстим Тўлқин Юсупов турибди. «Кечирасиз, безовта қилганим учун, Сизни Сочи шаҳридан телефонга чақиришяпти» деди. Токи телефон дастасини қўлимга олгунимча «чақиртирган ким экан, қариндошларимиздан ҳеч ким Сочида дам олмаётган эди-ку!» деган мужмал саволлар миямни бутунлай чулғаб олганди. Телефон дастасини кўтариб «Алло! Эшитаман!..» десам у томондан ҳеч ким сўзламайди, фақат аёл кишининг пиқиллаб йиғлаётгани эшитилиб турарди. «Алло! Алло! Гапиринг, кимсиз?» Бир неча секунд давом этган сукунатдан сўнг телефон орқали сўзлашаётган ҳамкасбимни зўрғатдан англадим. У киши Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳининг бўлим мудири, биология фанлари доктори Дилором Шарипова эканлар. Улар Сочида дам олаётиб авиация ҳалокати ҳақидаги хабарни эшитиб Тошкент шаҳридаги танишларидан баъзиларига сим қоқиб, аниқроқ маълумот олмоқчи бўлиб роса овора бўлибди. Ҳеч қандай натижа чиқмагач, шаҳардаги телефон станцияси ходимларидан илтимос қилиб Катта боғ кўчаси ёки унинг атрофидаги телефони бор хонадонлардан бирини улаб беришни сўрабди. Дилором Жуманиёзовна «Ахбор доим «Пахтакор» билан сафарга борарди, бу гал ҳам улар билан бирга бўлса керак» деб қўрқиб кетиб, телефондан овозимни эшитгач йиғлаётган эканлар.

Ф. К. „Пахтакор" Ташкент, 1979 г.

«Пахтакор» командасининг 1979 йилги аъзолари

Орадан кўп вақт ўтмасдан пахтакорчилар устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Идгай Тазетдинов ҳамда жамоа ҳимоячиси, спорт устаси Юрий Загуменнихнинг рафиқалари Алла Сергеевна ва Людмила Николаевналар Днепропетровск вилояти Днепродзержинск туманидаги Куриловка қишлоғига бориб самолётлар портлаган ерларни кўриб зиёрат қилиб қайтдилар. Ўша ерда истиқомат қилувчи кишилар тез кунда пул тўплаб ҳалок бўлган йўловчилар хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатишганини айтишди.

Фожиадан бир неча кун ўтгач, жумҳурият тоифасидаги ҳакам Зокир Абдуллаевнинг Днепропетровск шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ ўсмирлар турнирига таклиф этилганлигини эшитиб қолдим. Тезда Зокиржонни топиб, ундан пахтакорчилар ҳалок бўлган жойни зиёрат қилишини ва у ердан хотира сифатида бирон нарса олиб келишини илтимос қилдим. Истеъдодли ҳакамимиз у ердан қайтгач, ўзи билан бирга олиб келган самолёт парчасининг кичик бир бўлагини уйга келтириб берганида уни кўзда ёш билан қабул қилиб олдим.

Энг навқирон йигитлик даврида бу ёруғ дунёдан бевақт кетган «Пахтакор» жамоаси аъзолари бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади:

Ўша вақтларда тўққизинчи синфда ўқиб юрган жумҳуриятимизнинг олтита ёш футболчиси СССР ўсмирлар терма жамоаси аъзолигига номзод бўлиб, навбатдаги Бутуниттифоқ ўқув машғулотига, Кавказдаги Эшери шаҳарчасидаги спорт базасига уларни олиб борувчи устозлари тўсатдан бетоб бўлиб қолганликлари сабабли бу вазифа менга топширилган эди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан таклиф этилган 30 дан ортиқ ёш футболчилар билан ўтказилаётган машқларда серқуёш Ўзбекистондан Виктор Пшеничников, Валерий Ортиқов, Виктор Жалилов, Александр Бурикин, Николай Коломейцев, Михаил Ан ҳам иштирок этишарди. Қишки таътил кунларига мўлжалланган машғулотлар якунлангач, у ердан жўнаб кетишимиз олдидан терма жамоа устозлари ёнимга келиб «Миша Ан келажакда ҳақиқий футбол профессори бўлиб етишади, унинг истиқболи порлоқ, мана кўрасиз» — дейишди. Ўша дақиқаларда менинг қай даражада фахрланиб кетганлигимни кўрсангиз эди...

Пахтакорчиларнинг Тошкентдаги учрашувларидан бирида ҳимоячи Николай Куликов тасодифан ўз жамоаси дарвозасига тўп киритиб қўйди, учрашув якунида футболчиларимиз ғалаба қозонганликлари сабабли бу воқеа тезда унутила бошланди. Ўйингоҳдан чиқаверишда бир гуруҳ спорт журналистлари суҳбатлашар, ўзимизча ҳозиргина якунланган ўйинни муҳокама қилаётган эдик, шу вақт ёнимиздан Николай ўтиб қолди. Биз уни ғалаба билан табрикласак, у бўлса «Дўстлар, мени кечиринглар, бу фалокат тўпни қандай қилиб ўз дарвозамизга йўллаб қўйганлигимни ҳеч миямдан чиқара олмаяпман» — деб жавоб берди.

Моҳир ҳужумчимиз Владимир Федоров ҳатти-ҳаракатида баъзан манманлик ва ўзини катта тутиш каби салбий ҳолатлар пайдо бўлаётганлигини ўз вақтида сезган жамоа раҳбарлари уни муҳокама қилишни сўраб Ўзбекистон футбол федерациясига мурожаат қилдилар. Федерация ҳайъати йиғилишига Володя ҳам таклиф этилди. Жамоа раҳбарлари ҳамда ҳайъат аъзолари «Пахтакор» ҳужумчиси хатти-ҳаракатини қаттиқ танқид остига олдилар, бу нуқсонлардан қутилиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Барчанинг кўзи Федоровда, лекин унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётир, унинг хотиржам ўтиришида гўё «Барибир мен ҳақман, қўлингиздан нима келарди» деяётганлигини тушуниб етиш мумкин эди. Бироз жимликдан сўнг жумҳурият футбол федерацияси раиси, ҳурматли генералимиз Файзулла Норхўжаевнинг жаҳллари чиқиб кетди. «Ҳали сен «футбол юлдузи» бўлиб қолдингми, бизни назарингга илмаяпсанми? Ҳозир мен Туркистон ҳарбий округи раҳбариятига телефон қилиб, сени эртагаёқ армияга жўнатишларини сўрайман, армияга бўлганида ҳам энг узоқ ўлкаларга кетасан! Ана ундан сўнг футбол ўйнашингни биз биргаликда томоша қиламиз — деб хонадаги телефон дастагини кўтардилар. Шу дақиқада Владимир Федоровнинг ранги оқариб кетди, у яшин тезлигида ўрнидан туриб «Ўртоқ генерал! Қадрли дўстлар! Мени кечиринглар, барча айбимни бўйнимга оламан... Бундан буён бундай номаъқулчиликлар такрорланмайди, сўз бераман!» — деди. Генералимиз юзларида табассум пайдо бўла бошлади, «йигит киши мана шундай бўлади. Биз сендан яхши ўйин кўрсатиб мухлисларни хурсанд қилишингни сўрасаг-у сен бўлсанг... Дўстлар! Федоровнинг сўзларига ишонамизми?» — дея барчамиздан ижобий жавоб олгач, ўзлари биринчи бўлиб Володяга қўл бердилар, кейин ҳаммамиз у билан кўришиб чиқдик.

«ПАХТАКОР-79» НИ ЭСЛАБ кўп ўйга толардим: нима учун Ўзбекистонимизда улар хотирасига бағишланган бирон-бир фонд очиш мумкин эмас? Кўплаб ташкилотлар, футбол жамоалари, мухлислар бундай хайри-эҳсон фондига қанча-дан-қанча маблағлар ўтказган бўлардилар. Бошқа жумҳуриятлар мухлислари ва чет эллик фуқаролар ҳам қараб турмасдилар.

Ниҳоят, мустақил Ўзбекистонимизда «Пахтакор-79» фонди ташкил этилди. Бинобарин, нафақат авиаҳалокатда ҳалок бўлган 17 пахтакорчи, балки турли йилларда ўзбек футболининг шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшган мураббий ва ўйинчилардан Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Геннадий Красницкий, Олег Моторин, Александр Келлер, Маъруф Акбаров, Аҳмад Тошпўлатов, Вячеслав Семёнов, Лазиз Мақсудов, Михаил Барский, Қобил Муқимов, Яков Аранович, Александр Шчелочков руҳлари ҳам шод бўладиган бўлди. Уларнинг оила аъзолари ва фарзандларига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериш имконияти яратилди. Фонд маблағидан вақти-соати билан ногирон футболчилар орасида жаҳонда энг кучли бўлган Тошкентнинг «Матонат» жамоаси аъзоларига беғараз ёрдам уюштириб, жумҳуриятимиз болалар жамоаларини спорт кийим-кечаклари билан таъминлашдек савобли ишларни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистонда олимпия ўринбосарлари билим юрти иш бошлаганига ҳам 30 йил тўлди. Истеъдодли спортчиларни тайёрлашнинг ўзига хос маконига айланган ушбу ўқув даргоҳининг жумҳуриятимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда ўрни ниҳоятда каттадир. Бошқа турлар билан бир қаторда футбол ҳам камол топди. Владимир Федоров, Михаил Ан, Олим Аширов, Тўлаган Исоқов, Геннадий Денисов, Сайдулло Турсунов — бу ажойиб футболчилар рўйхатини давом эттириш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда таълим олаётган болаларнинг энг қобилиятлилари ўсмирлар ўртасида СССР ва Ўзбекистон терма жамоалари аъзоларидир.

Мени бир савол доимо қийнайди. Нима учун ушбу билим юртига Герман Титов номи берилган. СССР космонавт учувчиси билан билим юрти ўртасида қандай алоқа бор? Унинг ўрнига шу ерда ўқиб жумҳуриятимиз спорт шарафини оламга кўз кўз қилаолган кишилар номи берилса савобли иш бўларди. Ёки бошқа бир масала.

Нима учун шу вақтгача жумҳуриятимизнинг энг катта спорт иншоотида шонли пахтакорчилар учун ёдгорлик қўйилмаган. Ахир орадан 12 йил ўтиб кетди-ку!

Шу кунгача (ишқилиб бундан буён бўлмасин) ер куррасидаги яна бешта футбол жамоалари аъзолари худди «Пахтакор» сингари авиация ҳалокати натижасида бу кўҳна дунёдан кўз юмишга мажбур бўлишган: Булар «Торино» — Италия (1949 йил), «Манчестер юнайтед»—Англия (1958 йил), «Грин кросс» —Чили (1961 йил), «Стронгест»— Боливия (1969 йил), «Альянс» — Перу (1987 йил).

Бундан икки йил муқаддам, яъни «Пахтакор» футболчиларининг фожиали ҳалокатига 10 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон пойтахтида юқорида номлари санаб ўтилган жамоалар ўртасида Халқаро хотира турнири ўтказишга ҳаракат қилинди. Лекин негадир бу ғоятда хайрли иш ниҳоясига етказилмади. Жуда керакли бу тадбирни ўша мамлакатлар футбол федерациялари вакиллари билан бир ерга тўпланиб ижобий ҳал қилиш ҳамда уни жаҳон футбол федерацияси (ФИФА) календарига албатта киритиш лозим.

Пахтакорчи дўстларим ва укаларимни ўйлаб уларни қўмсайман... ҳаммалари бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлагандек туюлади менга. Европа чемпиони, халқаро классдаги спорт устаси, «Пахтакор» сардори Михаил Аннинг ўғли Дмитрий ҳамда жамоамизнинг энг толмас ўйинчиси, спорт устаси Александр Корченовнинг ўғли Александр бу йил Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олийгоҳига ўқишга қабул қилиндилар. Дмитрий ҳозирги кунда жумҳурият чемпионатида ғолиб чиққан Тошкент вилоятининг «Политотдел» жамоаси сафида худди раҳматли отаси сингари ярим ҳимояда тўп сурди. Истеъдодли футболчимиз Олим Ашировнинг ўғли Олег (машҳур совет ўйинчиси Олег Блохинга ҳавас қилиб қўйилган исм) шу йил ёзда Герман Титов номидаги жумҳурият олимпия ўринбосарлари билим юртининг ёш футболчилари сафида Хитой халқ жумҳуриятига ташриф буюриб, у ердаги мусобақаларда иштирок этди, унинг укаси Улуғбек ҳам яқинда шу ўқув даргоҳига қабул қилинди. Ҳозирги кунда Сергей Корченов, Олег Собиров, Сергей Загуменнихлар ҳам турли ёшдаги футболчилар орасида тўп суриб оталари бошлаб берган ишни давом эттирмоқдалар. Демак, саломатлик бўлса эстафета ишончли қўлларда.

Худои таолодан шу нарсани ўтиниб сўрайманки, шавкатли пахтакорчиларимизнинг ўғилларидан ҳеч бўлмаганда биттаси истеъдодли футболчи бўлиб етишиб чиқсин. У «Пахтакор» жамоасининг мамлакат чемпионати олий лигасидаги сафларида майдонга тушсин. Каминага эса ўша куни Ўзбекистон ойнаи жаҳонида учрашувни шарҳлай туриб майдонга тушган янги ўйинчини жонажон жумҳуриятимиз чарм тўп мухлисларига яқиндан таништириш насиб этсин...

Ахбор ИМОМХУЖАЕВ

Ҳалок бўлган «пахтакор»чиларга ўрнатилган ёдгорлик

ҲУ, ЯШШАМАГУР, БОЗОР ИҚТИСОДИ!

ЁЛҒОНЧИ ЧИНОРЛАР

Умри узоқ чинорлару ростгўй суҳбатдошларидан айрилган ҳар иккала арғувон бугун хижолатда.

Дарҳақиқат, ўша куни рутубат томчилари тўкилди. Йўқ, бу томчилар ёзилмаган дастурхон аламидан тўкилмади, бу томчилар Миртемир домлани соғинганидан, ул покиза зотнинг шогирдлари лафзи бу қадар қадрсизлангандан тўкилди.

Дўрмон чинорларини муждага кўмиб ташлаган оқ кабутарлар бу маскандан оёқларини тортдилар. Чинорлар, юз йиллик умрида не-не ёлғонларни кўрмаган ўша азамат чинорлар бугун яна заъфарон.

Ўртада Шукур ҳайрон, Исроилу Қозоқбой ҳайрон, Саид Аҳмад, Бегали ҳайрон.

«Қор хат» дастурхонига таклиф этилган 20 миллионли ўзбек халқи, албатта, ҳайрон эмас — тақчиллик кўпга келган тўй. Лекин дарслик ёзаётган тўртта домланинг гапига ишониб, якшанба оқшоми Дўрмонга борган, серҳиммат Умарали Норматов ёзмаган дастурхондан умидвор бўлган Машраб ҳайрон, Ҳожиакбар ҳайрон ва, табиийки, камина ҳайрон.

Ҳў, яшшамагур, бозор иқтисодиёти!

Шунча ёлғон етмасмиди? Пошшосидан тортиб олимигача алдайдиган бу мамлакатни нима деб аташ керак? Менимча, Ёлғончилар Мамлакати деб аташ керак.

Илова. Ҳурматли редакция! Наим Каримовга тегишли қалам ҳақини Умарали Норматовга жўнатишдан фойда йўқ.

Низом КОМИЛОВ

БАЙРАМ

Салтанатда
Лак-лак аскар —
Чумолилар —
Ўру-қирни
Тўлдириб,
Байрам қилар
Қўнғизбойни
Ўлдириб.

ТЕПКИ

Нафси ошиб ҳакалак,
Сичқон билан каламуш,
Ўлжа учун талашдилар,
Бир-бирига қўйиб мушт.

Қий-чув қилиб олишди,
Олишгандан иккиси.
Сичқонни думалатди,
Каламушнинг тепкиси.

Ҳусанжон АМИНОВ

МИТТИ МАСАЛЛАР

ҚАЛАМ ВА ЧИЗҒИЧ

Нега доимо оёқларим остида ўралашасан, — дея хезланибди Қалам.

— Сени тўғри йўлга бошқарай дейман-да, — жавоб берибди Чизғич уҳ тортиб.

ЯНТОҚ

Янтоқ атрофидаги иссиққа бардош беролмай қовжираб қолган ўт-ўланларга қараб мақтанибди:

— Сизларни қаранглар-у, салгина иссиққа чидолмай қуриб қолдиларинг. Мендан ибрат олсаларинг бўлмайдими, ҳар қандай жазирамани ҳам назар-писанд қилмайман.

Шунда сарғайиб кетган ўтлардан бири хафа бўлиб:

— Эй, нималар деяпсан, янтоқжон, бизларнинг ҳам томиримиз сеникига ўхшаб сувга етган бўлганида ўзимиз билардик, — дебди гинали оҳангда.

СИМЁҒОЧ

Симёғоч ўзича: «Агар темир тиргакларим мени ерга қўйишса, албатта кўкариб кетардим», дея хаёл сурармиш.

ДУТОР ВА ДОИРА

Доира гумбурлаб:

— Эҳ, Дуторвой, Дуторвой, сен ҳам ўзингни чолғу асбобиман деб юрибсан-да. Овозинг бурнинг остидан нарига эшитилмайди, — дея чиранибди.

Дутор мийиғида кулиб майин куйлашда давом этибди.

Доира Дуторни ерга урмоқчи бўлиб бор овозини ишга солган экан, тарс ёрилиб кетибди.

Нафас ДЎСАНОВ

ДАҲШАТ

Ҳолига қарамай қуёнбек бекор
Тулки тўдасига бўлди директор.

БИЛИБ ҚЎЙ

— Кеккайма омборнинг мудири илон,
Изингдан тушибди оқ типратикон.

ТУНДАГИ БЕХАВОТИРЛИК

Ўғри келиб устидан сув сепса совуқ
Қанотига калласин яширди товуқ.

ШУНАҚАСИЯМ БЎЛАДИ

Ўзига зеб бергач макиён бироз
Қийқириб юборди завқланиб хўроз.

АЛДАМЧИ ХАТ

Қадрдон дўстларга бўлсинким аён
Ниш урмоқ одатин ташлабди чаён.

ГАП ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Тухумдан чиқди-ю жўжа кеча
Хўрозга дашном берди ўзича.

Ғафур ЭШМОНОВ

Э Ъ Л О Н

УЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

Азиз болажонлар, сизлар учун!

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27-декабрдан — 8-январгача Қорбобо ва Қорқиз иштирокида ўйин-кулги, топишмоқ ва ашулалар айтишиб, саҳнамизда ажойиб ва ғаройиб

«СЕҲРЛИ ҚАҲҚАҲА»

спектаклини кўрасиз.

Унда сиз севган эртаклардаги қаҳрамонлар билан учрашасиз.

Спектакль муаллифи ва иштирокчиси Муҳаммаджон ШОКИРОВ.

Янги йил байрами соат: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб кўриш учун олдиндан патталар сотилмоқда.

Манзилгоҳимиз: Мустақиллик майдони, 5. Телефонлар: 39-46-08, 39-46-10.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
●
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЁҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН
●
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
●
БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Навбатчи муҳаррир — Абдунаби ҲАЙДАРОВ
Босмахонага топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64593. Буюртма 6299.